

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ВА МЕХНАТ ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ



**МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҶИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

Билим соҳаси: 100.000- гуманитар

Таълим соҳаси: 110.000-педагогика

Таълим йўналиши: 5112100-мехнат таълими

1 - қисм

ГУЛИСТОН - 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2014йил 10.11.даги 430- сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуани тузувчи Б.Курбонов-п.ф.н.,доцент

Тақризчилар:

1.Исянов Р.Г.-Низомий номли ТДПУ “Касбий таълим”кафедраси п.ф.н.,доц.

2.Холматов П.-СВПХМО ва ҚТИ ректори; п. ф.н., доц.

Ўқув услубий мажмуа ГулДУ ўқув методик Кенгашининг 2017 йил ____даги ийғилиши ____ баённомаси билан ишлатишга тавсия этилган

Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

МУНДАРИЖА

Кириш-----	3
Маърузалар мавзулари-	
1-Мавзу: Меҳнат таълими дидактик тамойиллари-----	5
2-Мавзу: Меҳнат таълими ўқитиш шакллари-----	8
3-Мавзу: Меҳнат таълими ўқитиш методлари-----	10
4-Мавзу: Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифаси-----	15
5-Мавзу: Мактаб ўқув режасида меҳнат таълими қўйилиши, унинг тарихий тараққиёти-----	19
6 – Мавзу: 1-9 синфларда меҳнат таълими мазмуни-----	22
7-Мавзу: Технология ва дизайн” йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар-----	26
8 -мавзу: Сервис хизмати” йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар-----	29
9 –Мавзу: Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар-----	30
10 –Мавзу: Меҳнат таълими режалаштириш -----	35
11-Мавзу: М.Т.ўқув жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси-----	39
12-Мавзу: Меҳнат жараёнининг таҳлили ва дидактик тушунчалар-----	41
13-Мавзу: Меҳнат таълими ташкил қилишнинг дидактик тизимлари-----	42
14-Мавзу: М-т дарсларида амалий дарсларни ташкил қилиш методикаси-----	45
15-Мавзу: Халқ ҳунармандчилиги технологиясини ўқитишни ташкил қилиш-----51	
16-Мавзу: Йўналишлар бўйича материалшунослик бўлимини ўқитиш методикаси-----	53
17-Мавзу: Меҳнат таълими ўқитувчисининг дарсга ва ўқув йилига тайёргарлиги-----57	
18-Мавзу: Ўқув устахонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш-----63	
19-Мавзу: Меҳнат таълими баҳолаш мезонлари-----	
-----65	
20-Мавзу: Ўзлаштиришни ҳисобга олиш турлари-----	70
21-Мавзу: Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашга оид методик ишлар-----	75
• амалий машғулотлар мавзулари-----	78
• лабаратория машғулотлари мавзулари-----	90
* Семинар машғулотлари мавзулари -----	105
Талабалар мустақил ишлари-----	105
Информацион методик таъминот-----	106
Глоссарий-----	106
Илова: -----	115
(курс иши мавзулари)	
*Фан бўйича назорат саволлари (ёзма оғзаки тест)	
*Фан дастури	
*Ишчи фан дастури	
*Ўум.электрон варианти	

Ҳозирги кун ўқувчиларини замон талабига мос ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш билан бир қаторда таълимни уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни тақоза этмоқда. Бу жамиятга ўз қарашлари шакилланган, кенг фикрга эга, ижодкор, қобилятли, эгаллаган билимларни ҳаётга татбиқ эта оладиган, давр талабига мос яшаш, меҳнат қиласиган, маданиятли, одоб-аҳлоқли иззат-икромли, одамгарчилик хусусиятларига эга бўлган, жисмоний жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш талабини қўймоқда.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давр талабига мос кадрлар тайёрлашда мактабнинг ўрни катта эканлиги ҳаммамизга маълум. Мактабда дарсга алоҳида аҳамият қаратилади ва ўқитувчининг замон талабига мос дарс ўтиши талаб этилади. Узоқ даврлар мобайнида дарс жараёнини ташкил этиш назарияси ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалга оширишда айrim камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўқувчининг мустақил билим эгаллаб олиш қобилияти ҳали тўғри йўлга қўйилмаган. Дидактик олимлар таъкидлаганидек “Ёмон ўқитувчи хақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса шу хақиқатни ўзи эгаллаб олиш йўлини кўрсатиб беради.” Дарс кўпроқ ўқувчиларнинг мавжуд билимларини эгаллашига йўналтирилади. Ташқаридан қараганда бу ёндашув тўғри бўлиб кўринсада, бу масала атрофлича тахлил қилинганда асосан ташки кўринишга эътибор қаратилиб, ички тузилишда ўқувчиларнинг билим олиши, ўй-фикрлаш қобилияти ҳисобга олинмайди. Ўқитувчи ўзининг олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Ўқувчиларнинг ўқиш-билиш фаолиятини назорат қилиш имкониятини яратади. Ҳар хил метод ва усулларни амалда қўллаш имконияти йўқ. Дарснинг боришидаги йўл қўйилаётган камчиликларни назарга олиб, кўпчилик ўқитувчilar дарс боришини мустақил тузиб, ўқувчининг фаоллиги, топқирлиги, ижодкорлигини таъкидламаслик зарур дейишиади. Бу фикри тўғри талқин этиш лозим. “Таъкидламаслик керак” деганда, дарснинг боришини хоҳлаганча ташкил этавер, деб тушунмаслик керак. Дарснинг бориши унинг турига, мақсадига, мазмунига, болаларнинг имкониятига қараб ташкил этилиши шарт.

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ўқиш методикасига назарий ва амалий жиҳатдан давр талабига мос дарсни ташкил қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам, таниқли олимлар билан методистлар, ижодкор ўқитувчilar бугунги дарс қандай бўлиши керак, у олдинги ўтилган дарсдан нимаси билан фарқ қилиши лозим деган саволга жавоб қидирмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ҳам янгиланади, мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг сифатига, ўқув жараёнини ташкил этишга эътибор кучайди. Бироқ, жамиятдаги айrim шахсларнинг бундай холатларга етарли даражада тайёр эмаслиги мактаб ҳаётидаги тенгсизлик, формализм, ижодкорликка эътибор бермаслик, фақат буюруқбозлик асосида ишлашга қаратилган мактаб ҳаётидаги камчиликлар ҳали ҳам учраб туради. Айrim ўқитувчilar ҳамон ишончли методнинг ўрнига мажбурий (буюруқбозлик) метод билан ишлаб келмоқда. Шу сабабли дарс ва мактаб ҳаётидаги мавжуд камчиликларни назарда тутиб, ўқитувчиларнинг назарияси билан амалиётга ҳамда изланувчан ўқитувчиларнинг тажрибаси билан иш фаолиятидаги ютуқларига суюган ҳолда, дарсдаги таълим – тарбия ишидаги қўйидаги кўринишларни назарда тутиш ва уларни имкон қадар таълим жараёнига тадбиқ этиб боришимиз мумкин.

Биринчидан, синфда мустақил (эркин) психологик муҳит, ўқувчиларга ҳурмат-эхтиром, ишонч ва ижодкорлик қобилятини ривожлантириш учун Кўлай шароит яратиш.

Иккинчидан, ўқув фаолиятининг олий мотивини келтириб чиқариш, фақат ўқувчиларга ўқув материалининг аҳамиятинигина билдириб қолмасдан, уларга билим олишнинг ўқитувчи томонидан таклиф қилинган методларига эътиборини қаратиш.

Учинчидан, ўқувчиларни билим олишини кафолатловчи ишончли метод ва усуллар билан таништириш (тушунча, ўзлаштирилган билимни амалда қўллай олишга қаратилган метод ва усуллар билан таништириш). Бу ўқувчиларнинг яхши ўқишига, таълим-тарбия олиш

жараёнида фаолликка, ижодкорликка олиб бориладиган фойдали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан, дарсни ўқувчиларнинг мустаҳкам, яхши билим олишига (билим олиш бу назарий олган билимларни ҳётда қўллай олиш деган сўз) йўналтириш. Бу эса ўқувчининг ўз билими ва кучига ишончини янада ортиришига олиб келади.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг олий даражада билим олиб, (Давлат таълим стандарти асосида) уни янги шароитда қўллай олиш имкониятларига шароит яратиш. Дарсда ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини тўғри хulosали ташкиллаштира олиш ва уларга ўз меҳнатининг самарасини мевасидан қаноатлана оладиган шароитлар яратиш.

Ҳозирги пайтда дарсда ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида ишонч, бир-бирига хурмат – эҳтиром, соғлом муҳит, ижодкорлик йўналишида биргаликда ишлаш муаммолари, айниқса муҳим, бўлиб туради. Мактаб – умуман айтганда халқ мактабига, миллий мазмунига эга бўлади.

Ушбу ўқув услугий мажмуа баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли ушбу ўқув услугий мажмуани ҳақидаги фикр ва мулоҳозаларини билдирган ҳамкасларга муаллиф олдиндан ўз миннадорчилигини билдиради.

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУЛАРИ ВА МАТНИ

1-Мавзу: Мехнат таълимининг дидактик тамойиллари.

Режа

1. Онглилик ва фаоллик.
2. Илмийлик системалик.
3. Назария ва амалиётнинг бирлиги.
4. Таълим-тарбия бирлиги.
5. Кўрсатмалик.
6. Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш.
7. Ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш.
8. Изчиллик.
9. Унумли меҳнат асосида ўқитиши.

Таянч сўз ва иборалар

Дидактика, тамойил, ўзлаштириш, унумли меҳнат.

Дидактика - педагогика таълим жараёнининг умумий қонунятларини ўрганадиган қисмидир. Дидактика таълим назарияси демакдир. Ўқувчиларнинг билим фаолиятини, хусусиятини белгилайдиган асосий қоидалар, тарбия билан чамбарчас боғланган таълим жараёнини ташкил этишга асос бўлади. Бу қоидаларнинг таълим жараёнода қандай татбиқ этилишини кўриб чиқамиш:

1. **Онглилик ва активлик**-меҳнат таълимини онгли ўзлаштириш-бу амалий-назарий дарсларида зарур бўлган илмий, техникавий билимларни ўқувчиларга тушунтириб бериш, иш қуролларидан тўғри фойдаланиш ҳамда буюм тайёрлаш иш амалиётларини тўғри танлай олишдир. Меҳнат таълимини ташкил этишда берилган билим ёдлаб олинса, бу камчилик ҳисбланади. Ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллай олсагина, онглиликка эришади. Айрим ўқувчилар вазифаларини қандай бажаришни ўйлаб ҳам кўрмайди. Ўқитувчи тушунтирганини ёдлаб олади. Шунинг учун ўқитувчи:

- Ўқувчиларнинг онгли равишда тушунишини, онгли муносабатини ва билиш фаоллиги даражаси ифодалайдиган белгиларини билиши керак;
- Материални онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам берадиган ақлий харакатларни фикрлаш жараёнларни шакллантириш учун шароит яратиши керак;

Ўқув машғулотларини ўтказишида фаолликни ошириш йўлларидан фойдаланишни режалаштириш керак.

Таълимда онглилик активлик узвий боғлиқдир ўқувчиларни активлигини ошириш ўз меҳнат натижасини фойдали эканлигини онгли англаш демакдир. Масалан: ўқувчининг бажараётган ишини мактаб кўргазма залida фойдаланиш, боғчаларга топширишни англаса, уни тезроқ битказишига харакат қиласди.

Ўқувчиларнинг юқори фаолиятига эришиш учун:

- Машғулотнинг мазмуни, мақсад, вазифаларини аниқ баён қилиш;
- Ўқувчиларга ижодий характердаги меҳнат топшириқларини бериш;
- Таълимнинг энг самарали усуулларидан фойдаланиш зарур.

Онглилик ва активлик тамойиллари ўқувчиларда мустаҳкам ижодий фикрлашни ўстириш заруритини пайдо қиласди.

2. **Илмийлик тамойили-бу** тамойилни амалга ошириш ўқувчиларга илмий асосланган, тажрибада синалган, фаннинг энг янги ютуқларини ҳисобга олган техникавий маълумотларни етказишидир. Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқув устахоналаридаги машғулотларда соф илмий терминлардан фойдаланиши, фанда қабул қилинган рамзий белгилар, формуласлар, ўлчамларни қўллаши лозим. Меҳнат таълими жараёнода ўқувчилар ҳар хил материалларга ишлов бериш, андоза тайёрлаш, моделлаштириш ишларини бажарадилар. Бундан ўқувчиларда фақат кўнишка ва малака ҳосил бўлиб қолмай, балки уларда ўрганаётган меҳнат жараёнларининг илмий асослари ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади. Масалан: бирор буюмни моделлаштириш учун ўқувчилар энг аввал моделлаш элементлари бўйича илмий маълумотга эга бўлиши керак.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, меҳнат таълими машғулотларида илмий асосларни ўқувчилар хали ўрганмаган, табиий-илмий қонуниятларга таянадиган маълумотларни баён қилиш зарур бўлиб қолади. Масалан, 5-синфда ўқувчиларга машинашунослик элементларини ўргатиш зарурияти туғилади. Бу вактда “механизм”, “машина” тушунчалари билан физика фанини ўқимасдан аввал таништириш имконини беради.

3. **Назария билан амалиёт бирлиги** назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориш энг асосий етакчи тамойилдир. Меҳнат таълими жараёнида кўпинча назарияни амалда қўллаш учун шароит яратилади. Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Назарий билимга эга бўлгандан сўнг, билимларни мустаҳкамлаш лаборатория иши ва амалий машғулот ўтказишда давом эттирилади. Назарияни амалиёт билан боғлашнинг ҳар хил формаларидан фойдаланиш орқали биз ўқувчилардаги билим сифатини оширишга эришамиз. Шунингдек, ўқувчиларда фан асосларига, меҳнатга, танланган касбига қизиқиш, кишилар меҳнатини қадрлаш каби ҳислатлари орттирилади.

4. **Таълим-тарбия бирлиги-таълим** жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш амалга ошади. Масалан: бирор буюмни тайёрлашни ўргатишда, уни тайёрлаш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакалар ҳосил қилиш билан бирга тежамкорликни ўргатиш орқали иқтисодий тарбия шаклланади. Ёки буюмга мослаб безаклар танлаб, сифатли тайёрлашни ўргатиш билан ўқувчиларда бадиий тарбия, асбоб-ускуналарга қарап, созланган асбоб билан ишлаш, иш кийимиға қарап, иш жойини тартибли бўлишига эътибор бериш орқали аҳлоқий тарбия шаклланади. Меҳнат таълими жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

5. **Кўрсатмалилик**-бу тамойил ўқувчиларнинг меҳнатга оид ўкув материаларини ўрганилаётган предметлар ва ҳодисаларни жонли идрок этиш, ўзлаштиришни назарда тутади. Меҳнат дарсларида ишлаб чиқариш корхоналарига уюштирилган саёҳатлар, меҳнат усуллари, плакатлар, схемалар, жадваллар, буюм намуналарини кўрсатишдан, ўкув кинофильмлари, диафильмлар намойиш қилишдан кўрсатма воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Кўрсатмалилик тушунчасига идрок этишнинг кўриш тури эмас, балки эшлиши, сезиш турлари ҳам киради. Меҳнат дарсларида кўрсатмалиликка катта аҳамият бериш керак, аммо дарсни ҳаддан ташқари кўрсатма қуроллари билан тўлдириб юбориш яхши эмас, бу баъзан фойда ўрнига зарар ҳам келтириши мумкин.

Кўрсатмаликдан фойдаланишда бир қатор методик талабларга риоя қилиш зарур:

- Кўрсатма қуроллар ўкув материалига мос бўлиши керак;
- Барча кўрсатмали қуролларни бирданига намойиш қилиб қўйиш ва осиб қўйиш шарт эмас, чунки бу ўқувчилар дикқатини тарқатиб юбориши мумкин;
- Меҳнат ўқитувчиси кўрсатмали қуролни кўрсатишда уларни ўқувчилар томонидан идрок этиш жараёнига раҳбарлик қилиши зарур.

6. **Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш-ўқувчилар фақатгина ўтилаётган дарсни ўзлаштириб қолмай, олдинги ўтилган дарслар юзасидан малака ва кўникмаларни такомиллаштирадилар.** Керак бўлиб қолганда эса эсга тушуриб, амалий иш мобайнида қўллайдилар.

Хозирги замон ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, ўқувчи мактабни, сўнгра касб-хунар коллежини битиб чиққандан сўнг ўз амалий фаолиятида янги билимлар, малакалар эгаллашлари осон бўлсин. Бунинг учун уларнинг олаётган билимлари пухта бўлиши керак. Билимларнинг пухта бўлиши ўкув материалини самарали баён қилиш ҳисобига эришилади. Билим ва малакаларнинг пухталигини таъминлашда машқларни йўлга қўйиш ва таълим беришда техника воситаларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Мустаҳкам ва пухта ўзлаштириш ўқувчиларда фикрлашни ўстириш, дарсга қизиқишларини орттиришда ҳам кўринади.

7. **Ёш ва индувидуал хусусиятларини** ҳисобга олиш эътиборга олиш меҳнат таълими бўйича ўкув материалининг мазмуни фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасига мос

равиша ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Бундан ташқари ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳам назарда тутиш керак.

Дарсда мавзулари ўқувчиларга мос ва тушунарли бўлиши учун:

- Ўтилаётган мавзунинг маъноси ва ҳажми, ўқувчилар тайёргарлигига, жисмоний ривожланганлигига ва ёшига мос бўлиши керак;
- Мавзулар соддадан мураккаблашиб бориши керак, шунингдек, ўқувчилар билим доирасини янгиликлар билан тўлдириб бориши мумкин;
- Айrim ўқувчиларга индувидуал ёндашиш керак, чунки ўқувчиларнинг айримлари янги мавзуни осон тушунса, айримлари қийинчилик билан тушунадилар;

8. Изчиллик-ўқитувчи меҳнат таълими жараёнида ўқув материалини ихтиёрий равиша эмас, балки маълум қоидаларга асосан баён қилади, яъни бир тизимда олиб боради. Куйи синфларда ўқувчилар меҳнат таълими жараёнида ишлов бериш нисбатан осонроқ ва турмушда тез-тез учраб турадиган материалларга ишлов бериш усуллари билан танишириладилар. Ўқувчилар юқори синфга ўтгани сари мураккаб иш қуролларини ишлатиш, жисмонан қўп куч сарфлаш керак бўлган буюмларни тайёрлашни ўрганадилар.

Секин-аста улар машина меҳнатига, олдин содда, кейин мураккаб машиналарнинг ишлари билан танишиб, буюмлар ясайдилар. Бунда ўқитувчи ҳар доим осондан мураккабга томон билимлар берип бориши керак, яъни изчилликка интилиши керак.

9. Ўқувчи ўз меҳнатининг пировард якунини кўргандагина унда меҳнатга қизиқиш ҳамда меҳнат кишисига ҳурмати ортиб боради. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими дарслари унумли меҳнат асосида олиб борилади.

2-Мавзу: Меҳнат таълимининг ўқитиш шакллари.

Режа

1. Меҳнат таълимини ўқитиш шакллари.
2. Дарс (амалий машғулот).
3. Ўқув ишлаб чиқариш бригадалари.
4. Ўқув цехлари.
5. Штатли иш жойларда.
6. Малакали ишчиларга бириктириб қўйиш.
7. Экскурсия, звено, якка – якка, фронтар, аралаш.

Таянч сўз ва иборалар:

Дарс, бригада, ишлаб чиқариш, цех, штат, экскурсия, малакали ишчи.

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли. Дарс муайян миқдордаги доимий ўқувчилар миқдори билан қатъий тартиба уюштириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбирдир. таълим жараёнига ташкилий аниқлик киритади ва ўқувчиларни самарали ўқишини ва дам олиш имконини беради.

Меҳнат таълими дарси асосан ўқув устахонада олиб борилиши сабабли, дарсни ташкил этиш шакли, ўқувчилар бажарадиган ишларнинг харектерига қараб танланади.

Ўқув ишлаб чиқариш бригадаси шаклида таълимни, ишлаб чиқариш шароитида дарс шаклида ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу шакилдан қишлоқ хўжалиги ишларини тайёрлашда фойдаланилади. Бундай пайтда ўқувчилар алоҳида бригадаларга ажратилади ва уларни ҳар бирига алоҳида топшириқлар берилади.

Ўқитишнинг яна бир шакли ўқувчиларни штатли иш жойларида олиб борилади. Ихтисосликлар бўйича ўқувчилар бўлинади ва уларга топшириқ берилади. Топшириқ натижаси ишчилар бригадрига ёки ўқувчига бириктирилган ишчига топширилади.

Штатли жойда ишловчи ўқувчиларга иш хақи уларнинг малакаси пастлигини ва сарф қиган меҳнатни назарда тутиб хисобланади.

Меҳнат таълимининг ўқитиш шакилларидан бири ўқувчиларни **малакали ишчиларга бириктиришдан иборат**. Бунда таълим ўқитувчи томонидан амалга оширилади ёки бириктирилган ишчи. Меҳнат таълимининг унумли шакилларидан бири – ўқувчиларнинг

истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган иш ўринларида ўтказиладиган амалиётдир. Бу амалий таълимнинг охирги ойларида ёки йил давомида маълум кунлари корхонада ўтказилади. Унда ҳар бир ўқувчи штатли иш ўринларида ишлаб, корхонанинг талабларига амал қилиб, буюмлар тайёрлайди ва бу буюмлар корхонанинг назорат бўлими ходимлари томонидан қабул қилинади. Ўқитишнинг бу шаклини ташкил этиш ўқувчиларни ана шу ихтисос ишчилари ишлайдиган шароитда меҳнат қилишга одатлантиради.

Ўқитувчи таълимни ўқитиш шакилларини иш ўрнига қўйиладиган талабларга мослаб танлаши керак. Агар танланган иш ўрнида меҳнат таълими дастури тўла бажарилмайдиган бўлса, ўқитувчи олдиндан тузиб қўйилган график асосида ўқувчини бошқа иш ўрнига кўчириши керак.

Меҳнат таълимининг муҳим шакли техника тўгаракларидир. Бу шакилни танлашдан олдин уларнинг ўқувчилар касб малакаларини ўстиришидаги ахамиятини аниқлаш лозим. Ўқувчиларнинг дарсларда оладиган билим, кўникма ва малакалари фақат фан дастурида белгиланган минимумлардан иборат бўлади.

Меҳнат таълимини ўқитиш шакиллари жадвали:

1. дарс (амалий машғулот)- ўқув устахоналаридаги таълимнинг асосий шакли.
2. ўқув ишлаб чиқариш бригадалари, ўқув цехлари, штатли иш жойлари.
3. малакали ишчиларга бириктириб қўйиш.
4. техника тўгараклари.

Экскурсия –меҳнат таълимининг шундай бир шаклидирки, унинг бориши жараёнида ўқувчилар асбоб – ускуналарни, технологик ва меҳнат жараёнларини, ишлаб – чиқариш шароитида меҳнатни ташкил этишни кузатадилар ва ўрганадилар. Корхоналарга уюштирилган экскурсиялар ўқувчиларни корхона билан, ишнинг асбоб – ускуналари, меҳнат жараёнини ташкил этилиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулоти билан умумий тарзда таништириш мақсадида ҳам, ишлаб – чиқаришнинг аниқ масалаларини энг янги асбоб – ускуналарнинг намуналарини, илгор иш усуллари ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш методларини ўрганиш мақсадида ҳам ташкил этилиши мумкин. Меҳнат ўқитувчиси экскурсия жараёнларини, ишлаб – чиқариш жараёнини ўқувчиларни кузатишга раҳбарлик қилиб туради.

Корхонада юқори унумли меҳнат билан танишадилар ва ўқув устахоналаридаги меҳнат жараёнлари билан таққослайдилар. Натижада бўлажак касбга бўлган қизиқиши ва меҳнатга янги муносабатни шакиллантиради, билиш фаоллигини ривожлантиришни яхшилашга имкон беради.

Корхоналарга уюштириладиган ҳарқандай экскурсиянинг мазмунига қуйидаги 3 та босқични киритиш лозим:

- 1.Кузатиш объектини олдиндан танлаш, аниқ мақсад ва вазифаларни аниқлаш, объектни бориб кўриш, зарурий хужжатларни тайёрлаш;
- 2.Меҳнат ўқитувчиси экскурсия мақсадлари ва вазифалари, корхона худудида ўзини тутиш қоидалари, кузатиш объектлари, тўғрисида сухбат ўтказиши, ўқувчиларни кузатиши ва зарурий вазифаларни бажариши.
- 3.Экскурсияя якун ясаш. Меҳнат таълими бўйича навбатдаги машғулотларда бажарилган вазифаларни ҳисоботлари тахлил қилинади ва экскурсияя якун ясалади.

3-Мавзу: Мехнат таълимини ўқитиш методлари Режа

1. Мантиқий
2. Кўрсатмали
3. Амалий,
4. Муаммоли.

Таянч сўз ва иборалар: йўлланма, муаммоли вазият

Мехнат таълими методлари деганда – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади. Бу усуллар ўқувчиларнинг билимларни, кўникма ва малакаларини эгаллашга, дунё қарашни шакиллантиришга мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилятини оширишга қаратилган бўлади.

Мехнат таълими методларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда психологлар ва физиологларнинг, ўқувчиларда меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб топтириш, уларнинг мазмуни ва таснифи соҳасидаги, меҳнат фаолиятининг ақлий жихатларини, шакилларини ҳозирги замон ишлаб чиқарилиши учун ҳос бўлган, ижодий фаоллик, ташаббускорлик, ва бошқа мухим сифатларини текшириш соҳасидаги тадқиқотлари мухим ахамиятга эгадир.

Мехнат таълимининг ҳар бир методи бир қатор методик усулларини, уларнинг таркибий қисмларини ўз ичига олади. Мехнат таълими методларининг бутун системасини 5 та гурӯхга бўлиш мумкин:

- 1.Оғзаки методлар;
2. Кўргазмали методлар;
3. Амалий методлар;
4. Муаммоли ўқитиш методлари;
5. Билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш ва баҳолаш методлари, хамда тадқиқот методлари.

Оғзаки метод – бу метод ўқув материалини шундай баён қилишни назарда тутадики, унинг натижасида янги техника, меҳнат тушунчалари очиб берилади, машиналар меҳнат ва технология жараёнлари ҳақидаги техник – иқтисодий маълумотлар ўрганиб чиқилади, умуман меҳнат усуллари ва топшириқларини бажариш юзасидан тушунтиришлар берилади. Бу метод асосида ўқитувчининг жонли сўзи ётади, бу сўз эса ўқувчиларга кучли, хиссий таъсир кўрсатади, уларининг тасаввурини бойитади, ижодий фикр юритишга ундейди, кўпгина шахсий, ижобий сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради.

Кўргазмали метод – кўргазмали қўлланмаларни намойиш қилиш меҳнат таълимининг ўрганилаётган обеъктларнинг кўргазмали – хиссий идрок қилишга асосланган. Бу метод ўқув материалини баён қилиш жараённида қуйидагиларни кўрсатишни назарда тутади:

- 1.Табиий намуналар (машиналар, станоклар, механизмлар, мосламалар, асбоблар, материаллар ва х.к);
2. Хажимдор қўлланмалар (плакатлар, схемалар, жадваллар, макетлар, моделлар ва х.к);
- 3.Экранли қўлланмалар (диофилмлар, кинофилмлар ва х. к);

Кўргазмали метод - қўлланмаларни намоиш қилиш вақтида изчилликга амал қилиш, ўқувчилар кузатаётган обьектни баён қилинаётган материал мазмуни билан боғлаш зарур.

Мехнат таълими ўқитувчилари билан олиб бориладиган методик ишларнинг асосий вазифаларидан бири уларнинг методик маҳоратини оширишdir. Мехнатга оид ишларни методик жихатдан тўғри йўлга қўйилиши ўқитувчининг фаоллигига ва маҳоратига боғлиқ. Бу ишлар мактабда ташкил этилган методик бирлашмада кўриб чиқилади. Методик бирлашмага энг тажрибали олий маълумотли ўқитувчи раҳбарлик қиласи, йиллик режасини тузади. Ушбу режа асосида йил давомида меҳнат ўқитувчиларини маҳоратини ошириш фаолияти билан шуғулланади, ўқув йили охирида мактаб педагогик кенгашида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беради. Мактаб метод бирлашмалари ДТС, ўқув режалари ва дастурларида рўй берган ўзгаришларни кузатиб боради, бу ўзгаришлар ўз вақтида

ўқитувчиларни танишириади. Агар моддий техник қийинчиликлар, асбоб-ускуналар, материалларнинг этишмаслиги туфайли дастурнинг бирор қисмига ўзгариши киритиш зарурияти туғилса унинг ўрнига бошқасини ўтишга руҳсат беради ва бирлашма қарори билан расмийлаштирилади. Метод бирлашма қуйидаги ишларни бажаради:

1. Очиқ дарс ўтказиш ва уни таҳлил қилиш
2. Ўзаро дарслар таҳлилини ўтказиш
3. Фаол ва педагогик маҳорати кучли, илғор ўқитувчилар иш тажрибасини оммалаштириади.
4. Ёш ўқитувчиларга методик ёрдам беради.

Мактабда ўқув жараёнини яхшилашда қўмаклашади ва ҳ.к.

Меҳнат таълим мининг хар бир методи бир қатор методик усулларни, уларнинг таркибий қисмларини ўз ичига олади. Масалан: меҳнат операциясини ўрганиш жараёнинда қуйидаги бир қанча усуллар: иш ўрнида гавдани тўғри тутишни, асбобларни ишлатишни кўрсатиш, ҳаракатни иш суратида секин ва қисмларга бўлинган ҳолда, кейин яна иш суратидаги усулларни кўрсатиш киради.

Меҳнат таълими методларининг бутун системасини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: оғзаки, кўргазмали, амалий, муаммоли, билим, малака ва кўнилмаларни текшириш ва тадқиқот методлари.

Қуйидаги методлар фақат меҳнат таълимига хосдир: меҳнат усулларини амалда кўрсатиш, уларни бажаришга оид машқлар, технологик хужжатлар билан иш олиб бориш, ўқув, ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш. Таълим жараёнини ташкил этишда дидактик асосларга оид методлар танланади. Булар: таълим мининг умумдидактик, хусусий методлари, методларни амалга ошириш воситалари ва шакллари.

Меҳнат таълими методлари ўқувчиларнинг техник—технологик билимлари, меҳнат, кўнилма ва малакаларни эгаллашга, билимларни мустақил эгаллаш ва улардан амалда ижобий фойдаланиш қобилиятини ўстиришга қаратилган. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти усулларини тушунмоқ керак. Ўқитиш методи деганда таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти тушунилади.

Меҳнат таълими жараёнинда ўқитишнинг хар хил методларидан фойдаланилади. Таълим методларини танлаш аввало ўқув материалининг ва ўқув вазифаларининг характеристига боғлиқ. Меҳнат таълимида машғулотлар назарий ва амалий тарзда олиб борилади назарий машғулотларини ўтишда педагогика курсида кўрилган умумдидактик тавсиялар тадбик этилади. Шунинг учун меҳнат таълими бўйича назарий машғулотларга алоҳида тўхталиб ўтилмайди. Амалий машғулотларда ўқув материалини характеристига кўра меҳнат бўйича амалий машғулотлар бошқа фанлардан ўтиладиган амалий машғулотлардан фарқ қиласи, бу эса таълим методларидан фойдаланишда бир қатор ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқаради.

Меҳнат таълимида қуйидаги методлардан фойдаланилади;

1. Меҳнат таълимида оғзаки метод:

- А) хикоя;
- Б) тушунтириш;
- В) сухбат;

2. Кўрсатмалилик методлари:

- А) намойиш қилиш;
- Б) практик кўрсатиш;
- В) экспурсия;

3. Амалий методлар:

- А) меҳнат, кўнилма ва малакаларни шакллантириш;
- Б) машқлар;
- В) йўлланмалар;
- Г) ўқув қўлланмалар билан ишлаш;

Д) лаборатория тажрибалари.

4. Дарсларда муаммоли таълим методи.

I. Мехнат таълимида ҳикоя, тушунтириш ва сұхбатдан фойдаланилар экан, Амалий машғулотларда материални баён қилишга ўкув вақтининг 20% гача қисми ажратилади. Мехнат таълимида ҳикоя камроқ (бирор соҳадаги ютуқлар тушунтирилганда) тушунтириш кўпроқ қўлланилади.

Ҳикоя ва тушунтиришга қўйидаги талаблар қўйилади.

- мазмуннинг тўғрилиги –ўқувчиларга айтиладиган фактлар ўкув дастурининг мазмунига мос келиши ва илмий асосланган бўлиши керак.
- материални ўзини оқлаган изчилликда баён қилиш, яъни ўқувчиларни бирор обьект билан умуман танишириш, сўнгра уни таркибий қисмларга бўлиб ўргатиш.
- аниқлик ва исботлилик –ўқувчиларга назарий қоидаларни ва меҳнат усулларини бажариш қоидаларини қисқа, аммо аниқ ишончли асослаш керак.
- Баённинг эмоционаллиги, яъни ўқитувчи мавзуни таъсирчан қилиб баён қилиши керак.

Мехнат таълимида сұхбат методидан кенг фойдаланилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларига таяниб, янги материални баён қилишда ўрганилганларни мустаҳкамлаш ва текширишда, ўрганилган материални умумлаштиришда сұхбатдан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи сұхбатга тайёрланишда ишнинг моҳиятини акс эттирадиган саволларни танлайди ва уларни мақсадга мувофиқ тартибда жойлаштиради.

II. Кўрсатмалик методи муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатишга имкон беришдир.

Намойиш қилиш деганда, ўрганилаётган нарса ёки ҳодисани кўрсатмали ҳиссий идрок этишга асосланган касб-хунар таълими тушунилади. Бу метод ўкув материалини баён қилишда қўйидагиларни намойиш қилишни тақозо этади.

- Табиий кўргазмалар - буларга асбоб- ускуналар, мосламалар,, станоклар, иш қуроллари, қишлоқ хўжалик машиналари, тикув машиналари, тикувчиликда қўлланиладиган мосламалар, андозалар, тайёр тикув буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг табиий ҳоллари киради.
- Экранли қўлланмалар - буларга кинофильмлар слайдлар, диофильмлар, тақдимотлар киради.

Кўгазмали материаллар жуда йирик бўлса, унинг олдига ўқувчиларни олиб бориб кўрсатиш керак. Кўргазмаларни намойиш қилиш ёки бир вақтнинг ўзида тарқатиш мумкин. Экранли қўлланмалардан фойдаланиб дарс ўтишда ўқувчиларга мавзуни яхши тушуниши ва ўзлаштиришига имкон беради.

Кўрсатмалик усулидан фойдаланишда қўйиладиган талаблар:

- Кўргазмали қурол баён қилинадиган мавзу мазмунидаги тўла мос бўлиши лозим.
- Ўқитувчи ўқувчиларнинг намойиш қилинаётган жараёнда яхши идрок қилишлари учун шарҳлаб беради.

Амалий кўрсатиш методида ўқитувчи бажариладиган вазифаларни аввал ўзи бажариб кўрсатади, сўнгра ўқувчиларни бажарышларига руҳсат берилади.

Амалий метод – меҳнат усулларини бошқариш соҳасидаги машиклар, кўнікма ва малакаларни таркиб топтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида меҳнат харакатларини кўп марта тақрорлаш билан ажralиб туради.

III. Амалий методларга машқлар, йўлланмалар, ўкув қўлланмалари билан ишлаш, лаборатория тажрибалари, кўнікма ва малакаларни шакллантириш киради. Машқлар 10-15 минут давом этадиган қисқа машқларни бажаришдан бошланади. Бу машқлар таълимий машқлар дейилади. Амалий ишларни бажариш жараёнда ўқувчилар буюмлар тайёрлашда меҳнат усуллари ва харакатларида бажарадилар. Бундай машқлар тайёргарлик машқлари дейилади.

Муаммоли метод – меҳнат дарсларидағи муаммоли таълимнинг мухим хусусияти шундан иборатки, ўқувчиларга билимлар тушунтиришга асосланган таълимдани каби тайёр

холда баён қилинмайди, балки улар олдига мустақил ҳал этиш учун битта ёки бир нечта муаммолар қўйилади. Муаммоли таълим З та методни ўз ичига олиб, улар ўқувчиларнинг мустақил ижобий фаоллигига нисбатан қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- а) Ўқув материалини муаммоли баён қилиш;
- б) Изланишга оид сухбат ўтказиш;
- в) Тадқиқотчилик методи.

IV. Муаммоли таълим ҳозирги давр талабига кўра иқтидорли ўқувчиларни кўпайтириш ва уларни ижодий ишлашга ўргатишга катта эътибор беришdir.

Муаммоли таълим мана шу вазифани бажаришда ёрдам беради. Бу таълим ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига топшириқлар системаси тушуниб олинади, идрок этилади ва ҳал қилинади. Бунда таълим қуйидаги тартибда амалга оширилиши керак: муаммоли топшириқни қўйиш, уни ҳал қилиш, олинган натижаларни текшириш ва умумлаштириш, системалаштириш ва мустаҳкамлаш. Масалан: буюмнинг бирор қисмига ишлов бериш турлари ўқувчиларга кўрсатилади ва буюмга ишлов беришда ўқувчиларнинг ўzlари буюмга ишлов бериш усулларини танлаб олишлари, сабабини исботлаб беришлари муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Меҳнат таълими жараёнида ҳосил бўлган муаммоли вазиятларни қуйидагича баҳолаш мумкин:

1- номустақиллик, фаоллик; бунда мавзу бўйича бериладиган саволлар юзасидан муаммоли вазиятни ўқитувчи ташкил қиласди. Муаммони бартараф қилиш йўллари кўрсатувчи саволлар ёрдамида ўқувчиларни ўзига жалб қиласди, ўқувчилар муаммоли вазият ҳолатида бўлиб, ўқитувчини фикрлаш фаолиятини кузатади.

2- Ярим мустақиллик фаолият; ўқитувчи муаммоли вазиятни ҳосил қиласди ва ўқувчилар билан биргаликда муаммони ҳал қиласди. Яъни ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар топшириқларни бажарадилар.

3- Мустақил фаоллик; ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, ўқувчи эса мустақил равишда бу муаммони ҳал этади, хulosани ўқитувчи билан биргаликда чиқаради.

4- Ижодий активлик; ўқитувчи меҳнат топширигини қабул қилишда муаммоли вазият ҳосил қилиш учун шароит яратади, лекин муаммоли вазиятни ўқувчиларнинг ўzlари яратадилар. Ўқитувчи фақат хulosha чиқаришга ёрдам беради.

4-Мавзу: Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифаси

Режа

1. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш методикаси фанининг мазмуни ва фаннинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар.

2. «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да меҳнат таълими, касб танлашга йўллашга оид ғоялар

3. Буюк мутафаккирларнинг меҳнат таълими ва тарбияси, ва касб танлашга йўллашга оид фикрлари.

Таянч сўз ва иборалар: Меҳнат таълими, ғоя ва фикр.

Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси фанининг асосий вазифаларидан бири умумтаълим мактабларида меҳнат таълимини интеграциялаштирилган, янги педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишни амалга оширишдан иборат. Ушбу фанни ўқиши натижасида бўлғуси мутахассис – ўқитувчилар иқтисодий, экологик, эстетик маданиятни шакллантира олиш, халқимиз анъаналарига ҳурмат, меҳнат ва меҳнат ахлига ҳурматни тарбиялаш методларини ҳам эгаллайдилар.

Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш методикаси фанининг асосий **мақсади-бўлажак** меҳнат таълими фани ўқитувчиларини таълим мазмуни, унинг тарихий тараккиёти, меҳнат таълими фанининг дидактик тамойиллари, ташкилий шакллари ўқитиш

методлари, режалаштирувчи хужжатлари, рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари ҳамда умумтаълим мактабларининг 1-9-синфларида меҳнат таълимини ўқитиш йўналишларини (технология ва дизайн, сервис хизмат, қишлоқ хўжалик асослари) ўқитилиш асослари ва бошқа муаммолар юзасидан етарлича билим билан қуроллантиришдан иборатдир. Шунингдек талабаларнинг педагогика, психология, умумкасбий ҳамда маҳсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида умуммеҳнат ва умумкасбий билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг методлари, ташкилий шакллари ҳамда воситалари, уларга оид хужжатлар мазмуни билан таниширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуидаги **вазифаларни ҳал** этиш лозим: педагогик психологик билимларни ўқувчиларда умуммеҳнат ва умумкасбий кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида тадбиқ этиш; педагогик психологик билимлар, бевосита танланган соҳаларга, янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш; меҳнат таълимини ўқитишни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини ўргатиш. Меҳнат таълими методикаси фани ҳар томонлама камолга етган ижтимоий фаол шахсни шакллантириш тўғрисидаги янгича фикрларга, таълим ва тарбиянинг психология, педагогика ва инсон ҳақидаги бошқа фанлар ўрганадиган қонунятларига таяниб иш кўради. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси “Меҳнат таълими методикаси” фанини ўрганишда умумтаълим мактабларидағи меҳнат таълимининг мақсад ва вазифаларини, фан бўйича ўқув жараёнини ташкилий принципларини ва унинг мазмунини англаб олиши, мактаб устахоналарида таълим тарбия жараёнини муваффақиятли олиб боришда ёрдам берадиган методик воситалар системасини эгаллаши керак. Меҳнат таълими методикаси фанининг алоҳида роли шундаки, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида уларда меҳнатга инсонийлик муносабатни таркиб топиши учун Кўлай шароитлар вужудга келади. Бўлажак ўқитувчига ана шу шароитлардан қандай қилиб тўла фойдаланишни кўрсатиш фаннинг вазифаларидан биридир. Меҳнат таълими методикаси ўз обьектлари, вазифалари ва тадқиқот методларига эга. Меҳнат таълими жараёни, шу жараённинг ҳамма жиҳатлари: ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш методлари ўқувчиларнинг билиш фаолияти, ўқитиш наатижалари ва бошқалар ўрганиш обьектти хисобланади. Бу жараённинг ҳамма томонини ўрганиш ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари хисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак. Меҳнат таълими методикаси фани олдига қуидаги вазифалар қўйилади:

- Меҳнат таълими қуидаги вазифаларни амалга оширади—таълимий тарбиявий, ривожлантирувчи, амалий, ижодий.
- Ўқув материали мазмунини асослаб беради.
- Таълим жараёнини ташкил этиш.
- Синфдан ва мактабдан ташқари ишларини мазмуни ва методикасини аниқлаш.

Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш фанининг асосий вазифаларидан бири умумтаълим мактабларида меҳнат таълимини интеграциялаштирилган, янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни амалга ошишдан иборат. Ушбу фанни ўқитиши натижасида бўлғуси мутахассис – ўқитувчилар иқтисодий, эстетик маданиятни шакллантира олиш, ҳалқимиз анъаналарига ва меҳнат аҳлига ҳурматни тарбиялаш методларини ҳам эгаллайдидилар.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларини ҳозирги замон саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мухим тармоқлари билан танишириш фан асослари бўйича фанлар доираси билан чегараланмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам мактаб ўқув режасига меҳнат таълими фани киритилган. Таълим жараёнининг политехник йўналишини таъминлаш учун айрим аник ишлаб чиқариш жараёнлари мисолида ҳозирги замон саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий асослари ўрганиладиган дидактик вазиятни вужудга келтириш талаб қилинади. Меҳнат таълими босқичлари орасидаги изчиллик политехник таълим моҳиятида катта аҳамиятга эга. Масалан, устахоналардаги машғулотларда ўқувчилар қуи синфларда ўзлаштирган бир қатор политехник малакаларини қўллаши ва такомиллаштириши жуда мухимдир. Қоғозни режалашда чизғич ва қаламдан фойдаланиш малакасини ёғоч ва метални режалашда, бичиш тикиш ишларида қўллаши лозим. Ўқувчилар қоғозни, газламани, металл

листни (тунука) қайчи билан қирқиши орасида күпгина умумийликни топадилар. Моделлаштириш жараёнида ўқувчилар яна шу ишлар бўйича қўйи синфларда олган билимларини малакаларини амалда қўллаш учун чекланмаган имкониятлар вужудга келади. 1-4-синфларда устахона машғулотлари билан дарсларнинг боғланиши ўз характеристига кўра бир томонламадир, яъни 5-7-синфлардаги ўқитиш методикаси 1-4-синфлардаги меҳнат таълими мазмунини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак. Устахоналардаги машғулотлар билан фан асослари бўйича фанлар орасидаги боғланиш икки томонламадир; бундай боғланиш натижасида фан асослари бўйича фанлар конкрет мазмун билан боййиди, меҳнат эса фан асослари қонунлари асосида тушунилади. Шундай қилиб фан асосларини амалиёт билан боғлаб ўқитишнинг политехник савиасини ошириш устахоналардаги амалий машғулотларда олиб борилади. Билимларни амалиёт билан боғланишининг бир маромда амалга оширилиши фан асослари бўйича билимларни мувоффакиятли ўзлаштириш учун меҳнат таълимини амалга ошириш учун ҳам зарурдир. Масалан, физика, кимё ва математика дарсларида ишлаб чиқариш жараёнлари ва ҳодисаларидан табиатнинг у ёки бу қонунини амалий қўлланишини кўрсатиш учун фойдаланилади. Бунда ишлаб чиқариш жараённинг, ҳодисанинг дарсда ўрганилган қонуннинг амалий қийматини тасдиқлайдиган сифати қараб чиқилади. Бу жиҳатдан меҳнат таълими дарслари томомила бошқа манзарага эга.

Меҳнат таълими дарсларида ишлаб чиқариш жараёнлари ва ҳодисалари хар томонлама ўрганиллади ва булардан ҳар бирининг фан асослари билан комплекс боғланиши намоён бўлади. Шунинг учун таълимда ишлаб чиқариш жараёнлари билан фан асосларини боғлашни амалга ошириш зарур. Политехник таълим нуқтаи назаридан ҳар хил касбларга доир меҳнат усулларини изчилигини кўрсатиш ҳам зарурдир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг характерли хусусиятларидан бири меҳнат куролларини тез-тез алмашинуви янги машиналарнинг вужудга келишидир. Замонавий ишлаб чиқаришда бир-бирига яқин касбларни эгаллаш талаб қилинади. Масалан, ёғоч ва металга ишлов беришг усуллари орасида кузатиладиган усулларни: режалаш, ёғочни арралаш, метални арра билан қирқиши, ёғочни рандалаш ва метални эговлаш, ёғочни ўйиш ва метални кесиш, ёғоч ва метални пармалаш, ёғоч ва металга токорлик станогида ишлов бериш бир-бирига жуда ўхшашидир. Ўқувчиларда ёғочни арралашни ўрганиб олганларидан кейин, металларни ҳам арра билан қирқишига тўла тайёрланган ҳисобланамиз деган тушунча бўлмаслиги керак. Чунки металга ишлов беришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Материалларга токорлик станогида ишлов бериш асоси бир хил, лекин метал қирқивчи станоклар бироз мураккаброқ. Устахоналардаги машғулотларда ҳар бир техник объектга, ишлаб чиқариш жараённига ва бошқа ўхаш объектлар ўхаш жараёнларга боғлиқликда хозирги замон ишлаб чиқариш асосини бирор жиҳатдан характерловчи занжирнинг бир ҳалқаси сифатида қаралиши керак.

“Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 август (Олий мажлиснинг 9 сессияси)да қабул қилинган”. Ушбу хужжатларда меҳнат ва касб-ҳунар таълимига оид қуйидаги ғоялар акс эттирилган: умумий-ўрта таълим босқичлари қуйидагича; бошланғич таълим (1-4-синфлар), умумий ўрта таълим (1-9-синфлар). Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўнкима асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўнкимларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Болаларни қобилияти, истеъодини ривожлантириш учун иҳтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин (таълим тўғрисидаги қонун 12-модда). Болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоа бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техниковий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, спорт мактаблари, студиялари, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради. Мактабдан ташқари таълим муассасаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун хужжатларида белгилаб қўйилади.

Алишер Навоий асарларида оиласвий баҳт, фарзанд тарбияси ва меҳнат таълимига оид педагогик аҳамиятга эга, ғоят муҳим фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Шоирнинг фикрича инсон учун келажак авлодни тарбиялаб колим инсонлар қилиб этиширишдан ҳайрли ва лаззатли нарса йўқдир. Навоий боланинг ривожланишида унга бериладиган тўғри тарбиянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Болани фақат тўғри тарбия туфайлигина келажакда фойдали ва мукаммал киши бўлиб этишишига ишонади. Шарқнинг буюк алломалари бўлмиш Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Қошғарий, Абу Носир Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бобур ва бошқа кўплаб мутаффаккирларимиз меҳнат таълими ва тарбияси тўғрисидаги ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини келажак авлод учун мерос қилиб қолдиришган. Ёш авлодга касбий таълим-тарбия бериш жараёнини мукаммаллаштириш учун касб-хунар педагогикасининг умум башарий ютуқлари билан биргаликда миллий педагогикамизнинг ютуқлари, марказий осиё мутаффаккирларининг педагогик қарашларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

“Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имкониятлар пайдо бўлди, - деган эди презинтимиз И.А.Каримов - биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз томирларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”, шу маънода ўқувчиларни касбга йўналтиришда, айниқса миллий хунармандчилик ҳамда замонавий индустрисал касблардан ўзига хос меҳнат мазмунига эътибор қаратиш талаб этилади. Буюк аждодларимиз касб-хунарли кишиларни хунармандд деб аташган ҳамда уларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳолатини хунармандчилик билан боғлаган чунки, Маркзий Осиёнинг кўли гул усталари яратган санъат дурдоналари кишиларга завқ беради. Ҳар бир хунармандд ўз хунарини фақат ўзига хос меҳнат мазмунлари билан бойитиб, хунарини ривожлантириб келган. Буюк аждодларимиз ўз асарларида хунарга хос фикрларини ифодалаган. Улардан бири бундай деган эди: “Эй фарзанд, агар оқил, доно бўлай десанг, хунарманд бўлишни ўйла, хунармандчилик сабабидан иззат хурматга эришсан, агар хунардан бебахра бўлсанг, қуруқ соясиз дараҳтга ўхшаб қоласан, эй фарзанд, ақлу фаросатли ва илми хунарли кишилар билан дўст бўл, хунарсиз кишида хосият бўлмайди, меҳнатдан, илму хунар ўрганишдан узоқлашма”. Аҳлоқшунос олим Мажид Ҳавоий хунармандчилик тўғрисида бундай деган эди: “Хунармандларни эъзозла, хунармандчиликка ружу қўйган ҳалқнинг хурмат ва эътибори ошади”. Пайғамбар Довут алайхиссалом темирчилик, ал-Фаробий боғбонлик, шоир Саккокий пичоқчилик, шоир Завқий маҳсидўзлик билан тирикчилик ўтказган. Бобомиз хўжа Баҳовуддин Нақшбанд ҳам хунармандчилик билан шуғуланиб, Туркистанда биринчилардан бўлиб одамларни хунар ўрганишга ва хунармандчилик билан шуғуланишга чорлаган. Шарқ мутаффаккирларидан Аҳмад Доңиш хунармандчилик ва меҳнат қилиш тўғрисида шундай деган: “Билим ва хунар эгалламай ўзининг насл насаби билан мақтаниб юрадиган ёшлар бирор ижобий фазилатга эга эмас, улар ҳосил бермайдиган мевали дараҳтга ўхшайди, ундейларни жамиятга фойдаси тегмайди, аксинча зарарли таъсир кўрсатадилар”.

Бошқа буюк Шарқ мутаффаккирлари меҳнат ва касб тўғрисидаги фикларини қўйидагича ифодалайди: А.Навоий: “Умрни зоя этма меҳнат қил, меҳнат саодатни калитидир бил”. Ҳ.Дехлавий: “Баъзи кун ёшлар сафида бўзла аммо, иш тадбирини кексадан изла”, “Ўйласанг ҳаётнинг салоҳиятини, ўйлагин меҳнатнинг ҳам моҳиятини”. Шунга ўхшаш мисраларни Шарқ мутаффаккирлари асарларида кўплаб топиш мумкин. Тажрибалардан маълумки яхши касб-хунар тарбиясини олмаган ўқувчи билан ишлаш анча муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунинг асосий илдизи оиласдаги “ота-касб” ва “устоз-шогирд” каби ижобий муҳит яратилиши, ота билан онанинг ҳамкорлигидан келиб чиқади. Шу ўринда

А Рудакийнинг : “Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим”, деган мисраларини келтириш мумкин. Шундай экан, биз ҳар биримиз ҳаётдан таълим олиб, келажагимиз бўлган ёш авлодларни мустақил давлатимизнинг ишончли аъзолари қилиб тарбиялашда Шарқ мутаффакирларининг педагогик меросидан фойдаланишимиз муҳим аҳамият касб этади.

5-Мавзу: Мактаб ўқув режасида меҳнат таълимини қўйилиши, унинг тарихий тараққиёти Режа

1. Мактаб ўқув режасининг мазмуни ва меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш дарсларининг ўқув режадаги ўрни.
2. Ўрта Осиёда Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбияси, касб танлашга йўллашнинг таркиб топиши.
3. Мактаб ислоҳотида Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш вазифалари.
4. Узвийлаштирилган ДТС ва ўқув дастури билан танишиш.
5. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашнинг асосий йўналишлари.
6. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллашнинг мазмуни, йўналишлар бўйича ўқитишга қўйиладиган талаблар.

Таянч сўз ва иборалар.

Стандарт, технология, дизайн, сервис хизмат

Меҳнат таълими вазифаларига қўйиладиган ДТС талаблари тўғрисида тушунча бериш. Меҳнат таълимининг асосий йўналишларини мақсадларини тушунтириш.

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4 синфларида ҳафтасига бир соатдан 5-7 синфларда ҳафтасига икки соатдан ва 8-9 синфларда ҳафтасига бир соатдан ҳаммаси бўлиб 408 соат вақт ажратилган

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида каб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга-металга ва газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик ва қишлоқ хўжалик асослари, электро техника ишлари, уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш, ҳалқ ҳунармандчилиги ва ишлаб чиқариш асослари, касб танлашга йўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатилган ўқув бўйимларида 5-7-синф ўқувчиларида ижтимоий эстетик дид ва дунё қарашини кенгайтирадиган, оиласи ҳаёт ва турмушда зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади, миллий маданият ва анъаналарга меҳр уйготади. 8-9-синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш бўлими ижтимоий дунё қарашини кенгайтиради ва онгли равишда касб танлашларига қўмаклашади.

2. Меҳнат таълими вазифалари ва уларга қўйиладиган ДТС талаблари:

- Турли ишлаб чиқариш соҳалари мазмунига тааллуқли дастлабки маълумотларини ўргатиш, ўлчаш, текшириш асбобларидан, маълумот манбаларидан фойдаланиш, меҳнат амалиётларини бажариш, эришилган меҳнат натижаларини белгиланган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;
- Хақ хўжалигини турли соҳаларида ишлатиладиган техника ва технологиялар тўғрисида билимлар бериш, инсон фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш;
- Механизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни, технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария – гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;
- Ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истемол моллари, меҳнат махсулотлари этиштириш ва истемолчига етказиш воситаларини

үргатиш, менежментлик усуллари, хомийлик, иш билармонлик сифатларини шакиллантириш ва ривожлантириб бориш;

- Ўқувчиларни билимга интилиш ва меҳнатга мухаббат, меҳнат кишисига нисбатан хурмат хиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;
- Ҳалқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали, ҳалқнинг миллий руҳини, яаш тарзини, тарихий ёдгорликлар, ҳалқ усталарининг бой меросини ўргатиш, улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларини мустахкамлаш;
- Ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари, янги техника жихозларини қўлланиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ҳамда жаҳон тажрибаларига мос холда ўрганишларини таминлаш;
- Турли соҳаларга оид касбий фаолият турларида қўлланиладиган асбоб – ускуналар, жихозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш;
- Ўқувчиларда умуммеҳнат кўникма ва малакаларини шакиллантириш, уларнинг қизиқиши, қобилияти, касбий мойилликларига кўра, касб – хунар турларини танлашга асос бўладиган сифатларни, умуммеҳнат маданиятини шакиллантириш ва ривожлантириш.

Меҳнат таълим мининг мазмуни.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касбга йўналтиришни янада кучайтириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш асослари, ёғочга, металга, газламага ишлов бериш технологияси, уй рўзгор бюомларини тамирлаш технологияси, қишлоқ хўжалик асослари, ҳалқ ҳунармандчилиги технологияси, ишлаб чиқариш ва касбга йўналтириш асослари бўлимлари бўйича 3 та йўналишда (технология ва дизайн, сервис хизмати ва қишлоқ хўжалик асослари) билим ва кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган.

Ўқувчилар меҳнат таълими фанига оид қўйидаги билим кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- Меҳнат жараёни хақида дунёкарашга эга бўлиш;
- Умуммеҳнат билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
- Касб – хунар хақида умумий тассавурга эга бўлиш;
- Ҳалқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тўғрисида билимга эга бўлиш;
- Турли материалларга бошлангич бадиий ишлов бериш кўникмасига эга бўлиш;
- Миллий меҳнат анъаналари, урф – одатларини билиш;
- Буюмни технологик харитасини тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш.

3. Йўналишлар бўйича ўқитишга қўйиладиган талаблар.

1. “Технология ва дизайн” йўналиши бўйича ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган асосий **билимлар**:

- Техника ва технологияларни Ҳалқ хўжалигидаги ахамияти (ёғоч, металл, пластмасса тўғрисида бошлангич билимларга эга бўлиш).
- Бу буюмларни қайта ишлаш технологиясини;
- Меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги, санитария – гигиена қоидалари.

Ўқувчиларда шакиллантириладиган асосий **кўникма ва малакалар**:

- Ёғоч ва металлга чизма, эскиз ва технологик хариталар ёрдамида механик ишлов бериш, иш учун зарур бўлган мослама ва асбобларни танлаш;
- Ёғоч ва металлга ишлов бериш дастгохларини ишлата билиш ва уларда оддий буюмларни ясаш.

2. “Сервис хизмат” йўналиши бўйича ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган асосий **билимлар**:

- Мактабда, оиласда тамирлаш ишларини бажариш;

Ўқувчиларда шакиллантириладиган асосий **кўникма ва малакалар**:

- Тикув машиналарни ишлата билиш оддий буюмлар тайёрлашни билиш;
- Пазандачиликда зарур бўладиган маҳсулотларни билиши ва овқат тайёрлай олиши;

- Уй рўзғор ишларини бажара олиши;
- Оила бюджетини ишлата билиши.

3. “Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналиши бўйича ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган асосий **билимлар ва қўникмалар қўйидагилар**:

Ўсимликшунослик бўлими – қишлоқ хўжалиги моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи эканлиги ва унинг мухим соҳаларининг ахамияти ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида.

Чорвачилик бўлими - чорвачиликнинг ахамияти ва тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида.

6-Мавзу: 1-9 синфларда Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш мазмуни

Режа

1. Даструр мазмуни ва унинг йўналишлари.
2. 1-4 синф ўқувчиларини тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар.
3. 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги.
4. 8-9 синф касбий тайёргарликкача бўлган тайёргарлик мазмуни.
5. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида тайёргарлик.

Таянч сўз ва иборалар. Даструр, ксбий тайёргарлик, АЛ, КХК.

Талабаларга даструр мазмунини тушунтириш. АЛ ва КХКларда тайёргарлик мазмуни тўғрисида тушунча бериш.

Умумий ўрта таълим мактабларнинг узвийлаштирилган ДТС ва ўқув дастурида, умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган меҳнат таълими фанининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини ўқитишининг **мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникма, малакаларни, меҳнатга қизиқиш, меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни қадрлаш ахамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.** Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, амалий, ижодий вазифаларни бажариш лозим бўлади.

Таълимий вазифа - ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланшилари учун уларга меҳнат жараёнлари, касб асосларини ўқитиши ва касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали касбгача тайёргарлигига замин яратиш билан эгаллаган билимларини узвий ривожлантириш асосида меҳнат қуроллари, воситалари, жараёнлари, худудий ишлаб чиқаришнинг асосларини ўргатиш, техника ва технологиялар асосида эгалланаётган касб-хунар соҳаси хусусиятлари шу соҳанинг илғор вакиллари фаолияти билан таништириш.

Тарбиявий вазифа - ўқувчиларнинг умуммеҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнида маънавий-аҳлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантириб бориш.

Ривожлантирувчи вазифа - ўқувчиларнинг касбгача тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат таълими мазмунини такомиллаштириш орқали баркамол шахс бўлиб этишишларига ёрдам бериш.

Ижодий вазифа - меҳнат таълими жараёнида касб-хунар асосларига оид билим, кўникма ва малакаларини замонавий талаблар даражасида бўлишни таъминлаш учун ўқувчиларнинг мустақил равишда ижодий фаолият юрита олиши.

Амалий вазифа - буюм, нарса намуналари асосида зарурий буюмларни амалда бажара олиш.

Мактабда меҳнат таълимидан ўтказиладиган машғулотлар қўйидаги вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

1.Ўқувчиларда дастлабки назарий ва амалий тажрибалрни хосил қилиш, замонавий техника борасидаги билимлари доирасини янада кенгайтириш, уларни кишилар меҳнати ва меҳнат жараёнига нисбатан ижобий муносабатда бўлишга тайёрлаш.

2. Ўзига топширилган ҳар қандай ишни уddyalай билиш, мөхнатнинг ўзига хос маданияти ва унинг назарий асосларини эгаллаш, ўз ишини ва ўртоқларининг ишларини режалаштириш ҳамда ташкил эта олишга ўргатиш.

3. Ўкувчиларни мөхнат таълими машғулотлари жараёнида ақлий, одобли, яхши ахлоқий сифатлар шаклланган, дид фаросатли ҳамда жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни амалга ошириш.

Мөхнат таълими фанининг мазмунида шартли равишда 5-9-синфлардан бошлаб ўкувчилар камида учта йўналиш бўйича тайёргарликлари назарда тутилади. Масалан, қиз, ўғил болалар ҳамда улар учун умумлашган йўналишлар танланиши мумкин. Мөхнат таълимининг йўналишларидан тегишлиси мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-хунар коллекларида кенг тарқалган соҳаларга мувофиқ танлаб олинади. Ҳар бир мактабда мөхнат таълимининг қўйидаги йўналишлардан тегишиллари асос қилиб олинади:

а) технология ва дизайн

б) сервис хизмати

с) қишлоқ хўжалиги асослари

Ушбу таълим йўналишлари мазмунан ҳалқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириш билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Мөхнат таълими йўналишлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ҳамда имкониятларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан белгиланади. Ҳар бир йўналиш бўйича электр, илғор техника ва технологиялар асосида ўргатилади. Мазкур йўналишлар юзасидан қўйидаги бўлимлар бўйича билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

1-4 синфлар учун

Қоғоз ва картон билан ишлаш
Газмол ва толали материаллар
билиш
Пластилин ва лой билан ишлаш
Турли материаллар билан ишлаш
Бадиий қуриш ва ясаш

5-7-синфлар учун

Металга ишлов бериш технологияси.
Ёғочга ишлов бериш технологияси.
Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш.
Электротехника ишлари.
Пазандачилик асослари.
Газламага ишлов бериш технологияси.
Буюмларни таъмирлаш.
Қишлоқ хўжалик асослари.

8-9 синфлар учун.

1. Ҳалқ ҳунармандчилиги технологияси.
2. Ишлаб чиқариш асослари.
3. Касбга йўналтириш асослари.

Ҳар бир дарс машғулотларида хавфсизлик техникиси қоидаларига риоя қилинади. Ўкувчиларга мөхнат таълими йўналишлари бўйича касблар турлари ҳақида ахборот берилади. Умумий ўрта мактабларда ўкувчилар сони 25 ва ундан ортиқ бўлса моддий техника ва кадрлар таминоти етарли бўлса мөхнат таълими дарслари шу синфлардаги ўкувчиларни икки гурухга бўлган ҳолда олиб борилади. Мөхнат таълимининг барча йўналишлари бўйича 5-6-синфларда 6 кун (24 соат), 7- синфда 10 кун (40 соат), 8- синфда 16 кун (96 соат), жами 160 соат амалиёт ўтказиш режалаштирилган.

Амалиётнинг мақсади – ўкувчиларга ўргатилаётган билим, кўникма ва малакаларни бевосита унумли ишлаб чиқариш методи жараёнида қатнашиш орқали (саноат, қишлоқ хўжалик ва умумий овқатланиш корхоналари, устахоналар, ташкилот, муассаса ёки ҳунармад усталар хузурида) мустахкамлашни бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил

қилишдан иборат. Амалиёт таълим муассасаси ёки ишлаб чиқариш корхонаси имкониятларидан келиб чиқсан холда, ўкув йилида кўзда тутилган татил вақтида ўтказилинади.

1-4 синфлар ўкувчиларини тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар - ўкувчилар қоғоз ишлаб чиқаришнинг техник босқичлари, уларнинг яратилиш жараёнлари тўғрисида маълумотга эга бўладилар, қоғоз билан ишлаш усуллари, қоғоз турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қоғоз ишлаб чиқариш йўналиши бўйича касб эгалари хақида умумий тушунчаларни, қоғоз турларидан фойдаланиб, геометрик шакиллар асосида қирқиши, елимлаш, буклаш усулларида турли ўйинчоқлар, ҳайвон ва паррандалар, манзара композицияси ҳамда табрикномалар тайёрлаш малакасини эгаллаш.

Газлама ва толали материаллар билан ишлашда чок турларидан намуналар, юмшок ўйинчоқлар тикиш ҳамда турли кийимларни таъмирлаш ишлари бажариш. Тўкиш ва унинг турлари, асбоб-мосламалардан хавфсизлик техника қоидаларига риоя қилган холда фойдаланиш. Ҳалқ ҳунармандчилиги йўналиши бўйича каштачиликнинг энг содда элементларини тикиш.

Ўкувчиларни ижодий қобилятларини техник моделлаштириш орқали ривожлантириш. Содда турли техникавий мосламаларни ясаш.

Ўкувчиларни лой ёки пластилин билан ишлаш қўнималарини ўстириш. Пластилин ва лойдан турли хил ўйинчоқлар, ҳайкалчалар ясаш қўнималарини эгаллаш.

Табиий материаллар билан ишлаш жараёнида ўкувчиларнинг тасаввури, ижодий қобилятини ўстириш, чиқинди ва бадиий материаллардан турли шакллар қирқиши. Елимлаш, қўзғалувчан ва қўзғалмас бириктириш усуллари орқали ҳайвонлар, парранда, қушлар, уй-рўзғор буюмлари, қизиқарли ўйинчоқлар ясаш қўнимасини эгаллаш.

Бошланғич синф ўкувчиларида миллий бадиий қуриш-ясаш санъатининг содда элементлари асосида апликация, мозаика усулларидан фойдаланиб, манзара, буюмлардан компазиция қуриш-ясаш малакасини эгаллашлари лозим.

5 -7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги.

8-9 синфларда касбий тайёргарликкача бўлган тайёргарлик мазмуни.

Меҳнат таълими фанининг мазмуни шартли равишда қўйидаги қисмларга бўлинади:

5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги, 8-9 синфларда касбий тайёргарликкача бўлган тайёргарлик мазмуни, АЛ ва КХК да тайёргарлик.

Бу қисмлар ҳар бир дарс таркибиға сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчилар томонидан илмий, услубий нуқтайи назардан хисобга олинган холда тахлил қилиб борилиши меҳнат таълими дарсларининг аниқ мақсаддага йўналтирилган бўлишини тамиллайди.

Меҳнат таълим мининг йўналишлари мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва КХКда кенг тарқалган соҳалар, касбларга мувофиқ танлаб олинади. Ҳар бир мактабда меҳнат таълим мининг қўйидаги йўналишларидан тегишлиси асос қилиб олинади:

1. технология ва дизайн.
2. сервис хизмати.
3. қишлоқ хўжалиги асослари.

Ушбу таълим йўналишлари мазмунан ҳалқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўналтириш билан уйғунлаштирилган холда амалга оширилади. Ушбу йўналишлар бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма – кетлиги маҳалий шароит ва имкониятларни хисобга олган холда таълим муассаси томонидан белгиланади. Ҳар бир йўналиш бўйича ишлатиладиган электр, илғор техника ва технологиялар асослари ўргатилади.

Мазкур йўналишлар юзасидан ўкувчиларда қўйидаги бўлимлар бўйича билим, қўникма ва малакалар шакиллантирилади:

- | | |
|--------------------------------------|--|
| 1. Металга ишлов бериш технологияси. | 4. Электротехника ишлари. |
| 2. Ёғочга ишлов бериш технологияси. | 5. Пазандачилик асослари |
| 3. Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш. | 6. Газламага ишлов бериш технологияси. |

- 7. Буюмларни таъмирлаш.
- 8. Қишлоқ хўжалик асослари.
- 9. Ҳалқ ҳунармандчилиги

- 10. Ишлаб чиқариш асослари
- 11. Касбга йўналтириш асослари.

Академик лицей ва касб – ҳунар коллекларида тайёргарлик.

Академик лицейнинг асосий **мақсади** юқори иқтидорли, қизиқувчан юқори ўқув юртларида ўқишни давом этириш учун илмий – назарий жихатдан фундаментал базага, мустахкам тайёргарлик ва пухта маълумотга эга бўлган ёшларни топиш ва танлаб олиш. Жамиятнинг интеллектуал таянчи бўлган шахснинг жисмоний, маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имконият яратиб бериш ва уларни такомиллаштириб боришдан иборат.

Академик лицейнинг асосий вазифалари:

- Юқори иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларни танлаш ва улар танлаган (социал – ижтимоий, иқтисодий ва бошқа) йўналишлар бўйича чукур фундаментал билим олишлари учун имкониятлар яратиб бериш;
- Ўқувчиларнинг индивидуал, ижодий талаб ва таклифларидан келиб чиқиб, ўқишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштиришни таъминлаш, лицей ўқувчиларида ижодий дунёқарашини шакиллантириш, уларнинг интеллектуал фаолиятида ёрдам кўрсатиш ва шарт – шароитлар яратиб бериш;
- Лицей ўқувчиларининг интеллектуал фаолият йўналишларини танлашда ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг ижодий фикр юритиш кўникмаларини шакиллантириш;
- Мутахассислик ишлари бўйича дастлабки кўникмаларни эгаллаб боришларида кўмаклашиш, олий ўқув юртлариға кириш учун ихтисосликлар бўйича фундаментал тайёргарликни амалга ошириш;
- Олий ўқув юртларида ўқишни давом эътиришга имконият берга оладиган Давлат таълим стандартлари доирасидаги умумтаълим ва касбга оид дастурларнинг ишлаб чиқишини таъминлаш;
- Ўқувчиларнинг мутахассислик йўналишларини, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- Ўқув тарбиявий жараёнда соғлом муҳитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалга тадбиқ этиш;
- Ўқув жараёнини замонавий ахборот воситалари билан таъминлаш, ўқитишини компьютерлаштириш;
- Ватанпарварлик, ўз Ватани билан фахрланиш хис – туйғусини шакиллантирувчи, миллий ўз – ўзини англашни, ҳалқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига ҳурмат билан қарашини кучайтириш.

Касб – ҳунар коллекининг мақсад ва вазифалари.

Касб–ҳунар коллекининг асосий **мақсади**, меҳнат бозорининг хозирги ахволи ва истиқболини хисобга олган холда, шахснинг касбий таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Колледжа умумий маданиятни, жамият хаётига мослашган, махсус ва умумтаълим дастурларини онгли равишда танлаб ўзлаштириб оладиган, ўзининг оила, жамият ва давлат олдидаги бурчинин хис қиласиган комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий – иқтисодий хукукий, ташкилий, психологик – педагогик ва зарур шарт шароитлар яратилади.

Асосий мақсадни амалга ошириш борасидаги **вазифалар** қўйидагилардан иборат:

- Таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисоси ва касб–ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хукуқини берадиган давлат таълим стандартлари доирасидаги умумтаълим ва касбий дастур асосида ўқитиши;
- Танлаб олинган касб – ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш жараёнида ўқувчиларнинг касбий лаёқат, кўникма ва малакаларни ривожлантириш;
- Фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш;
- Таълим жараёнини ахборотлаштириш, замонавий технологиялар билан таъминлаш, ўқитишини компьютерлаштириш;

- Ватанпаварликни шакиллантирувчи миллий ўзликни англаш, ҳалқнинг миллий маданий тарихий анъаналарига хурмат, ватан билан ғуурланиш имконини яратиш;
- Соғлом турмуш тарзи меъёрларини тадбиқ қилиш, таълим – тарбия жараёнини соғломлаштириш учун шароит яратиш.

7-Мавзу: “Технология ва дизайн” йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар

Режа

1. Ёғочга ишлов бериш технологияси (материалшунослик, асбоб-ускуналар ва мосламалар, машғулотлар ишлаб чиқариш).
2. Металлга ишлов бериш технологияси (материалшунослик, асбоб-ускуналар ва мосламалар).
3. Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш.
4. Ҳалқ ҳунармандчилиги.
5. Электротехника ишлари.

Таянч сўз ва иборалар: Технология, дизайн, ҳунарманд, электротехника.

Талабаларга технология ва дизайн йўналишининг мазмунини ўқувчиларга тушунтириш ва уларни эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тўғрисида тушунча бериш.

Ёғочга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар ёғочнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларни эгаллаши, уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ва электрр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электрр ва механизациялаштирилган жихозлар, машина элменетлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ҳамда фойдаланиш, хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўникмаларни; дизайн талаблари даражасидаги рўзғорбоб ва харидоргир буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар; Ҳалқ ҳунармандчилигининг этник, тарихий, маҳаллий, географик хусусиятлари, тадбиркорлик, ижодкорлик асослари; ёғочга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Металга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар металларнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимлар режалаш, ишлов бериш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ва электрр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электрр ва механизациялаштирилган жихозлар, машина элменетлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ҳамда фойдаланиш, меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўникмаларни; рўзғорбоб ҳамда харидоргир, дизайн талаблари даражасидаги буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар: металларга ишлов беришга оид ҳалқ ҳунармандчилиги соҳалари; металларга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Электротехника бўлими: ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш, изоляциялаш ишлари электр асбоблари; электр ўтказиш симлари монтаж қилиш ҳамда иш асбоблари билан ишлаш усууларини ўрганиш; битта хонани ёритиш занжир схемасини тузиш; майший электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф-мухит ва инсон соғлиғига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усууллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усууллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жихозлар тайёрлаш; электрротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, асбобларни электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакларга эга бўладилар.

Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш бўлими: ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг локланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ҳамда кичик

таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-хунар турлари; пол қопламалари ва мебелларнинг локланган ҳамда қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усуллари; юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интеръери ва жихозланиш дизайни; соҳага оид юртимизда таркиб топган анъаналар ҳамда замонавий тараққиёт йўналишлари; хоналар, фан бўйича ўқув кабинетларида мебел ва қўшимча жихозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда эскизларини тайёрлаш; таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жихозлаш; шахар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси, иссиқликни таъминоти тизими ҳамда ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хоналарни таъмирлаш ишларининг асосий турлари; таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хоналарни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминот тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакларга эга бўладилар.

Ҳалқ ҳунармандчилиги технологияси бўлими: ўқувчилар ёғоч ва металларга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган ҳалқ ҳунармандчилиги технологиялари; ҳунармандларнинг бозор муносабатлари асосида фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истиқболлари; ҳунармандчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; ҳалқ ҳунармандчилигида фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар, ҳунармандчилик маҳсулотларини ташки шакли узвийлиги ва яхлитлиги таъминланишга кўра баҳолаш; компазицион яхлитлик; ҳалқ ҳунармандчилигида оид танланган битта касб – ҳунар турлари; ҳалқ ҳунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари; замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган ҳалқ ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

8-Мавзу: “Сервис хизмати” йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар

Режа

1. Пазандачилик асослари (озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуналар ва мосламалар, таом тайёрлаш технологияси).
2. Газламага ишлов бериш технологияси (материалшунослик, асбоб-ускуналар ва мосламалар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси).
3. Буюмларини таъмирлаш.
4. Ҳалқ ҳунармандчилиги.

Таянч сўз ва иборалар: Газлама, буюм, таом, пазанда.

Талabalарга умумтаълим мактаблари ўқувчиларига пазандачилик асослари ва газламаларга ишлов бериш технологияси бўйича бериладиган назарий билимлар ва амалий кўникмалар, малакалар тўғрисида тушунча бериш.

Газламага ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар газлама турлари, хусусиятлари, уларга ишлов бериш, бичиш-тикиш асосларини ўрганадилар, кийимлар турлари ахамияти, тикув, йигирув, асбоб-ускуналар ва машиналар, уларнинг турлари, тузилиши, ишлаши билан танишадилар; газламага ишлов бериш технологияси ҳалқ ҳунармандчилиги тармоқлари: каштачилик, дўппидўзлик, зардўзлик, қуроқчилик, попопчилик, миллий ўйинчоклар тайёрлаш ва бошқа йўналишлари асосларини эгаллайдилар, газламага ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Пазандачилик асослари бўлими: ўқувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, ошпазлик ва қандолатчилик асослари; озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ҳомашёларнинг инсон хаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари, овқатланиш меъёри ва тартиби, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, танш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш йўлларини ўрганадилар; ошхоналарнинг жихозланиш; озиқ-овқат саноати, санитария-гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлик техникиси қоидалари; уй-рўзғор юритиш ва жихозлардан унумли фойдаланиш, оила жамғармаси, уни сарфлаш маданияти, озиқ-овқат ва енгил саноат

соҳаларидаги кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари хақидаги тушунчаларга ҳамда пазандачиликка оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Буюмларни таъмиrlаш бўлими: турли чокдан сўкилган буюмларни таъмиrlаш. Кийимларни саклаш ва тузатиш усуллари. Истеъмолдан чиқкан буюм ўлчамига қараб, болалар кийимининг андозасини тайёрлаш ва тикиш.

Ҳалқ ҳунармандчилигиги технологияси бўлими: ўқувчилар пазандачилик ва газламага ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган ҳалқ ҳунармандчилиги технологиялари; ҳунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истиқболлари; ҳунармадчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган махсулотлар; ҳалқ ҳунармандчилиги фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар, ҳунармандчилик махсулотларини ташқи шакли узвийлиги ва яхлитлиги таъминланишига қўра баҳолаш; компазицион яхлитлик; ҳалқ ҳунармандчилигига оид танланган битта касб-хунар турлари; ҳалқ ҳунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган ҳалқ ҳунармандчилик махсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

9- Мавзу: Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар

Режа

1. Ўсимликшунослик.
2. Қишлоқ хўжалик асбоб-ускунаси ва ундан фойдаланиш.
3. Қишлоқхўжалиги машиналари.
4. Чорвачилик асослари.
5. Электротехника ишлари.
6. Уй-рўзгор буюмларини таъмиrlаш.

Таянч сўз ва иборалар: Ўсимликлар, асбоб-ускуналар, машиналар, чорвачилик, электротехника, уй-рўзгор, билим, кўникма ва малака.

“Қишлоқ хўжалиги асослари”йўналиши мазмуни.

“Қишлоқ хўжалиги асослари”йўналишида асосан 2 та йўналиш бўйича ўқувчиларга билим берилади, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Ўсимликшунослик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ахамияти, ўзига хос хусусияти ва соҳалари: дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши истиқболлари, аграномия асослари. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорациялаш асослари, илгор технологиялар, фермерлик ва мулкдорчиликнинг бошқа турлари, тадбиркорлик, махсулотлар бозори хақида тушунчалар, маданий экинларни келиб чиқиши ҳамда тарқалиши, ўсиши ва ривожланиши тупроқни тузилиши ва унумдорлиги. Ерга ишлов бериш ва бунда қўлланиладиган машиналар, меҳнат қуроллари, мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши. Ўгит турлари, ўйтлаш муддати ва унда ишлатиладиган машиналар. Уругларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш, уруғ ва кўчат экиш усуллари, машиналари турлари тузилиши ва ишлаши ва уларга қўйиладиган агротехник талаблар. Галла, дон дуккакли туганакли ва илдиз-мевали экинлар: сабзавот, полиз, мева, мойли, толали ва зиравор экинлар етиштиришда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва машиналар мажмуаси. Ёпиқ жойларда экин етиштиришнинг ахамияти, истиқболли, хусусиятлари ва уларда ишлатиладиган кичик ўлчамли машиналар.

Етиштирилган хосилни йигиб-териб олиш, бирламчи ишлов бериш ва саклаш.

Қишлоқ хўжалик асбоб-ускунаси ва улардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалигига қўлланиладиган қўл иш қуроллари:

1. **Белкурак-юмшоқ** ерни чопишда, қаттиқ ерни қазишда юмалоқ, белкураклардан чопиш, тупроқни агдариш ва ташишда тўғри бурчакли белкураклардан фойдаланилади.
2. **Паншаха-гўнг** ва компост билан ишлашда, пичан, хашак ташиш ва юклашда айrim холларда сабзи ва бошқа полиз экинларини қазиб олишда ишлатилинади.

3.Хаскаш –кесакларни майдалаш, тупроқдан ўсимлик қолдиқларини олиб ташлаш, ариқларни тозалаш ва текислаш, баъзи ўсимликлар уругларини экканда ўсишга тупроқ тортишда фойдаланилади.

Булардан ташқари қуидаги қўлда ишлатиладиган асбоблар хам мавжуд: кетмон, галтакмола, икки гилдиракли арава, культиватор, юмшатгич, сув сепиш, қўл сеялкалари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги машиналари – Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарга асосан хар-хил маркали тракторлар ва уларга тиркаладиган мосламалар киради Бу мосламалар тузилишига қараб хар-хил ишларни бажаради. Масалан: ерни хайдаш, текислаш, экиш, ишлов бериш, сугориш, хосилни йигиштириб олиш ва ташиш, сақлаш ва дастлабки ишлов бериш ва хаказо ишлар.

Чорвачилик асослари. Чорвачилик биологияси.

Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, паррандачилик. Балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик, чўчқачилик, мўйначилик ва бошқалар. Чорвачиликда наслчилик ва селекция асослари. Озуқабоп экинлар.

Чорвачиликда санитария-гигиена асослари, зооветеринария асослари. Чорвачиликда махсулдорликни ошириш усуллари. Инкубатор паррандачилик мажмуалари. Илгор технологияларни жорий этиш истиқболлари ва уларда иқтисодий масалалар. Қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича оммавий касб-хунар турлари хақида тушунчалар бериш ва касбга йўналтириш.

Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар:

5-синф.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қуидаги **билимлар** га эга бўлишлари керак: Махаллий худдудда етиштириладиган экинлар ва уларни турларини, экин навлари ва уларни хосилдорлигини, уругчилик ва қўчат тайёрлаш асосларини, уругларни сифатини аниқлаш усулларини, экилган уругни униб чиқиш тезлиги ва унга таъсир этувчи омилларни. Турли экинларини парвариш қилиш қоидаларини махаллий қишлоқ хўжалиги экинлари рўйхатини тузишни, уларни уруг ва қўчатларини тайёрлашни, экиш ва парвариш қилиш қоидаларини, экиш ва парвариш қилиш қоидаларини тупроқса ишлов бериш ва ўғитлаш технологияларини билиш. Хосил йигишда ишлатиладиган машина ва асбоб-ускуналарни ишлатишни билиши зарур. Чорвачилик соҳалари бўйича молларни боқиши, парвариш қилиш фермалардаги иш усуллари хақида даслабки билимга эга бўлиши керак.

Электротехника ишлари: электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилишни, электр ўтказиш симларнинг турларини электр ўтказувчилари монтаж қилиш изолатсиялаш ишларини, электр асбобларини, соҳага оид касб-хунарлар тўғрисида маълумотни, электр ўтказувчи симларини монтаж қилиш, хамда иш асбоблари билан ишлаш усулларини билиши.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: Пол қопламалари ва мебелларни қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш ишларини, ойна ромларини кичик таъмирлаш хамда иссиқликни сақлаш усулларини хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб - хунар турларини билиши керак.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қуидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак: махаллий қишлоқ хўжалик экинларининг уруг ва қўчатларини тайёрлай олиш. Қишлоқ хўжалик ускуналаридан техника хавфсизлиги қоидаларига амал қылган холда фойдалана олиш. Чорвачилик соҳалари: қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик ва бошқа уй хайвонларини парвариш қилиш кўникмаларини эгаллаш.

Электротехника ишлари: электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш, электр ўтказиш симларини турларини, электр ўтказгичларини монтаж қилиш, изоляциялаш ишлари, электр асбобларини, электр ўтказиш симларини монтаж қилиш хамда иш асбоблари билан ишлаш усулларни амалий машгулотларда қўллай олиш кўнижасига эга бўлиш.

Үй-рүзгор буюмларини таъмирлаш: пол қопламалари ва мебелларнинг қопламали юзаларини сақлаш хамда кичик таъмирлаш ишларини, ойна ромларини кичик таъмирлаш хамда иссиқликни сақлаш усулларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги малакаларга эга бўлишлари керак: махаллий худудда етиштирилган турли экинларни парвариш қилиш қоидаларига амал қилиш. Тупроқга ишлов бериш ва ўгитларни технологиясини амалий иш фаолиятида қўллаш. Тупроққа ишлаб берадиган, ўгит соладиган, уруг экадиган, кўчат ўтказадиган, ўсимликларни парвариш қилиш механизмлари ва мосламаларидан техника хавфисизлиги қоидаларига риоя қилган холда фойдаланиш. Чорвачилик соҳалари қорамолчилик, қўйчилик паррандачилик ва уй хайвонларини парвариш қилиш.

Электротехника ишлари: электр ўтказиш электр монтаж қилиш хамда иш асбоблари билан ишлаш усулларини ўрганиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: пол қопламалари ва мебелларнинг локланган хамда қопламали юзаларини сақлаш тадбирларини ва кичик тамирлаш ишларини ўрганиш.

6-синф

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги билимларга эга бўлишлари керак:

Тупроқнинг тури ва сифатини, хосилдорлигини аниқлаш усулларини, махаллий худудда кенг тарқалган қишлоқ хўжалик экинларининг агротехника жараёнларини, ўсимликларни парвариш қилиш ва озиқлантириш қоидаларини, ўсимликларни ўсиш тезлиги ва согломлигини назорат қилиш усулларини билиш: озиқлантириш қоидаларини, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника турлари ва улар хақида маълумотларни ерга ишлов бериш қўл ва механизациялаштирилган қуролларни, уларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини, ер текислаш трактори, культиватор турларини тузилиши ва вазифаларини билиш: махаллий худудда кенг тарқалган қишлоқ хўжалик йўналишлари; бодорчилик, узумчилик, гулчилик, ва бошқалар хақида умумий маълумотларни билиш; чорвачиликка доир бошлангич маълумотларни: молларни ўстириш ва семиртириш, хўжаликларда иш жараёнлари олиб борилиши, озуқа тайёрлаш технологиясини ва уларнинг турларини ва сифатини аниқлаш усулларини билиши.

Электротехника ишлари: битта хонани ёритиш занжир схемасини, майший электр асбобларини электр манбаига улашни уларни атроф-мухит, инсон соглигига таъсирини, электр энергиясининг тежамли ишлатиш усулларини хамда электр ускуналарини ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатишга оид касб-хунарлар тўгрисида маълумотни билиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: юртимиз меъморчилиги тарихига оид қисқача маълумотларни хона интерери ва жихозлаш дизайнни талабларини, соҳага оид юртимизда таркиб топган анъаналар хамда замонавий тараққиёт йўналишларини, ўқув хоналарига мебел қўшимча жихозлар жойлаштириш схематик тасвири эскизини тайёрлашни билиш. Тайёрланган эскиз асосида хоналарни жихозлай олиш.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак: Тупроқнинг тури ва сифатини, хосилдорлигини аниқлай олиш, ўсимликларни ўсиш тезлиги ва согломлигини назорат қилиш усулларини эгаллай олиш, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерга ишлов бериш қўл ва механизациялаштирилган қуролларни иш фаолиятида қўллай олиш; махаллий худудда кенг тарқалган асосий йўналишлар бодорчилик, узумчилик, гулчилик, ва бошқалар фаолиятини иш усулларини эгаллай олиш; чорвачилик хўжаликларидағ иш жараёни ва парваришлаш усулларини эгаллай олиш.

Электротехника ишлари: майший электр асбобларини электр манбаига улашни уларни атроф-мухит, инсон соглигига таъсирини, электр энергиясининг тежамли ишлатиш усулларини хамда электротехника ва электрон ускуналарни ишлата олиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: хона интерери ва жихозлаш дизайнни талабларини ўкув хоналарига мебел ҳамда қўшимча жихозлар жойлаштириш схематик тасвири эскизини тайёрлашни таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жихазлай олиш.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги малакаларга эга бўлишлари керак: маҳаллий тупроқ хосилдорлигини аниқлаш қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган техника турларини иш фаолиятида қўллаш; маҳаллий худудда учрайдиган қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ва зааркунандалар рўйхатини тузишни уларга қарши курашиш тадбирларини билиш, ўгит солиш, уругларни экиш, хосилни йигиштириш ташиш ва тозалаш машиналарини, экинларни экиш усулларини ва кўчат ўтказишни органик ва менерал ўгит солиш машиналарини турларини, ўгитлашни донли ва мойли экинларни экишни, сугориш ва парвариш қилишни илгор усулларини, уругларни экиш сеялкаларини тузилишини органик ва менерал ўгитларни сочувчи мосламалар сугориш машина агрегатларини, ишлов бериш ва парвариш қилишни билиш. Чорвачилик соҳаси бўйича барча жараёнларини билиши зарур.

Электротехника ишлари: кавшарлаш жараёнида барча ишларни бажариш йўлларини билиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: шахар ва қишлоқ хонадонларида газ сув ва электр энергиясидан фойдаланиш, кичик таъмирлаш ишларини бажара олиш, учун етарли билимга эга бўлиш.

7-синф.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак: маҳаллий худудда учрайдиган қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган касалликлар ва зааркунандаларга қарши курашиш усулларидан фойдалана олиш, озиқлантиришни илгор усулларини қўллай олиш, чорвачиликда зарур бўладиган барча технологияларни амалиётда қўллай олиш кўникмасини эгаллаш.

Электротехника ишлари: кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрни ташкил этишни, кавшарлаш симлар, кавшар, флюслар турларини, кавшарлаш асосида электр мантаж ишларини бажариш, иш асбоблари хамда иш усулларини, электр мантаж қилиш ва асбобларни ишга тайёрлаш; электротехника ишлари билан боғлиқ касб-хунар турларини билиш ва ишлата олиш кўникмасини хосил қилиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: шахар ва қишлоқ хонадонларида газ сув ва электр энергиясидан фойдаланиш йўлларини, кичик таъмирлаш ишларини бажариш кўникмасига эга бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги малакаларга эга бўлишлари керак: маҳаллий худудда учрайдиган қишлоқ хўжалиги экинлари касалликларига ва зааркунандаларга қарши курашиш йўлларини билиш ва фаолиятида қўллай олиши, чорва молларини бокиши парвариш қилиш ва хаказо ишларини уddyлай олиш малакасига эга бўлиш.

Электротехника ишлари: кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрни ташкил этишни, кавшарлаш симлар, кавшар, флюслар турларини, кавшарлаш асосида электр мантаж ишларини бажариш, иш асбоблари хамда иш усулларини, электр мантаж ишлари ва асбобларни ишга тайёрлаш олиш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: шахар ва қишлоқ хонадонларида газ сув ва электр энергияси иссиқлик таъминоти тизими ҳамда ундан фойдаланиш қойидаларини уй ва хоналарни таъмирлаш ишларининг асосий турларини, таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материалларини, уй ва хоналарни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбобларидан фойдалана олиш.

Қишлоқ хўжалиги асослари йўналиши бўйича ўқувчилар қўйидаги малакаларга эга бўлишлари керак: маҳаллий худудда учрайдиган қишлоқ хўжалиги экинлариги касалликлар ва зааркунандаларга қарши курашиш тадбирларини, органик ва минерал ўғитлар солиш, уруглар, экинлар экиш, кўчат ўтказиш, сугориш ва парвариш қилиш, хосилни йигиштиришнинг илгор усулларини бажариш, уй хайвонларини парвариш қилишни билиш.

Электротехника ишлари: электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларга ишлаш усууларини ўрганиш; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар (Светофор, гирлянда ва б) тайёрлаш.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш: шахар ва қишлоқ хонадонларида газ сув ва электр энергияси ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини схематик тасвирини тайёрлаш; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажара олишни билиш.

10-Мавзу: Мехнат таълими дарсларини режалаштириш

Режа

1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Тақвимий мавзу, режа.
3. Дарс режаси ва унинг баён қилиниши.
4. Мехнат таълими жараёнини режалаштирувчи хужжатлар.
5. Ўқув устахоналарида ясаладиган буюмлар рўйхати; фанларнинг ўзаро боғланиш режаси.

Таянч сўз ва иборалар: ўқув режа, режалаштириш хужжатлар, йўриқномалар.

Талабаларга ўқув режаси ва бу режа асосида бажариладиган ишлар ҳақида тўла тушунча бериш, режалаштиришнинг аҳамиятини тушунтириш.

Мехнат таълимини режалаштириш ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, у дидактик принципларга ва ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигига дастур талабларига мос келиши керак шунинг учун режалаштиришга кўпроқ эътибор бериш лозим, бусиз таълим – тарбия ишида яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Мехнат таълимини режалаштириш - ўқув режаси ва дастурини бажарилишини, ўқув материалининг мазмунини тўлиқ жавоб берадиган обьектларни тўғри танлашни, бошқа фанлар билан алоқани ўқув моддий базадан оқилона фойланишнинг, асбоб-ускуна билан таминлашни, кўргазмали ва ўқув қўлланмалар билан таминлашни, меҳнатни илмий ташкил этиш талабларига мувофиқ равишда йўлга қўйишни таъминлашни ўз ичига олади. Мехнат таълимини режалаштириш вақтида қўйидаги хужжатлар тузиб чиқилади:

- календар - мавзу режаси;
- ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати;
- ийғма мавзули режа;
- аниқ мавзу юзасидан батафсил маълумотларга эга бўлган дарс режаси;

Мехнат таълими ўқув режаси давлат хужжати ҳисобланади, бу хужжатда барча синфларда, (барча курсларда) ўргатилиши керак бўлган фанлар рўйхати ва соатлар миқдори берилган. Ўқув режаси тегишли вазирлик томонидан тасдиқланади. Ўқитиладиган фанлар, ўқитиши учун ажратилган соатлар ва ўқув ийлиниң тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжатига ўқув режаси дейилади. Ўқув режасини тузишда қўйидагилар эътиборга олинади:

- мақсад - илмий билимлар бериш, олган билимларни амалда қўллай олиш;
- таълимнинг ўзаро боғлиқлиги, яъни 1-4-синфлар таянч, 5-9-синфлар умумий ўрта таълим, 1-2- курслар (АЛ), КҲҚ ва Олий таълим;
- ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажмига ажратилган соатлар ўқувчининг ёши, синфи, (курси) билим савиясига қараб белгиланади. Ўқув режасида умумтаълим фанлари, сўнгра мутаҳассислик фанлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти, факультатив макшулотлари кўрсатилган бўлади. Ўқув режасини тўлиқ бажариш мақсадида унга тушунтириш хати ҳам берилади. Ўқув режасини бажарилишини ўқув муассасаси раҳбарлари томонидан назорат қилиб борилади.

Мехнат таълими дарсларининг календар мавзу режаси:

- дарс ўтиш кунлари;
- дастур мавзуси;
- дарсни ташкил қилиш шакллари;
- дарсни ўтиш методлари;

- сарфланадиган материал;
- ишчи, ёрдамчи ва ўлчов асбоблари;
- ускуна ва мосламалар;
- кўргазмали қуроллар ва адабиётлар;
- техник-технологик хужжатлар;
- касб танлашга оид материаллар;
- соат;

Календар мавзуу режаси бир йилга, ярим йилга ёки ҳар чоракга алоҳида қилиб тузилиши мумкин. Ҳар хил меҳнат турлари учун алоҳида календар мавзуу режаси тузиб чиқилади.

Мехнат таълими машғулотининг режаси:

1. Дастур мавзуси: металларга ишлов бериш технологияси ва буюмларни конструкциялаш - 24 соат.
2. Дарс мавзуси буюмлар конструкцияларини ишлаб чиқиш ва металларни эговлаш - 6 соат
3. Машғулот мавзуси: исказа конструкциясини такомиллаштириш ва ясси юзаларни эговлаш - 2 соат
4. Машғулотнинг мақсади: ўқувчиларга ясси юзаларни эговлаш асбоблари ва усуллари ҳақида маълумот бериш, уларда юзаларни эговлашга оид дастлабки кўникмаларни таркиб топтириш
5. Иш обьекти: оддий исказа
6. Машғулотнинг ташкилий қисми: (3-4 мин)
7. Навбатчиларнинг иш ўрни қандай эканлиги ва уни ташкил этишни, устахонани санитария-гигиена ҳолатини кўриб чиқиш
8. Ўқувчиларнинг ташқи кўринишларини, уларни машғулотга тайёргарлигини кўриб чиқиш ва журнал бўйича давоматни текшириш
9. Янги материални эълон қилиш (12-15 мин). Ёритилиши лозим бўлган асосий масалалар:
 - Металларни эговлаш ва бу жараённи ишлаб чиқаришда қўлланиладиган соҳаси;
 - Шакли ва тишлари жиҳатидан фарқ қиласидиган эговлар
 - Эговни ушлаш усуллари ва ясси юзаларни эговлаш;
 - Эговлаш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш;
 - Исказа конструкциясини такомиллаштириш бўйича ўқувчиларни тақлифларини жамоа бўлиб муҳокама қилиш;
 - Исканани тайёрлаш технологияси;
 - Эговланадиган юзаларни текшириш усуллари;
9. Янги материални мустаҳкамлаш (5-7 мин) ўқувчиларга бериладиган топшириклар:
 - Эговларни ушлаш ва юзаларни эговлаш усулларини ўргатиш
 - Исканани тайёрлаш технологиясини тушунтириш
 - Хавфсизлик техникаси қоидаларини тушунтириш

10. Иш усуллари юзасидан машқлар (10-15 мин)

- Эговни ушлаш;
- Ясси юзаларни эговлаш;
- Эговланган юзани текшириш;

11. Ўқувчиларнинг вазифаларини мустақил бажариши (40-45 мин)

- Камчиликларга барҳам бериш мақсадида иш ўрнини тўғри ташкил этиш, орқада қолган ўқувчиларга ёрдам бериш
- Фаол ўзлаштирадиган ўқувчиларга қўшимча ишлар бериш
- Ўқувчилар бажарган ишларни қабул қилиш ва баҳолаш (баҳони эълон қилиш)
- Навбатчи ўқувчилар назоратида иш жойларини йиғиштириш

12. Машғулотга якун ясаш (5-10 мин)

- Ҳар бир бажарилган иш учун қўйилган баҳоларни маълум қилиш

- Энг яхши натижаларга эришган ва айрим камчиликларга йўл қўйган ўқувчилар ишларини қисқача тахлил қилиш
- Навбатчиларни устахонани йиғиштириши ва ўқитувчига топшириши. Режага, машғулотни муваққиятли ўtkазиш учун зарур бўлган асбоблар, мосламалар, материаллар ва бошқа зарурий нарсаларнинг рўйхатини, дарснинг батафсил конспектини илова қилиш керак. Ўқув устахоналарида ясаладиган буюмлар рўйхати. Ярим йилга ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади.

Рўйхатни ишлаб – чиқариш учун буюртмачиларни буюртмалари асос бўлиб хизмат қиласди. Бу буюртмаларни қабул қилиш янги ўқув йили учун март – апрел ойларида бошланади.

Мактаб ташкилотларидан қабул қилиб олинган буюртмаларни амалий ва механик мазмуни, мураккаблиги ҳамда меҳнат таълими дастурига мувофиқ келишини тахлил қилинади. Шу талабларга жавоб бермайдиганлари буюртмачига қайтарилади ёки синфдан ташқари машғулотлар вақтида бажарилади.

Ўқув устахонасида ясаладиган буюмлар рўйхати ўқувчилар меҳнатининг фақат бутун маҳсулот ёки детал хажмда эмас, балки унга кирадиган ҳар бир операция бўйича қатъий хисобга олишни назарда тутади. Бунинг афзаллиги шундаки, ўқувчининг ўқув устахонасидаги меҳнати ўқув характеристидан ишлаб чиқаришдаги ишчининг меҳнатига яқинлашиб қолади.

Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси.

Махсус технология

Кесиш назарияси ва кесувчи асбобларнинг қиринди хосил қилиши тўғрисидаги умумий тушунчалар, кесиш чукурлиги, суриш ва кесиш тезлиги, кесиш кучи, асбобнинг турғунлиги, кесувчи асбобларнинг турлари; кесгич, парма ва зубилалар.

Металлар технологияси.

Қора ва рангли металлар, уларинг қотишмалари ва механик хоссалари металнинг машинасозлиқда ишлатилиши.

Физика

Қаттиқ жисмларнинг хоссалари; пона, куч, масса, тезланиш, иш ва энергия. Ушбу боғланишни қуидидаги мисоллар орқали тушунтириш мумкин. Метал дастгохи ишлаётган пайта “заарли” “фойдали” ишқаланишга мисоллар келтирилади. Дастгохни ерга улашни вазифаси ва принципи тушунтириб берилади. Доимий ва ўзгарувчан ток қонунларига мисоллар келтирилади. Ньютоннинг харакат қонунлари. Гук қонуни, ишқаланиш ва малекуляр кинетик назария, Бернулли қонуни, гидродинамика, статика тўғрисида асосий тушунчалар берилади.

Математика

Арифметик прогрессия, пропорция, таҳминий хисоблаш, алгебраик касрлар, кўпёкли бурчакларнинг хоссалари тўғрисида тушунча берилади.

Кимё

Ёниш назарияси асослари, оксидланиш жараёнлари, мойлаш материаллари ва уларнинг кимёвий хусусиятлари, эмульсиялар, мойлаш ва совутувчи суюқликлар хақида маълумотлар берилади.

Чизмачилик

Кирқим ва кесимлар, кесимларни 2 проекцияси бўйича 3 ни топиш. Чархлаб ишлов бериладиган қисмининг чизмасида сиртга ишлов бериш қисимларини белгилаш.

11-Мавзу: Меҳнат таълими ўқув жараёнида таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси

Режа

1. Кўргазмалик воситаларининг турлари ва тавсифи.
2. Таълим воситаларининг ривожланиш истиқболлари.

3. Электрон дарсликлардан фойдаланиш.
4. Кўргазмалилик дидактик тамойиллари асосида.

5. Замонавий таълим

Таянч сўз ва иборалар: Электрон дарслик, Меҳнат таълимини ўқитишида кўргазмалиликнинг дидактик тамойиллари, таълим воситалари ва электрон дарсликдан фойдаланиш йўлларини ўргатиш.

Ўқув фанларига электрон воситалар (аудио, видео, радио ва телевидения, компьютер техникаси)ни қўллаш дарс жараёнини технологиялаштириш билан бир қаторда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш кўзда тутилган. Айниқса, компьютер техник воситалар орасида алохиди ахамият касб этади. Компьютердан фойдаланиш – мавзулар баёни тасвирлардаги анимацион харакатлар, кўз билан кўриш имкони бўлмаган жараёнларни ўзига хос тарзда намойиш этиш жуда катта амалий ахамиятга эга. Ўқув машғулоти давомида фаол-фаолият асосан ўқувчи ва ўқитувчи томонидан ташкил этилади. Бунинг учун улар орасидаги ўзаро боғлиқлик кўп холларда дарс жараёнида қўлланиладиган методик қўлланмалар воситасида ташкил этилади. Ўқув техник воситалари имкониятларидан фойдаланиш айни пайтда дарсларни самарали, фаол тарзда ташкил этишда, ўқувчининг диққат эътиборини жалб этишда кутилган натижаларни беради. Ўқув машғулотларига компьютер технологиясини тадбиқ этиш юқорида билдирилган фикрларни тасдиқлади. Унинг таълимга кириб келиши бевосита ўқув жараёнида ўқитувчиларга:

- Компьютер саводхонлигини оширишда;
- Ўқув машғулотларини технологиялаштиришда;
- Мавзуларни тўлиқ ёритиб беришда;
- Мухим физиалогик жараёнларни эфектлар билан намойиш этишда;
- Кўргазмаликни таъминлашда;
- Мавзулар орасидаги ўзаро ўхшашлик ва фарқли белгиларни таққослашда;
- Вакт сарфини камайтиришда;
- Ўқувчилар билан хамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этишда;
- Ўқувчиларни индивидуал кузатишда;
- Ўқувчилар билимини тезкор назорат қилишда;
- Дастурий дидактик ўйинлардан фойдаланишда;
- Ўқувчиларни мавзу юзасидан қўп материал билан таништиришда;
- Ўқувчиларни рағбатлантиришда;
- Ўқув жараёнини фаоллаштиришда;
- Ўқув фаоллигини оширишда;
- Машғулотлар самарадорлигини оширишда мухим восита бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан бирга фаолиятнинг асосий иштирокчиси – ўқувчи учун:

- Компьютер саводхонлигини ошириш;
- Фанга бўлган қизиқиши ошириш;
- Машғулотлардаги мавзуларни тўлиқ ўзлаштириш;
- Анъанавий дарсларга нисбатан кўпроқ маълумот олиш;
- Мустақил таълим олишга харакатни фаоллаштириш;
- Ўқувчининг интеллектуал солахиятини ривожлантириш;
- Ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш;
- Хамкорликда ишлаш;
- Ўргатувчи тест ва ўйин дастурларидан фойдаланиб, мавзуни ўзлаштириш;
- Ўрганилган маълумотларни узоқ муддат хотирада сақлаш имконини беради.

Электрон кўргазмалар ўқитиши жараёнида бир неча усулда фойдаланилади:

Биринчи усулда: дарс ўтиш жараёнида компакт диск компьютерга ўрнатилиб, мультимедиа – проектор орқали мавзу хақидаги маълумотлар экранга чиқарилади. Керакли кўргазмалар танланиб ўқувчиларга тушунтирилади. Бу усулни қўллагандан, мавзуни ўқувчилар онгига етказиш вақти тежалади. Электрон кўргазмаларда рангнинг бир-биридан ажратиб

күрсатилганилиги ўқувчилар диққатини тортади, ҳар бир чизиқни нима эканлигини тушуниб олиши тезлашади. Натижада қисқа вақт ичида катта материалларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлади.

Иккинчи усулда: мавзуга оид электрон кўргазмаларни компьютердан принтир ёрдамида слайдга чиқариб кўргазмалар кодоскоп ёрдамида экранга узатилади ва тушунтириб берилади.

Учунчи усулда: электрон кўргазмаларни мултимедиа проекторга уланган видео – кўз орқали экранга туширилиб, уларни керакли катталикка ва ёритилган холга келтирилади ва ўқувчиларга тушунтирилади (электрон кўргазмалар видео - кўз орқали уланган телевизорда ҳам кўрсатилиши мумкин).

Тўртинчи усулда: компьютер синфидаги бош компьютерга (сервер) компакт дискни ўрнатилиб, ундаги керакли электрон кўргазмалар танланади ва локал тармоқка уланган бошқа компьютерлар экранига узатилади. Ўқувчиларнинг ҳар бири мустақил равишда кўргазмалар билан танишадилар ва ўргангандарини ўзаро фикрлашади. Ҳар бир кўргазма хақидаги фикрлашув ўқитувчи фикрлари билан тўлдириб борилади. 1,2,3 –усулларда фақатгина вақт тежалади, ўқувчилар диққати кўпроқ жалб этилади, 4-усулда вақт тежалади, ўқувчилар диққат эътибори факат мавзуда, яъни ўз компьютери экранидаги тасвирларда бўлади, мавзу мустақил ўрганилади, фикрлашув мунозара орқали бойитилади, ўқувчиларда ўз фикрларини баён қилиши, яхши баҳо олишиш пайдо бўлади.

Электрон дарсликдан фойдаланиш - электрон дарсликнинг ўқув жараёнида ўқув материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида ўрни бор. Инсон эшитиш азоларига нисбатан кўриш азолари ёрдамида олган маълумотларини 5 марта ортиқ эслаб қолади. Бунда кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар тўғридан – тўғри хотирага ўтади ва узоқ сақланади. Электрон дарслик ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажариш билан бир қаторда, ўқув жараёнига қўйилган барча талабларга жавоб беради, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ва уларниг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлайди.

12-Мавзу: Мехнат жараёнининг таҳлили ва дидактик тушунчалар Режа

1. Билим, малака, кўникма, касб, ихтисослик, меҳнат жараёни, технологик жараён.

Таянч сўз ва иборалар: дидактика, билим, кўникма, малака, касб, жараён

Билим - назарий маълумотларда ифодаланган ва ишлаб-чиқариш топширикларини онгли равишда бажариш учун зарур умумлашган тажрибадир. Билимларни ўзлаштириш фактларни, ҳодисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларни билиб олишдир.

Кўникма – инсоннинг ўзидағи билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилардаги кўникма бирор ишни бажариш учун зарур ва етарли даражада эпчил ҳаракатдан иборат бўлади.

Малака – онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнатни кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементdir. Кишининг касб маҳоратини, ҳунарни эгаллаш даражасидир. Ишчининг малакаси таъриф разряди, класс ёки унвон билан белгиланади (3-разрядли чилангар, 2 класс ҳайдовчи, пўлат қуючининг шогирди ва ҳоказо).

Касб – инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий ва маҳсус таълим олиш билан ўзлаштирилган билим ва малакаларни талаб қиласади.

Ихтисос – касбдан жамиятда меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган ва шахс томонидан мукаммал эгаллаб олинган тор меҳнат фаолиятидир.

Масалан: механик, токар, чевар, ошпаз, нонвой ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш жараёни – ҳар қандай машина, механизм ва ҳатто айрим деталларни яратиш.

Технологик жараён – ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, ҳар қандай буюмни яратиш учун ашёлар ҳолатини ўзгартиришдан (кўйиш, қирқиши йўли билан ишлов бериш, йиғиши ва ҳоказо) иборатdir.

Технологик операция- технологик жараённинг бир иш ўрнида битта ёки бир нечта ишчилар охиригача бажарадиган қисмидir.

Масалан: арралаш, эговлаш ва ҳоказо.

Иш усули-ишининг технологик операцияда айрим технологик ўтишларни бажаришдаги ҳаракатлари мажмуидir.

Масалан: эговни қўлга олиш, тўғри иш ҳолатида туриш, эгов билан илгариланма-қайтма ҳаракатларни бажариш ва ҳоказо.

Меҳнат ҳаракати- ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариши. Масалан: бир вақтнинг ўзида зубило ва болғани қўлга олиш учун нерв-мускул фаолиятини ишга солишидир.

Иш ҳаракати- ишчининг бирор технологик ўтишни бажариш учун, масалан, болға билан зуబилони уриш каби меҳнат ҳаракатларининг мажмуuidir.

13. Мавзу: Меҳнат таълимими ташкил қилишни дидактик тизимлари Режа

1. Буюм системаси.
2. Операцион буюм системаси.
3. Операцион комплекс системаси.
4. Моторли машқ, системаси.
5. Конструкцион технологик система.

Таянч сўз ва иборалар: технологик жараён, технологик операция

Меҳнат таълимининг бешта асосий системаси мавжуд. Дастрлаб **буюм** системаси пайдо бўлган. Бу системага биноан ўқувчи ўзлаштираётган касб учун ҳарактерли бўлган буюмлар мажмуасини тайёрлаган ва бундан буюмлар мураккаблиги ортиб борган. Буюмларни тайёрлаш жараёни алоҳида операцияларга ажратилмаган. Ўқувчилар айрим меҳнат усулларини бажариш билан таништирилмаган, фақат мутахассиснинг иши ва меҳнат ҳаракатларини бажаришган. Бунда буюм тайёрлашда ўқувчилар ўз билим ва малакаларидан фойдалана олмайдилар натижада буюмни тайёрлашда ишни қайтадан ўрганишга мажбур бўладилар, бу эса системанинг асосий камчилигидир.

Операция буюм системаси бўйича ўқувчилар ўзлари эгаллайдиган касбнинг мазмунини ташкил қилувчи меҳнат операцияларини ўрганишади. Шу сабабли улар ҳар қандай буюм тайёрлаш бир хил операциялардан иборат, бунда фақат операцияларнинг бажарилиш тартиби ва ишлов бериш аниқлигига қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қиласи деган тушунчага эга бўлишган. Буюм системасига нисбатан операция системасининг асосий афзаллиги-бирор касб доирасидаги универсал билим ва малакалар билан қуроллантирганлигидадир. Бу система ҳам бир қатор камчиликларга эга. Операциялар буюмларни тайёрлаш жараёнида ўзлаштирилади, яъни ўқувчилар меҳнати унумли меҳнат ҳарактерига эга бўлмайди, натижада уларнинг ишга қизиқиши сусайиб кетади.

Мотор-машқ системаси - бу системада ўқитиш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда технологик жараённинг бир қисми бажарилиб, айрим операцияларни бажариш усуллари билан танишади. Иккинчи босқичда эса буюмни батамом тайёрлайди. Бу системанинг камчилиги - ўқувчиларни кўнимка ва малакаларини онгли равища ўзлаштиришлари назарда тутилмаган. Шунинг учун бу системадан воз кечилган.

Операция-буюм ва мотор-машқ системаси бу системанинг ҳамма ижобий томонлари операция-комплекс системасида ривожлантирилади.

Операция-комплекс системаси - ўқувчиларни олдин 2-3 кетма-кет операцияларни ўзлаштириши, шу операцияларни ўз ичига олган комплекс ишларни бажаришга ўргатишдан иборат.

Мактаб ўқув устахоналарида амалий меҳнат малака ва кўникуларни ўргатиш операция-буюм системаси бўйича амалга оширилади. Меҳнат таълими дастурида амалий меҳнат кўникуларни ўргатиш маҳаллий шароитга қараб олиб борилиши инобатга олинган, бу эса кўникуларни буюм системаси бўйича шакллантиришни назарда тутмайди. Мактаб устахоналарида ўтказиладиган машғулотларда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятга жалб қилишнинг умумий хусусиятлари:

1. Ижодий иш жараёнида ўқувчилар яратадиган ҳамма нарсалар, ўқувчилардан қунт билан, зўр бериб меҳнат қилишни талаб этади.

2. Ҳар қандай ижодий фаолият маълум масалаларни ҳал қилишни назарда тутади ва фикрлаш фаолияти орқали натижага эришилади, бу фаолият натижасида мавжуд билимлардан янги хulosалар чиқарилади.

3. Ўқувчилар ижодий фаолияти жараёнини қуидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- гоянинг пайдо бўлиши ёки ижодий масалани вужудга келиши;
- масалани ечиш ва амалда қўллаш;

Ўқувчиларнинг ижодий фаолият жараёни ўзига хос хусусиятларга эга:

- ҳар қандай ижод учун янгилик характерлидир;
- ўқувчилар ижодкорлиги уларнинг мустақил харакатлари катталар харакатидан пастроқ савияда бўлиши билан характерланади;

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига раҳбарлик қилиш:

- ўқувчиларни хар ҳил савол ва масалаларни ҳал қилишларида қатнашиш;
- ўқувчилар олдига ижодий характердаги саволлар ва масалалар қўйиш;
- ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқаришга оид билимларини амалда қўллашда ундаш;
- ўқувчиларни ижодий фаолиятларини рағбатлантириш.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил қилиш ўқув устахоналаридаги машғулотларда таълимга муаммоли ёндашувни амалга ошириш имконини беради.

Ўқувчиларда конструкцион – технологик таффаккурни ривожлантириши йўлларидан бири меҳнат таълими дарсларида меҳаник конструкциялаш ва моделлаштириш политехник тайёргарлик талабларига меҳнат таълим мини бошқа турларига нисбатан кўпроқ жавоб бериши керак.

Меҳнат таълим мининг хозирги вақтдаги йўлга қўйилиши кўпчилик мактабларда талабга жавоб бермайди хатто ўқув устахонаси ҳам йўқ, конструкцион технологик системани шакиллантириш учун база зарур.

Ўқувчиларда техник таффаккурни ва конструкцион технологик фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган психологик – дидактик асослар етарли даражада ишлаб чиқилган.

14-Мавзу: Меҳнат таълими, дарсларида амалий дарсларни ташкил қилиш методикаси Режа

1. Амалий дарсга тайёргарлик.
2. Жорий оралиқ ва якуний йўриқномаларни ўтказиш тартиби.
3. Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси.
4. Хавфсизлик техникаси қоидаларига эътибор.
5. Дарсни якунлаш.

Таянч сўз ва иборалар: жорий, оралиқ, якуний, назорат, йўриқнома.

Амалий машғулот жараёнида дастурдаги мавзунинг мазмунин очиб берилади. Меҳнат таълими ва тарбиясининг мақсадлари, вазифалари амалга оширилади. Демак амалий машғулот деганда ўқувчиларнинг ўқув материалини фаол, онгли ва мустахкам ўзлаштириш мақсадида меҳнат ўқитувчиси раҳбарлигида амалга ошириладиган ҳам жамоа ҳам якка тартибдаги иш турларини ўз ичига олган ўқув меҳнати фаолиятини аниқ ташкил этишни тушуниш керак.

Амалий машғулотлар қуидаги турларга бўлинади:

- Янги техник- технологик ва меҳнат жараёнларини ўрганиш;
- Билимларни, кў尼克ма ва малакаларни мустаҳкамлаш;
- Назорат қилиш, текшириш ишлари;
- Экскурсиялар ўтказиш ва хакозаларга бағишлиланган маълумотлар бўлиши мумкин. Лекин амалий машғулотларни турлари хилма – хил бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳаммаси қўйидаги умумий талабларга мос келиши лозим;
 1. машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқ ва равон ифодаланган бўлиши;
 2. машғулотнинг тузилиши дидактик жиҳатдан ўзини оқлаган ва ўқув материалининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган бўлиши;
 3. машғулот обьектти тўғри танланиши, ижтимоий фойдали ахамиятига эга бўлиши, ўрганиладиган меҳнат жараёнлари ва усулларининг талабларига мувофиқ келиши;
 4. машғулотларда фойдаланиладиган методлар дарс талабларига ва ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб бериш;
 5. машғулотларнинг ташкилий методик тузулиши ўқувчилар билан жамоа тарзида ва якка тарзда иш олиб боришни назарда тутиши;
 6. машғулотларда ўтказиладиган таълим ишлари тарбиявий ишларга эга бўлиши, яъни ўқувчиларда маънавий сифатларни таркиб топтиришга ёрдам бериши керак.

Амалий машғулот турларининг ҳилма – хил бўлишига қарамасдан, улардаги дидактик томонларини ҳам таъкидлаб ўтиши керак, булар:

- ўқувчиларни навбатдаги ўқув материалини ўзлаштириш учун жалб қилишга қаратилган машғулотларни уюштириш;
- ўқувчилар олдидағи машғулотларда ўзлаштирган билим, кў尼克ма ва малакалари даражасини текшириш;
- янги материални тушунтириш ва меҳнат жараёнини ҳамда амалий ишларни бажариш вақтида меҳнат усулларининг кўрсатиб бериш;
- ўқувчиларнинг янги мавзуга оид жараёнларни ва шуларни бажариш вақтида уларни билиши, меҳнат усуллари даражасини аниқлаш;
- меҳнат усулларини шакиллар билан мустаҳкамлаш ва уларни дастлабки меҳнат кўнилмалари даражасига етказиш, бунда ўқитувчининг пухта назорат қилиши ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишига эришиш;
- амалий топшириқни мустақил бажариши ва намуналарга якун ясашдан иборат.


Ушбу жараёнлар амалий меҳнатнинг таркибини ташкил этади. Амалий машғулотларнинг таркиби эса дидактик томонларининг изчилигига ва ўзаро боғланишидаги нисбатdir, уларни эса машғулот мақсадлари ва ўқув материалларининг мазмuni тақоза этади.

Меҳнат таълимида амалий машғулотларда қўлланиладиган методлар ва уларга қўйиладиган талаблар


№	Талим методлари	Методларнинг тавсифи	Таълим методларига қўйиладиган талаблар
1	Хикоя	Ўқув материалини жонли, образли қилиб хикоя қилиб беришдир. Хикоя максимал назорат ва ўқувчиларнинг галдаги ишларга жипс боғланган бўлиши шарт. Хикояни дарс мавзусини кисқача умумлаштириб тамомлаш керак.	Хикоянинг тили саводли, ва равшан талаффуз этилиши шарт.
2	Сухбат	Бунда ўқувчилар ўқитувчининг саволига жавоб бериладиган ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Ўқувчиларда берилган мавзу бўйича маълум хажмдаги билим	Бу методдан ўқувчиларда маълум хажмдаги билим ва тажриба бўлганда фойдаланилади. Бериладиган саволлар маълум тартибда ихчам, тушунарли,

		бўлган холда сухбат методидан фойдаланилади. Сухбат охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради.	илгари ўтилган материалга ва сухбат мавзусига асосланган бўлиш керак. Сухбат аниқ мақсадни кўзда тутиши лозим.
3	Ўқув материалини оғзаки баён этиш	Ўқув материалларини изчиллик билан баён қилиб бериш. Унда мақсад, фойда ва тушунчалар очиб берилади, фактлар тахлил қилинади ва изботланади.	Баённинг тили саводли, ҳар бир иборани тўғри танланиши ва равшан талафғуз этилиши шарт. Баён қўргазмали, образли, равон, исботли бўлиши, нутқ хаяжонли, ойдин бўлиши лозим.


Мехнат таълимини бошқа фанлар билан боғлаш йўллари



Мехнат таълимида амалий машғулотлар жараёнининг



Мехнат таълимида амалий машғулотлар жараёнининг таркибий қисмлари



**Амалий иш давомида ўқувчиларга бериладиган жорий, оралик ва якуний йўриқномалар
кўйидаги кетма – кетлика берилади:
Кириш йўриқномасининг кетма – кетлиги:**

- машғулот мавзуси ва унда кўзланган мақсадлар билан уқувчиларни таништириш.
- ўқувчиларни тайёргарлик даражасини текшириб кўриш.
- бажарилиши кўзда тутилган ишнинг мақсади, тартиби ва муҳим хусусиятларни тушунтириб бериш.
- чизмалар, схемалар ва наъмуналар тарқатиш.
- ишлатилидаган материаллар, асбоб – ускуналар, дастгоҳлар ва мосламалар билан таништириш.
- ишлаш усуllibарини кўрсатиш.
- иш ўрнини ташкил этиш, меҳнат ва хаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.
- ўқувчилар бажарган ишлар натижасини назорат қилиш, хатоликларни аниқлаш ва рағбатлантириш ишларини олиб бориш.
- уйга вазифа бериш.

Жорий йўриқномалар кўрсатишни самарали ўтказишга қўйиладиган талаблар:

- бажариладиган иш мохиятига хар бир ўқувчининг тушунгандигига ишонч хосил қилиш.
- ўқувчиларни тўғри ишлаш ва дам олиш тартибини текшириб кўриш ҳамда таъминлаш.
- хар бир ўқувчининг берилган вазифани бажаришга ижодий ёндошгандигига қараб рағбатлантириш.
- ҳар қайси ўқувчи меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилаётганини мунтазам кузатиш.
- ўқувчиларни мустақил ишлаш, ўз – ўзни назорат қилиш, ишни режлаштиришга шарт – шароит яратиш.
- ўқувчиларни иш вақтидан унимли фойдаланишларини кузатиш.
- ишни яхши бажараолмаётган ўқувчиларга қўшимча кўрсатма ва ёрдам кўрсатиш.
- ўқувчиларда юқори даражадаги иш маданиятини тарбиялаш.
- ўқувчилар кўплаб ҳатоликларга йўл қўйган холларда жамоа шаклида йўл – йўриқ кўрсатиш.

Якуний йўриқноманинг таркибий мазмуни:

- дарсга якун ясаш.
- баъзи бир ўқувчилар йўл қўйган ҳатоликларни тахлил қилиш.
- бажарилган ишлар бўйича баҳо қўйиш, баҳони асослаш ва эълон қилиш.
- уйга вазифа бериш. Бу вазифани бажариш учун кўрсатмалар бериш.

Йўлланма - бу меҳнат фаолияти усуllibарини тушунтириш ва кўрсатиш ҳавфсиз бажариш бўйича тасаввур ҳосил қилишга ва ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини тўғри йўналтиришга қаратилган. Демак, йўлланма дарснинг бир кисмидир. Йўлланма жараёнида таълимнинг ҳар хил методларидан фойдаланиш, йўлланма мазмунини ўқитувчи асослаб беради. Йўлланманинг тўлалиги ва элементларга ажратилиши, йўлланмада шундай кўрсатмалар бўлиши керакки, ўқувчи улар ёрдамида ўз фаолиятини назорат қила олиши керак. Йўлланма уч хил бўлади: кириш, жорий ва якуний.

Кириш йўлланмаси - бажариладиган ишнинг характеристи, меҳнат усуllibарини нормал бажариш қоидалари, ўз-ўзини назорат қилиш белгиларини, аниқ меҳнат вазифаси қўйишни ўз ичига олади.

Жорий йўлланмасида - меҳнат усуllibарини бажаришдаги ҳатоларини тузатади. Бунда ўқувчилар ишни тўхтатиш хатога йўл қўйган ўқувчини ишига эътибор бериш, ундан нотўғри ишлангандигининг сабабини тушунтириб беришни талаб қилиш, тартибда ўқувчилар билан

сұхбат ўтказилади. Ўқитувчининг хulosаси: ўқитувчининг түғри усулларни күрсатиши ва ўқувчиларга ишни давом эттиришга рухсат берішдан иборатдир.

Яқунловчи йўлланма - сифатли бажарилган ва нотўғри бажарилган буюмларни намойиш қилишни, ўқувчилар ишининг умумий характеристикасини, ўқувчилар йўл қўйган хатоларни таҳлилини, ўқувчилар ишини баҳолашни ва уйга вазифа беришни ўз ичига олади.

Мехнат кўникма ва малакаларини шакллантириш меҳнат таълими методикасида жуда муҳим ўрин тутади. Унинг асосини йўлланма ва машқлар каби метод ташкил қиласди.

Ўқувчиларнинг меҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириш асосий шартлари қўйидагилардан иборат:

- Топшириқнинг аниқлиги, унинг мақсади ва бажариш усулларини тушуниши;
- Ўқувчиларда зарур билимларни мавжуд бўлиши;
- Метод ва усулларни шакллантирилаётган кўникма ва малакаларнинг хусусиятларига мослиги;
- Йўлланманинг самарадорлиги;
- Машқларнинг етарли миқдорда бўлиши;
- Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш, ўқувчиларни баҳолаш натижаларидан хабардор бўлиши.

Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси

Ўқув устахоналарида машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш тузилган режа асосида ўқитувчининг машғулотга аниқ тайёргарлик кўришидан бошланади. Ўқитувчи мавзуу режаси асосида дарс конспектини тузади. Дарс жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиси асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- 1.Дарсда ясаладиган буюм тўғрисида тўғри тушунча бериш.
- 2.Буюмни ясашда амалга ошириладиган жараёнларни тушунтиради ва кўрсатади.
- 3.Буюмни ясаш учун кириш йўриқномасини равон тил билан тушунтиради ва ишлатиладиган асбоб - ускуналарни белгилайди.
- 4.Ўқувчиларга амалий ишни бажариш учун рухсат беради ва ишни бажарилишини назорат қиласди.
- 5.Доимий равища жорий йўриқнома бериб турилади ва баъзи ўқувчиларга ишни бажаришда ёрдам кўрсатади.
- 6.Ишнинг охирида якуний йўриқнома беради, ҳар бир ўқувчини бажарган ишини таҳлил қиласди ва ишни тугатган ўқувчилар баҳоланади, дарсга якун ясалади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўз фанини чукур билишини, одиллигини, меҳрибонлигини, устоз эканлигини ва х.к. намоиш эта билиши ва ўз обрўйини сақлай билиши зарур. Дарс якунида ишни мукаммал бажарган ўқувчилар рафбатлантирилади, ишни тўлиқ бажармаган ўқувчилар ишини сифатига қараб рафбатлантирилади ва келгуси дарсда ишни давом эттиришга рухсат берилади. Устахона тозаланади асбоб – ускуналар жойларга қўйилади ва дарсга якун ясалади.

15-мавзу: Ҳалқ ҳунармандчилиги технологиясини ўқитиши ташкил қилиш.

Режа

1. Ҳалқ ҳунармандчилигига ишлатилинадиган материалларни ўргатиш методикаси.
2. Ҳалқ ҳунармандчилигига ишлатиладиган асбоб-ускуналар.
3. Ҳалқ ҳунармандчилиги усулларини ўргатиш ва буюм тайёрлаш.

Таянч сўз ва иборалар: Ҳунарманд асбоб – ускуналар, усул, буюм.

Ҳалқ ҳунарманчилиги санъати миллий қадирятларини ҳамда анъаналарини изчил ўрганиш, ривожлантириш ҳамда такомиллаштирган ҳолда бойитиб бориш малака ва кўникмаларга асосланади. “Таълим тўғрисидаги қонун”да “Умумтаълим давлат таълим тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар, илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбкорлик кўникмалари, иш билармонлик асосларини эгалашлари, ижобий қобилияtlар, ва маънавий фазилатларни ривожлантиришни тамиnlайди” – деб такидлаган. Ҳалқ

хунарманчилиги ёшларни тафаккури, тасаввури, эстетик диди, эпчиллиги каби сифатларини ҳар томонлама ривожлантиришга самарали тасир кўрсатади.

Қадим замонлардан бери ота-боболаримиз инсоният вужудга келтирган кашфиёт, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ўз хунарларини авлоддан авлодга ўтказиб келмоқдалар. Ҳозирги кунда архитектура билан боғлиқ бўлган ёғоч ва ганч ўймакорлиги таборо тарақкий этиб бормоқда. Ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган дарахт турлари:

1. Армуғон () – юмшоқ, енгил, оқиш тусли, кам чатнайди, тобланмайди, ўймакорликда 80-90 ёшдагилари ишлатилади.
2. Қарағай –тик ва тўғри ўсади, ишлов бериш осон.
3. Оқ қайнин –фанера ишлаб чиқаришда ишлатилади.
4. Заранг –қимматбаҳо мебель тайёрланади.
5. Чинор –қимматбаҳо мебель тайёрланади.
6. Ўрик –мусиқа асбоблари тайёрланади.

Хунармандчилика асосан асбоблардан исказа ишлатилинади, унинг турлари тўғри, куракча, нова, балиқ сиртли, чекма, морпеч ва ковза. Албатта дуродгорликда ишлатиладиган барча асбоблардан хунармандчилика ҳам фойдаланилади. Сервис хизмат йўналиши бўйича миллий халқ хунармандчилигидан битта дарс ишланмасини келтирамиз:

Чойнак ёпқични гулдўзи усулида тикиш

Дарснинг мақсади:

- A. Таълимий** –ўқувчиларга чойнак ёпқичга гулдўзи усулида нақш тикишни ўргатиши.
B. Тарбиявий –ўқувчиларда бадиий дидни, нафосат туйғусини ўстириши.
В. Ривожлантирувчи –ўқувчиларда зардўзлик бўйича меҳнат кўнималарини кенгайтириши.
Г. Ижодий –ўқувчиларда зардўзлик ишлари бўйича мустақил фикрларни ривожлантириши.
Д. Амалий --чойнак ёпқични амалда тайёрлаш.

Дарсни жиҳози:

Зардўзлик жиҳозлари, зардўзлик ишларидан намуналар, кўрсатмали материаллар, проектор.

Дарс тури амалий:

Дарс усули: Баён қилиш ва қўргазмали усулда.

Дарс типи: Янги билимлар бериш, меҳнат кўнималарини шакллантириши.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Амалий машғулот.

A. Ўтилган мавзу бўйича сўраш, савол-жавоб ўтказиши:

1. Зардўзи уй-рўзгор буюмларини тикиш технологияси ҳақида гапириб беринг?
2. Андозани бичишда нималарга эътибор берилади?
3. Тикиш усулини гапириб беринг.

B. Назарий тушунча ва кириш ўриқномаси бериш.

Биз чойнак ёпқични гулдўзи усулида тикишдан олдин зардўзликда нақшларни тикиш усуслари ва уларнинг таснифи билан танишиб чиқамиз. Тикиш усуслари туркуми зардўзликнинг асосий усусларидан бўлиб, ўзининг мураккаблиги билан зардўзликнинг бошқа усусларидан ажралиб туради. Тикиш усуслари ипларнинг тузилиши ва чокларнинг кўриниши бўйича уч турга бўлинади:

1. Зардўзи, гулдўзи тикиш тури. Бу турга киравчи усувларнинг умумий хусусияти шундаки, чарм, картон, қалин қоғоздан қириқилган нақшлар –гуллар усти турлича ҳолатдаги зар иплар билан бутунлай қоплаб тикилади. Бу усул зардўзликка хос бўлмасада анча кенг тарқалиб бормоқда.

2. Зардўзи –заминдўзи тикиш тури. Зардўзи тикиш усуслари нақшлар тагини ёппасига зар иплар билан тўлдириб тикиш турли нақшлар ҳосил қилиш вазифасини бажаради.

3. Зардўзи бирэшимдўзи тикиш тури. Бу тур усуслари зардўзларнинг ўзлари тикаётган гулларнинг айнан табиатдагига ўхшашига интилишларидан келиб чиқсан. Бунда нақшлар ипак иплар билан тикилган.

В. Амалий иш.

Ўқувчилар дастгоҳ атрофида ўтириб, гулдўзи усулидан тикишни бошлашади. Дарс давомида ўқувчиларни фаолияти кузатиб ва баҳолаб борилади, тикишга қийналаётган ўқувчиларга қайта (жорий) йўриқнома ва ёрдам берилади, техника хавфсизлиги қоидалари эслатиб турилади.

III. Дарсни якунлаш.

Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларанинг фаолияти кузатиб, камчиликларини тузатиб боради. Якунловчи йўриқнома берилади.

Үйга вазифа –иш асбобларидан фойдаланишдаги хавфсизлик қоидаларини пухта ўрганиб келиш, нақшларни чизиш, чойнак ёпқични гулдўзи усулда тикиб келиш. Шу билан дарс якунланади. Навбатчи ўқувчилар хонани тартибга келтиради.

16-Мавзу: Йўналишлар бўйича материалшунослик бўлмини ўқитиш методикаси Режа

1. Материалларни олиниши.
2. Материалларни хоссалари.
3. Материалларнинг хусусиятларини.
4. Ўқитиш методикаси.

Таянч сўз ва иборалар: ёгоч, метал, газлама.

5-синф.

1. Технология ва дизайн йўналиши.

А) Ёгоч ва унга ишлов бериш технологияси.

Ушбу йўналиш бўйича ўқувчиларда шакллантириладиган билимлар: ёгочнинг халқ хўжалигидаги ахамияти, тузилиши, турлари, ташқи кўринишлари ва ўзига хос белгилари, хоссалари (механик, физикавий, химиявий ва бошқа) ишлатиш соҳалари. Дурадгорликда ишлатиладиган ёгочлар: терак, тогтерак, шумтол, қарагай, дуб, нок, ёнгок, чинор ва бошқалар.

Мустақил ишлар:

Махаллий худудда ўсадиган дараҳтлар ва улардан олинадиган ёгоч турларини ўрганиш. Ёгочларни сифати ва нуқсонларини аниқлаш.

Б) Метал ва унга ишлов бериш технологияси.

Ўқувчиларда шакллантириладиган билимлар мажмуаси ва мустақил ишлар:

Турмушда ва ишлаб чиқаришда металдан ясалган буюмлар ва уларнинг ахамияти, қора металлар, уларнинг турлари, таркиби, қўлланиши.

Мустақил ишлар:

3-4 та қора ва рангли металларни турлари хоссалари, сифатлари, шакллари, ўлчамлари қўлланиши, ва ишлатиш технологиялари бўйича маълумотлар тўплаш.

2. Сервис хизмат йўналиши.

A) Газламаларга ишлов бериш технологияси

Ўқувчиларда шакллантириладиган билимлар ва мустақил ишлар:

Газламалар ишлаб чиқаришдаги техник жараёнлар, газламанинг кимёвий, физикавий техник-технологик хусусиятларини хисобга олган холда буюмлар конструкциясини хамда уларни технологиясини аниқлаш. Газламадан тайёрланадиган буюмлар моделлари ва элементлари маҳсус кийимларнинг вазифаси, турлари ва уларга бўлган эстетик талаблар.

Мустақил ишлар:

Газламаларни турлари, хоссалари хусусиятлари қўлланиш ва ишлаб чиқариш технологияларига оид маълумотлар у мумлаштирилган маҳсус жадвал ишлаб чиқиш.

B). Пазандачилик асослари.

Ўқувчиларда шакллантириладиган билимлар: Пазандачилик ва унинг тараққиёти, миллий пазандачиликни ривожланиши, худудий хусусиятларига мувофиқ шаклланиши,

ўзбек миллий таомлари ва уларда ишлатиладиган махсулотлар. Инсоннинг овқатланишида сабзавотлар сут, макарон, гўшт, балиқ ва бошқа махсулотларни ахамияти.

Мустақил ишлар:

Яхна овқатлардан бирига керакли махсулотлар рўйхатини ва уларни 6, 8, 10 кишига мўлжаллаб сарфланадиган миқдорини хисобланг.

3.Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши.

А.Ўсимлиқшунослик. Шакллантириладиган билимлар:

Экинлар ва уларни турлари, навлари, хосилдорлиги уругчилик ва кўчат тайёрлаш асослари, ургуларни сифатини аниқлаш усувлари, экилган ургуни униб чиқиш тезлиги ва унга таъсир этувчи омиллар турли экинларни парвариш қилиш қоидалари.

Мустақил ишлар:

Махаллий қишлоқ хўжалиги экинлари рўйхатини тузиш, уларни уругч ва кўчатларини тайёрлаш, экиш ва парвариш қилиш қоидаларини ўрганиш.Фермерлик харакати ва унинг истиқболини ўрганиш.

Б.Чорвачилик асослари.

Чорвачиликка доир бошлангич билимлар шакллантирилади.

Мустақил ишлар:

Хайвонларни боқиш ва уларни парвариш қилиш.

6-синф.

1.Технология ва дизайн йўналиши.

А. Ёғоч ваунга ишлов бериш технологияси.

Шакллантириладиган билимлар:

Ёгочнинг алоҳида хоссалари, михларни ушлаб қолиш хусусияти нуқсонлари, махалий ёғоч турларининг хусусияти, дурадгорликда ишлатиладиган елимлар (козеин ва бошқалар), уларни ишга тайёрлаш ва фойдаланиш қоидалари.

Амалий мустақил ишлар:

Фанера наъмуналари билан танишиш.нуқсонларини аниқлаш.

Б. Металлар ва уларга ишлов бериш технологияси.

Шакллантириладиган билимлар:

Қора метал қотишмалари: чўян, пўлат ва бошқалар, уларни ишлаб чиқариш қора метални асосий хоссалари: қаттиқлик, эластиклик, пластиклик ва мўртлик.

2.Сервис хизмат йўналиши.

Шакллантириладиган билимлар: Жун толалари ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар бериш газлама ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан фойдаланиш. Жун ва ипак газламаларнинг физик механик ва технологик хусусиятлари. Газламаларнинг чидамлилиги ва унга таъсир этувчи омиллар. Миллий кийимларни хар хил турларини тайёрлашда газламалардан фойдаланиш ва уларнинг дунё бозорида эгаллаган ўрни.

Амалий мустақил ишлар:

1-2 ўқувчини қоматини ўрганиш ва уларнинг натижаларига асосланган холда уларга мос кийим моделини тавсия этиш.

Б). Пазандачилик асослари.

Пазандачиликда ишлатиладиган махсулотлар.

шакллантириладиган билимлар:

Озиқ-овқатлар хақида умумий маълумот.

Балиқ ва гўштли таомларни текшириш. Ширин таомларни тайёрлаш. Миллий пазандачиликда кўлланиладиган махсулотлар.

Амалий мустақил ишлар:

Ошхона жихозларидан түгри фойдаланиш машқлари

3.Кишлоқ хўжалик асослари йўналиши.

А. Ўсимликшунослик.

Шакллантирилдиган билимлар:

Тупроқни тури ва сифатини, хосилдорлигини аниqlаш усуллари. Махаллий худудда кенг тарқалған қишлоқ хўжалиги экинларининг агротехника жараёнлари. Ўсимликни парвариш қилиш ва озиқлантириш қоидалари. Ўсимликнинг ўсиш тезлиги согломлигини назорат қилиш усуллари.

Амалий мустақил ишлар:

Махаллий тупроқни тури ва хосилдорлигиниңайыс әкинлар әкиш учун Құлайлигини аниқлаш. Маълум әкин тури учун агротехника тадбирлари жадвалини тузиш.

Б.Чорвачилик асослари. Шакллантириладиган билимлар: Чорвачиликка доир бошлангич маалумотлар.

Амалий мустақил ишлар:

Чорвачилик ва паррандачилик фермаларида хамда күёnlар, нутриялар ўстириш, балиқчилик хўжаликларидаги иш жараёнларини ўрганиш.

7- синф.

1.Технология ва дизайн йўналиши.

А) Ёгоч ва унга ишлов бериш технологияси.

Ушбу йұналиш бүйічә ўқувчиларда шакллантириладын билимлар: ёғочдан ясалған буюмларга пардоз беришда ишлатыладын материаллар. Ёғочни хароратта, намлика, микроорганизмларга ва бошқа тасирларга чидамлиліги, ёғочни қуритиш ва сақлаш қоидалари.

Амалий мустақил ишлар ёғочларни турларга ажратиши ва техник хусусиятларини анықлаш.

Б) Метал ва унга ишлов бериш технологияси.

Юпқа тушука турлари ва уларни ишлаб чиқариш, Пўлатни механик хоссалари. Симнинг турлари ва ундан ясаладиган деталларни конструктив элементлари. Метал қотишишлар турлари. Метални тежаш усуллари. Рангли металлар ва улардан тайёрланадиган буюмлар.

Амалий мустақил ишлар:

Метал материалларига ишлов бериш турлари ва усуллари хақидаги маълумотларни лабаратория ишлари хамда адабиётлардаги маълумотлар асосида аниклаш ва рефарат ёзиш.

2. Сервис хизмат йўналиши.

Газламаларга ишлов бериш технологияси

Шакллантирилдиган билимлар:

Газламалар ишлаб чиқариш хакида умумий маълумотлар. Табиий ва синтетик толаларнинг хусусиятлари физик, механик, гигиеник технологик тузилишлари вауларнинг бир-бираидан фарқи. Газламани бичишга тайёрлаш. Бичилган . газламага безак бериш ва безак турлари.

Амалий мустақил ишлар:

Табий ва синтетик толалардан тайёрланган газламаларнинг хусусиятларини ўрганиш. Газламани бичишга тайёрлаш ишларини бажариш.

Б). Пазандачилик асослари. Озиқ- овқат махсулотлари.

Шакллантириладиган билимлар:

Хамирдан таом тайёрлаш учун ишлатиладиган махсулотлар Сут ва макарондан тайёрланадиган таомлар. Хорижий мамлакатларда пазандачиликни ривожланиши ва бирбиридан фарқи.

Амалий мустақил ишлар:

6 кишига етадиган полов ёки бошқа таомлар учун сарфланадиган махсулотлар миқдорини хисоблаш ва пишириш.

3. Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши.

А. Ўсимликшунослик.

Шакллантириладиган билимлар.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланишига зарар етказувчи зааркунандаларнинг турлари ва уларга қарши курашиш усуллари хақида.

Амалий мустақил ишлар:

Махаллий худудда учрайдиган қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари рўйхатини тузиш. Уларга қарши курашишни тадбирларини амалга ошириш тадбирларини амалга ошириш жадвалларини тузиш:

Б. Чорвачилик асослари.

Шакллантириладиган билимлар:

Хайвонларни боқиш ва парвариш қилиш, уларнинг махсулдорлигига таъсир этувчи омиллар. Озиқалар тайёрланишини меҳаниқ, иссиқлик кимёвий бактериологик усуллари, иқтисодий самарадорлиги. Озукаларни қайта ишлаш технологик жараёнлари, жониворларни рационал боқиш.

Амалий мустақил ишлар:

Чорвачилик ва паррандачилик ишларини амалда бажариш. Озуқа тайёрлаш. Жониворларни боқиш ва парвариш қилиш.

17-Мавзу: Меҳнат таълими

**ўқитувчисининг дарсга ва ўқув йилига
тайёргарлиги
Режа**

1. Меҳнат таълими ўқитувчисининг дарсга ва ўқув йилига тайёргарлиги, касбкорлик сифатлари: асбоб-ускуналарни ишга созлаш, хомашё ва намуна тайёрлаш; қўргазмали куроллар, техник воситалар; ўқитувчининг шахсий фазилатлари

Таянч сўз ва иборалар: дарс, ўқув йили, хом-ошё, кургазма, касб фазилат.

Ўқитувчи ёшларга таълим тарбия берувчи шахсdir. Республикаизда халк таълими соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришда кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараённада меҳнат усулларини тўғри танлаш, ўқувчи амалда тўғри кўллаганини назорат килиши керак.

Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчини дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутади. Ўқув йилини режалаштириш оркали ўқитувчи ва ўқувчини устахонадаги меҳнат таълимининг вазифа ва мақсадларига кўра бажарган барча ишларини олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда меҳнат таълими бўйича ўқитиладиган фанларнинг дастури асос қилиб олинади. Ўқув йилини режалаштиришда ўқитувчи бир қанча дидактик вазифаларни ҳал киласди.

* Меҳнат таълими фанининг дастури бўлимларга мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имкониятини беради. Ўқув устахоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув кўзгазма манбалари аввалдан маълум бўлади.

* Меҳнат таълими фанининг мазмуни билан бошқа фанларнинг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материалини алоҳида дарсларга тақсимлаб бошқа фанлардан олган билимларини аниқлайди. Шундай қилиб, меҳнат таълими билан фанларнинг асосларини ўрганиш орасида дидактик боғланиш таъминланади.

- * Ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар аниқланади.
- * Ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ташқари ишлар йўналиши аниқланади.
- * Ярим йиллик якунларини чиқаришда ўқув режани бажарилишини текшириш осонлашади.
- * Ўқув бўлими халқ маорифи ташкилотлари томонидан таълим жараёнини назорат килиш осонлашади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуидагича олиб борилади: Янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланади. Меҳнат таълими ўқитувчиси жихоз асбоб-ускуналарнинг майдаги носозлигини ўзи тузатади.

Агар ўртача ва тўлиқ таъмирлаш талаб қилинса, маъмуриятга талабнома тузилиб, маъмурият орқали тегишли тадбирлар кўрилади. Янги асбоб-ускуналар сотиб олиш учун хам алоҳида талабнома тузилади.

Янги ўқув йилини режалаштириш учун хам ўқув дастури билан қайтадан танишишдан бошланади, бундаги тушунтириш хати ўрганилади. Тушунтириш хатини ўрганишда машғулотларнинг вазифаларини, ўқув жараёнини ташкил килишда кўрсатмали кўргазмалардан фойдаланиш, ўқувчилар фаолиятини текшириш, баҳолаш ва хакозоларга оид услубий кўрсатмаларни яна бир марта тахлил этиш керак. Фан бўйича дастурнинг мазмунини билаи хам танишиб чиқиш керак.

Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларини ўзлаштиришлари керак бўлган билим, кўникма, малакалар, бўлимлар мавзулари ва уларга ажратилган соатларни ўрганиш зарур. Шундан сўнг ҳар бир синф учун ўргатиладиган буюмлар танланади. Буюмларни танлашда ўқитувчи қуидагиларга эътибор бериши керак:

- буюмларга ишлов бериш усуслари ўқув дастурига мос келиши керак.
- буюм танлашда аниқ даражаси, вақти, ўқувчиларнинг кучи етадиган аввалги билимлар асосида танланиши керак.
- буюмларни лойиҳалаш усули ўқувчиларга тушунарли ва осон ўзлаштирадиган бўлиши керак.

Ўқув йилини режалаштиришда ва бажараётган буюмларни хилини танлашда болаларнинг ўзлаштириш даражаларини эсдан чиқармаслик керак. Синфдаги иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қизиқиши ва билимларини ўстириш йўлларни аниқ белгилаш керак. Ўртача билимли болалар ўз-ўзидан иқтидорли болаларга эргашадилар ва иш унумдорлиги ортади.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ўқувчиларни унумли меҳнатини ташкил килишни ҳам йўлга кўйиш керак. Бунинг учун янги ўқув йилига қадар ўқитувчи бирор корхона, ташкилот, фирмалар билан шартнома тузилиши лозим. Янги ўқув йилига тайёргарлик ҳам, ўқув хонасини таъмирлаш ҳам ўқитувчи зиммасига тушади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуидагича олиб борилади: Ўқитувчи навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўришда тақвим-мавзу (календар-тематик) режа тузади. Уни бир йилга, ярим йилга тузади. Тақвим-мавзу режани тузишда бутун ўқув материали машғулотларга тақсимланади. Дарс типлари орасидаги боғланиш таълим методлари, кўргазма қуроллар, тарқатма манбалар аниқланади. Бундай мавзулар бўйича дарслар тўплами белгиланади.

Дарс тўпламини ташкил этишда қуидагиларга амал килинади:

- мавзуни ўқув фанидаги ўрни.
- назарияни амалиёт билан боғликлigi.
- ўқувчиларни янги мавзуни ўзлаштиришдаги тайёргарлиги.
- ўқувчиларнинг ижодий ишларини имкониятлари.
- мавзуни ўрганиш натижалари.

Ўқитувчи ҳар бир машғулотга қуидагича тайёрланади:

I. Ташкилий тайёрланиш.

II. Методик тайёрланиш.

I. Ташкилий тайёрланишда - ўқитувчи хонани, керакли асбоб-ускуналарни, дарсликларни. ўқув кўлланмаларни, кўргазма қуролларни, тайёр намуналарни тайёрлаши тушунилади.

Ташкилий ишни бажаришда ўқитувчи мана шу жихоз ва шу шароитда ўзи бажариб кўриши керак. Бу билан ўқитувчи:

- ўқувчига шахсий наъмуна бўлиб, обрўси ошади.
- ўқитувчи тайёрлаган намуна ўқувчига таққослаш манбаи бўлади.
- ўқувчи ишни бажаришда қандай кийинчиликларга дуч келишини ва қандай хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур қилади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ва керакли иш жихозлари билан таъминланганлигига эришиши зарур. Кўрсатмали қуроллар тайёрлаш, тарқатма манбаларини тайёрлаш ҳам ўқитувчининг вазифасига киради. Ўқитувчининг вазифаси машғулот режаси канчалик тўлик бўлса, дарс ўтишда ўқитувчига шунчалик кўп ёрдам бўлади.

Дарсга тайёрланишда яна ўкув адабиётлар устига ишлаш, методик адабиётлар ва кўлланмаларни қараб чиқиш керак. Бундан ташқари навбатдаги дарсга тайёрланишда ўқитувчи очиқ дарслар, кўргазмали дарсларда қатнашган натижаларни ўрганиб чиқиш керак. Кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш учун ҳам жиддий эътибор талаб қилинади. Ўқитувчи дарсга тайёрланишда аввалги гурух ёки аввалдаги йиллардаги шу мавзуни бажаришда йўл қўйилган камчиликларни сабабини ҳам аниқлайди.

II. Методик тайёрланишда ўқитувчининг тайёрланиши дарс режасини тузиш билан тугалланади. Дарс режаси канчалик тўла, батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради.

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифалари.
2. Мехнат объекти.
3. Дарс жиҳози.
4. Дарснинг бориши.

Дарсга 5 ҳил мақсад қўйилади:

- а) таълимий
- б) тарбиявий
- в) ривожлантирувчи.
- г) ижодий
- д) амалий.

Республикамиз хукумати томонидан таълим соҳасига қўйилган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида таълим-тарбияда қўзда тутилган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юкланди. Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи қўп жиҳатдан ўқитувчига, уиинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига ёш авлодни ўқитиш ва тайёрлаш ишларига бўлган муносабатига боғлиқ. Ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи, мулоҳазали бўлишига эътибор берилмоқда. Ўқитувчи шарафли, лекин мураккаб касбdir.

Ўкув жараёнида ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнайди. Меҳнат таълимида вақтнинг асосий 80%ини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларида ўқитувчининг роли катта, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса меҳнат таълими ўқитувчисининг кенг билимдонлиги, пухта амалий тайёргарлиги, юксак педагогик махорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларидағи меҳнат таълими ўқитувчилари:

1. Юксак ахлокий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбкор тайёргарлигига эга бўлган қобиリアятли ижодкор кишилар бўлиши;
2. Миллий маданият ва қадрияларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши;
3. Юқори методик, психологияк тайёргарликка эга бўлиши;
4. Эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, одобли бўлмоғи керак.

Конституция кунига бағишиланган тантанали йиғилишда И.А.Каримов шундай деди: "Тарбиячи устоз бўлиш учун бошқаларнинг акл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд килиш, хақиқий ватанпарвар фуқаро қилиб етиштириш керак. Бу унинг зиммасига

жуда катта маъсулият юклайди. Қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг иззатли ва энг мўътабар инсонлар саналганлар. Шундай экан бутунги кун сиёсатимизда ота-боболаримизнинг ана шу олийжаноб анъаналарига содик қолиб ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга дахлдор инсонларга биринчи навбатда қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир". Ўқитувчи ҳам ўз навбатида буидай эътиборга жавоб бериш керак. Тегишли маълумот, касб тайёргарлиги бор ва юксак аҳлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга (Таълим тўғрисидаги конун).

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг фанини, хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- Сиёсий, ғоявий, онгли бўлиши керак, яъни давр ўзгариши қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар, конунларни ўзи тушуна оладиган, эркин фикр юрита оладиган ва ўқувчиларга ҳам етказа оладиган бўлиши керак.
- Ўқитувчи юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни фан дастурига киритилган ҳамма бўлимларни яхши билиши, юқори малакага эга бўлиши, керак.
- Юқори педагогик, психологияк тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни ўқитувчи мавзу танлаш, ўқув мазмунини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, уларни аввалги олган билимларини ҳисобга олиб танлаши керак.
- Ўз касбига муҳаббат ўзбекистоннинг мустакил давлат сифатида тараққий этишига ишонган ўқувчиларни, ўзининг ватанини севган ҳар бир ўқувчини улғайиб бирор касб эгаллашга, камол топишга кўмаклашадиган бўлиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши керак. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Ҳар бир ўқитувчи бунга қобилияти бўлиши керак. Қобилият фаолият жараённада пайдо бўлади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қиласи. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланади. Қобилият эса истеъдод, зехн, яъни инсон асаб тизимидағи анатомик, физиологик хусусият бўлиши зарур. Ўқитувчининг қобилияти ҳар хил бўлиб, педагогик фаолиятни самарали бўлишини таъминлайди.

1. Билиш қобилияти-ўзининг фани соҳаларига оид қобилиятдир. Бунда ўқитувчи ўқув курси хажмини тор маънода эмас, балки кенг, чуқурроқ билиши зарур бўлади.

2. Тушунтира олиш қобилияти-ўқув материалини ўқувчиларга етказа олиши (садда, тушунарли бўлиш хусусиятларини эътиборга олиш).

3. Кузатувчанлик қобилияти-ўқувчининг ички дунёсини, бугунги ҳолатини, вақтинчалик руҳий ҳолатини аниқлаш фаолиятидир.

4. Нутқ қобилияти-нутқ ёрдамида ўз фикрларини ифодалаш қобилиядир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчига қаратилган, фикрини аниқ ифодалай оладиган, содда тушунарли, жонли, талафузлари аниқ бўлиши керак (бир меъёрдаги ёки баланд товушлар асабни бузади).

5. Талабчанлик қобилияти (ташкилотчилик)-ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш фаолияти тушунилади.

6. Обрў орттириш қобилияти-ўқитувчи ўзини фанини яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги, талабчанлиги, хаққонийлиги, қўполлик қилмаслиги, ўқувчи шахсига тегмаслиги обрў орттириш демақдир.

7. Туғри муомила қила олиш қобилияти-болаларга яқинлаша олиши, болаларни бола эканлигини ҳисобга олиш фаолиятидир. Бу қобилиятлардан ташқари ўқитувчи узоқ келажакни кўра олиши, меҳнатсеварлик, камтарлик, масъулиятилик, катъийлик, адолатлилик, эътиқодлилик каби сифатларга эга бўлиши керак.

Қўйидагилар меҳнат ўқитувчисига хос бўлиши лозим.

Дарс жараёнига мукаммал тайёргарлик кўриш лозим, ўқувчи ҳар кунги дарсга қизиқиши назари билан қарайди, доим муаллимини кутган, сабоқларига интиқ бўлади. Шуни назарда тутган ҳолда ҳар бир дарсга янгича ёндашиш, нимадир янги бир талқинда олиб чиқиш, ўқитувчи фаолиятини асосий мезонларидан бири бўлиши лозим. Синфхона

доскасидаги бўрдан тортиб, столингиз устидаги дафтарлар, дарс жиҳозларигача ҳаммаси ўз ўрнида бўлиши ўқувчига хушнудлик беради, кайфиятини кўтаради.

Ўқувчиларга яхши муносабатда бўлиш лозим. Сермазмун иш учун синфхонада аъло мухит яратиш ўзининг ижобий самарасини беради. Ўқувчиларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда суҳбатни об-ҳаво, оила ҳақидаги мавзулардан бошлаган маъКўл. Негаки, бу масала ҳар бир ўқувчи учун яқин ва азиз. Бу босқични тўғри ташкил этиш, ҳар бир ўқувчида ўқитувчининг муносабатидан мамнунлик, самимийлик ва ишонч туйғулари уйғотиш зарур. Ўз-ўзидан бу ҳолат дарсхонадаги ижодий мухитни яратишга ҳам замин ҳозирлайди.

Дарс мақсадининг аниқ белгиланиши ҳам ўқув жараёнининг мухим талабларидан биридир. Ҳар қандай машқни амалиётга тадбиқ этаётганда мақсадни аниқ қўйиш ва шунга кўра ўқувчиларга топшириқ бериш лозим. Белгиланган аниқ мақсадга эришиш учун қилинган хатти-харакатни амалга ошириш ўқувчилар учун ҳам Кўладир. Кўргазмаликка эътибор бериш таълим жараёнининг мухим жиҳатларидан биридир. Зеро ўқувчилар ҳар бир мавзу бўйича берилган ахборот ва хulosаларни нафақат эшлиши, балки кўриш орқали ҳам қабул қилиб, кўпроқ нарсани эслаб қолиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчиларга ўзингизнинг ҳаракатингизни тушунтиринг. Негаки, ўқувчи учун аниқлик мухим саналади. Ўқитувчининг асосий вазифаси келишилган мавзу ва мақсадга эришиш ҳамда мухокама қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда ишни тўғри ташкил қилишдир. Ана шундан кейингина мавзунинг мухокамасига ўтилади.

Дарс жараёнида ўқувчилар ўртасида бетараф бўлинг. Чунки таълим жараёнида ҳар доим ўқитувчининг ўзига, тенгдошларига бўлган муносабатини таҳлил қиласди. Шундай ҳолатларда ўқитувчининг ҳолислигига ишонтириш, ўқувчи учун энг яқин одамга айланиш кўзланган катта мэрсаларни забт этишига ёрдам беради.

Ўқувчиларни саволлар бериш орқали мақсадга томон олиб боринг. Ўқувчиларнинг дарсга, мавзуга бўлган муносабатини аниқлаштиринг, уларнинг эркин фикрлашларини таъминлашда мустақил фикрлашнинг ўрни мухим саналади. Ёпиқ саволлар беришдан чекланиб, ўқувчиларга очик саволлар бериш уларнинг мустақил фикр юритишиларини таъминлашга, ўз фаолиятларига, дарс жараёнига бўлган муносабатларининг шаклланишига олиб келади.

Дарс давомида мавзудан чекка чиқмаслик-сабоқ жараёни вақтдан унумли фойдаланишнинг маълум маънодаги бир қоидаси ҳисобланаб ўқувчилар аниқ ва лўнда гапиришни айнан мана шу ҳолатлардан ўзлаштириб оладилар. Кераксиз сўзланган маърузалар ўқувчини толиктиради. Дарсдан зерикишга сабаб бўлади.

Дарс жараёнида аниқ келишув ва битимларга амал қилиб ўқувчи фаолигини ошириш орқали самарадорликни таъминлашга ҳаракат қилинг. Дарс аввалида ўқувчилар билан биргалиқда тузиб олган қоидаларга қатъий амал қилинг. Шунингдек, ўқувчига аниқ маълумотларни бериш, кўргазмали қуроллар орқали ўқувчиларга кичик бўлсада аниқ ахборотларни етказишга одатланиши зарур.

Ҳар бир дарсни ижобий тугалланг. Ўқувчилар дарсдан кўтарингки руҳда, берилган вазифаларни албатта, бажариш нияти билан кетсинлар. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчи учун яхши хис-туйғулар билан якунланган дарс албатта, ижобий тугалланган ҳисобланади. Бундай ҳолатларнинг тўғри ташкил этилиши оқибатида энг паст ўзлаштирувчи ўқувчи ҳам олдиаги мураккаб вазифани ҳам бажаришга интилади. Унга хушнудлик бағишилаган дарсни соғиниб келади. Ўқитувчига талпинади.

Юқоридагиларга амал қилиш дарс жараёнини мазмунан бойитади, яратилган ижодий мухитда муносабатлар шаклланади. Бундан ташқари ўқитувчида қуидагилар мужассамлашган бўлиши зарур:

1.Андишалилик.

Ўқитувчининг этнопсихологик хусусияти сифатида андишалилик етакчи роль ўйнайди ва педагогик фаолиятнинг маҳсулдорлиги, унинг таъсирчанлиги мезони бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг андишалилиги бир қанча ҳолатларда ва инвариант кўринишларда ифодаланиши мумкин.

2. Бағрикенглик.

Хулқ одоб күренишлари нохуш кечинмалар, зиддиятли ҳолатлар оқибатларини руҳий дунёсидан чиқарып ташлаш, кек сақламаслик, сезиб сезмаганга олиш зарур.

3. Дилкашлик.

Хеч бир касб әгасида жамият, давлат ривожи ва ижтимоий тараққиёт муаммосини юксак даражада талқин имконияти, масулияти ўқитувчидагидек тұлақонли акс этмайди. Шунинг учун ҳамма жойда бўладиган воқейлик ўқитувчини бефарқ қолдирмайди. Ҳар бир воқейликни моҳиятини блишга интилади.

4. Самимилик.

Ўқитувчининг мактабда, турар жойда юзага келадиган ижодий, тараққиёт парвар воқеаларга ва ҳодисаларга нисбатан илк муносабатини ундаги самимилик ифодалайди.

5. Ибрат-наъмуниавийлик.

Ўқитувчи ўзининг ташқи күрениши, кийиниши, хулқ-одоб маданияти, нутқ қобилияти, муомила мароми, ақл заковати, дунёқараши, характер хусусиятлари билан жамият ўртасида обрў-эътиборга сазовор ва улар орасида бекарор ишонч қозонган

6. Саҳоватлилик.

Ўқитувчи ўзининг ушбу хусусияти билан бошқа касбдаги инсонлардан фарқланиб туради. У ўқувчиларга билим беришдан ташқари уларни зарур бўлган умумбашарий маънавият ва қадриятлар билан қуроллантиради.

7. Педагогик одоблилий.

Ҳар қандай мутахассис одоб-аҳлоқ наъмуналарига эга бўлиши табиий, лекин педагогик одоблилик мутлақо ўзгачадир.

8. Маънавий юксаклилик.

Ўқитувчининг касбий маҳоратидан ташқари, унинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий билимларга эга бўлиш зарурияти, эҳтиёжи, имконияти алоҳида аҳамият касб этади. Оммовий ахборотлардан хабардорлик унинг маънавий даражасини ўлчаш учун рейтинг вазифасини бажаради.

9. Касбга садоқатлилик.

Ўқитувчининг моддий таъминланганлик даражаси ҳеч қачон юксак бўлмаган, тасодифан мазкур соҳа кўрсатгичи юксак коэффицентга эришилганда ҳам ижтимоий эҳтиёжни таъминлашга йўналтирилган. Шунга қарамай касбга садоқатлилик катта иш стажига эга бўлганлиги билан белгиланади.

10. Нутқий қобилиятылий.

Ўқитувчи ўзининг нутқий қобилияти билан бошқа касб эгаларидан фарқланади. Унинг нутқий қобилияти алоқа қуроли ҳисобланади.

11. Ташкилотчилик.

Ўқитувчи ўзининг ташкилотчилик хусусияти билан бошқа зиёлилардан ажралиб туради.

18-Мавзу: Ўқув устахонасини ташкил этиш ва жихозлаш Режа

1. Мехнатни илмий ташкил этиш:

2. Ўқитувчининг иш ўрни; ўқувчининг иш ўрни; асбоб-ускуна ва мосламалар; санитария-гигиена ва техника хавфсизлиги талаблари

Таянч сўз ва иборалар: технологик жараён, технологик операция

Мехнатни илмий асосда ташкил этиш, ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим – тарбия ишларида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан оз вақт, куч ва маблағ сарфланган ҳолда энг юқори натижаларни қўлга киритиш учун таълим жараёнига тадбиқ қилинадиган ва илмий жихатдан асосланган ташкилий методик тадбирлар мажмуасидир.

Мехнатни илмий асосда ташкил этишини ўқув устахоналаридаги машғулотларга тадбиқ қилинганда қуйидагиларни бажариш назарда тутилади: санитария – гигиена, ёнфинга қарши жихозлар, ўқув ишлари талабларига тўла жавоб берадиган ўқув устахоналарини ташкил этиш.

Ўкув устахоналаридаги асбоб – ускуналар шундай тартибда ва ўқитувчининг иш ўрнидан шундай узоқликда жойлашиши керакки, ўқувчиларнинг иш вақтида ўз гавдаларини тўғри тутушлари ва меҳнат харакатларини Кўлай ва тўсиқсиз кузатиш учун шарт - шароит яратилиши, ўқитувчининг сўзлари ва ўқувчилар жавоблари яхши эшитилиши лозим. Устахонадаги дастгохларнинг миқдори камроқ бўлиши, лекин шу билан бирга ўқувчиларнинг меҳнат таълими дастурида мавзуга ажратилган вақт хажмида тўхтовсиз ишланини таъминлаши зарур.

Барча режалаштирувчи хужжатлар аниқ ишлаб чиқилиши, дастурга тўла мос бўлиши, танлаб олинган иш турлари муайян мураккаблигига қараб жойлаштирилиши, уларни ўқувчилар тайёрлаши учун асосланган вақт нормаси бўлиши керак.

Ўкув устахоналаридаги машғулотлар вақтида ўқитувчи дарслар орасида ўқувчиларга танаффус бериши, бу вақтда ўқувчиларга устахонани яхшилаб шамоллатиш, меҳнат фаолиятини давом эттириш учун нормал шароитни тиклаш, ўзлари эса бу вақтда дам олиш учун устахонадан чиқиб туришларини таклиф этади. Ўкув устахонасидаги асбоб – ускуналарни яхши сақлаш учун, ҳар бир ўқувчига 1 тадан бириктириб кўйилади. Ўкувчи ўзига бириктирилган асбоб – ускуна ёки жихозни яхши сақланиши учун ўқитувчи ва синф жамоаси олдида жавоб беради. Яхши ташкил этилган ўкув устахонаси навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўриш учун кўп вақт талаб қилмайди. Меҳнат таълими ўқитувчиси учун бу жуда мухим. Шу сабабли меҳнатни илмий асосда ташкил этиш нуқтаи – назардан ўкув устахоналаридаги машғулотларни тўғри ташкил этилиши, ўқитувчи учун вақтни тежашка имкон беради.

Ўкув устахоналари ўқувчиларга меҳнат харакатлари, операцияларини бажариш вазифаларини, ишни бажариш усусларини, сифатли ўрганиш учун маҳсус шароит яратиш мақсадида ташкил этилади.

Ўкув устахонасини жихозланиши шартли равишда З қисмга бўлинади: ўқувчиларнинг иш ўрни, ўқитувчининг иш ўрни ва фойдаланиладиган ускуналар.

Иш ўрни деганда – устахонанинг 1 ўқувчи томонидан ўкув – ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун зарур бўлган, асбоб – ускуналар ва мосламалар мақсадга мувофиқ майдонча тушунилади. Иш ўрнининг ўқувчи иш вақтида ўз гавдасини анча Кўлай тутиб турадиган, ортиқча харакатлар қилмайдиган даражада ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, тискилар ва мосламалар ўқувчининг бўйига қараб тўғри баландликда ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу талабларнинг бузилиши иш натижаларини камайишига, меҳнат малакаларини суст таркиб топишига, баъзан эса касалликларини пайдо бўлишига олиб келади.

Ўқувчининг иш ўрни – ўкув дастури талабларига мувофиқ зарур ускуналар, асбоблар, мосламалар билан таъминланади. Ўқувчиларнинг иш ўринларига қуидаги талаблар кўйилади:

- асбоб – ускуналарни техник жихатдан соз бўлиши, ишнинг хавфсизлигини таъминловчи воситаларнинг мавжудлиги;
- иш ўрнини яхши ёритилган бўлиши, иш пайтида ўқувчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари ва энг унумли ҳаракат қилишилари учун шароит яратилиши; зарур холларда ўтириб ишлаш учун Кўлайлик яратилиши;
- асбоб – ускуналарга жорий хизмат кўрсатиш уларни тозалаш ва йиғишириш учун Кўлайлик бўлиши лозим.

Ўқитувчи иш ўрни – оқилона жихозланиши ва ташкил этилиши ўкув устахонасида ўқувчиларга меҳнат таълими беришда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчининг иш ўрни қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

- наъмунали жихозларни, сарамжон-саришта, бўлиши ўқувчиларга тарбиявий таъсири катта бўлиб улар учун ўрнакдир;
- ишларни бажариш учун меҳнат харакатлари ва усусларини кўрсатиш учун нормал шароит яратилиши, ёруғлик яхши бўлиши лозим;
- барча асбоб – ускуналар кўл етадиган жойда бўлиши;

- таълим мазмунининг такомиллаштирилиши, дидактик материалларни янгилаб бориш;
 - ўқитувчи иш ўрнида ускуналар ўрнатиладиган супача бўлиши;
 - иш столи ва стули, синф доскаси;
 - ишларни бажаришнинг меҳнат харакатлари ва усулларини намойиш қилиш учун мослама;
- Ўқитувчи иш ўрнини қўшимча жихозлаш учун керакли ускуналар тўплами унинг тажрибасига, ишга ижодий ёндашишни, идрокига, шунингдек тегишли ускуналарни сотиб олиш ва тайёрлаш имкониятларига боғлиқ. Ўқитувчининг иш ўрнини дидактик воситалар билан таъминлаш алохida ахамиятга эга. Устахона ўрганиладиган ўкув дастурининг ҳар бир мавзуси уни ўқувчилар тўла ва сифатли ўрганилишини таъминлайдиган воситалар билан жихозланиши лозим.

19-Мавзу: Меҳнат таълимида баҳолаш мезонлари

Режа

1. Меҳнат таълимида баҳолаш мезонлари.
2. Меҳнат таълими дарслари жараёнида ўқувчиларни билим, малака ва қўникмаларини баҳолаш мезони.
3. Баҳолашнинг объективлиги ва дифференциаллиги.
4. Меҳнат таълими дарсларида баҳо турлари. (амалий, назарий).
5. Баҳолашда ҳисобга олинадиган омиллар.
6. Рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Таянч сўз ва иборалар: баҳолаш, ўзлаштириш.

Ўқувчилар билим, қўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолаш катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар билимини баҳолаш меҳнат таълимининг барча босқичларида амалга оширилади. Ўқувчилар билимини баҳолаш фронтал ва якка тарзда ўтказилинади. Тайёр буюмни баҳолашда эса фронтал усулдан фойдаланилада. Ўқувчилар билимини, қўникма ва малакаларини текшириш оғзаки, ёзма ва амалий тарзда олиб борилади. Ўқувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларини баҳолашда куйидаги талабларни бажарилиши лозим:

- Назарий билимларни амалда кўллай билиш
- Асбоб-ускуналар, мосламалар ва бошқа жиҳозларни билиши ишлата олиши
- Иш жараёнида техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларини бажариши
- Ажратилган вақт нормасида буюмни бажариши
- Меҳнат методларини эгаллай билиши
- График хужжатлардан фойдалана олиши
- Иш жойини тўғри ташкил қила билиши
- Материалларни танлай билиши
- Асбоб-ускуналарга бўлган муносабати
- Мустақил ишлай билиши ва ижодий изланиши
- Буюмни тайёрлаш сифати
- Технологик талабларни тўғри бажа олиши

Юқоридаги талаблар асосида 5 баллик система ёки рейтинг тизими асосида ўқувчиларни баҳолаш лозим. Ўқувчилар ўзлаштиришини ҳисобга олиш рейтинг тизимидағи мезонлар асосида олиб борилади.

Меҳнат таълими бўйича ўзлаштиришни ҳисобга олиш ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг илмий – техниковий билимлари ва меҳнат қўникмалари ҳамда малакалари даражасини текшириш ва баҳолашдан иборат.

Меҳнат таълим мининг ҳамма босқичларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вактида меҳнат усулларини эгаллаш ва мустақил меҳнат топшириқларини ва ўз вазифаларини бажариш вақтида ўқувчиларнинг меҳнатга оид билимлари, қўникма ва малакалари текширилади ва уларга баҳо қўйилади. Баҳо қўйишда оқилона йўл тутилиб, методик жиҳатдан тўғри ёндашилганда у ўқувчининг қизиқиши ва

ўқишига бўлган хохишини рағбатлантириш ва аксинча натўғри қўйилган баҳо ўкувчининг ўқишига салбий таъсир этиши мумкин. Мехнат таълимида қўйидаги баҳо мезонлари ишлаб чиқилган.

Ўкув материалини бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, хисоб – китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини бажариш вақтида олинган илмий – техникавий билимларни мустақил, дадил ва тўғри тақбиқ этиш, меҳнат усулларни тўғри бажариш (меҳнат ва хунар таълим дастурининг талабалари доираси), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақтида нормаси доирасида бажариш “5” баҳо (86-100 балл) билан баҳоланади.

Бутун ўкув материалларининг билиши ва тушуниши уни оғзаки ва ёзма равишда тўғри баён этиши, олинган билимлардан ўкув – меҳнат топшириқларини бажаришда фойдалана билиши, барча иш услубларини сифат кўрсаткичларида белгиланган доирада тўғри бажариши, бунда меҳнатни ташкил этишда камчиликка йўл қўймай, белгиланган вақт нормасига мувофик ўз вақтида бажарганлиги учун “4” баҳо (71-85 балл) қўйилади.

Меҳнат таълими дастуридаги асосий материални кейинги вазифаларни бажаришга имкон берадиган хажмда билиши ва тушуниши, ўкув материалини бир – мунча хато ва качиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, олинган билимлардан амалий топшириқларни бажариш жараёнида суст фойдаланиши, меҳнат усулларини етарли даражада эгалламаганлиги, меҳнатни ташкил этишда бироз камчилик бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини 75% ни бажарганлиги учун “3 баҳо”(55-70 балл) қўйилади.

Дастур материалининг кўп қисмини яхши тушунмаслик, уни қўйпол хатолар билан баён қилиш, олинган билимларни анча хатоликларга йўл қўйиб тадбиқ этиш, меҳнат операцияларини кўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаганлиги учун “2 баҳо”(55 баллдан паст) қўйилади.

Ўкувчини билим кўнкима ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолаш катта таълими ва тарбиявий ахамиятга эга. Билим ва меҳнат кўнкималарини текшириш ва баҳолаш меҳнат таълимининг барча босқичларида: ўтилган материални такрорлаш ва янгисини мустахкамлашда, меҳнат усулларини эгаллашда ва меҳнат топшириқларини мустақил бажаришда, уй вазифасини бажаришда амалга оширилади. Билим, кўнкима ва малакаларни текшириш ва баҳолаш 2 хил – фронтал ва якка тарзда ўтказилади. Меҳнат таълими дарсларида якка текшириш ва баҳолаш учун Кўлай шароит вужудга келади, чунки ўкувчиларнинг 1 тасидан сўраш бошқа ўкувчиларни ишдан чалғитмайди. Тайёр буюмни баҳолашда фронтал усулдан фойдаланилади.

Билим, кўнкима ва малакаларни баҳолаш оғзаки, ёзма ва амалий бўлиши мумкин.

- Оғзаки баҳолаш – ўкувчилар билимини савияси, пухталиги ва онглилигини аниқлаш имконини беради.

- Ёзма баҳолаш – ўкувчилар билимини ёзма иш орқали амалга оширилади.

- Амалий баҳолаш – ижтимоий, фойдали буюмларни тайёрлашдан иборат бўлади.

Ўкувчилар билими, кўнкима ва малакаларини баҳолаш жараёни қўйидаги дидактик масалаларни хал қилишга йўналтирилган:

- Билим, кўнкима ва малакалар сифатини аниқлаш;

- Ўкувчиларни ўкув фаолиятларини рағбатлантириш;

- Ўкув жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишдаги нухсонларни аниқлашда ёрдам бериш;

- Ўз – ўзини назорат қилиш малакаларини таркиб топтириш;

Ўкувчиларнинг билими, малака ва кўнкималарини баҳолашда қўйидаги талабларни бажарилиши лозим:

- Назарий билимларни амалий иш жараёнида қўллай билиши;

- Асбоблар, мосламалар ва жихозларни билиши ва уларни ишлата олиши;

- Амалий иш жараёнида техника хавфсизлиги ва санитарина – гигиена талабларини бажара олиши;
- Ажаратилган вақт нормасида буюмни бажара олиши;
- Иш жойини түғри ташкил эта билиши;
- Материалларни танлай билиши, асбоб –ускуналарга яхши муносабатда бўлиши;
- Буюмни тайёрлаш сифати.

Ўқувчилар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад ўқувчиларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга ижобий ёндашиш, мустақил фикрлаш ва шу тариқа рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришишдир. Ушбу тизим қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- ўқувчилар ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат қилиш;
- ўқувчилар билимини адолатли баҳолаш;
- ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Рейтинг тизими бўйича қуйидаги турлар амалга оширилади:

1. жорий баҳолаш (ЖБ)
2. оралик баҳолаш (ОБ)
3. якуний баҳолаш (ЯБ)

Жорий баҳолаш – фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича (ҳар бир амалий ишда) ўқувчилар билими баҳоланади;

Оралик баҳолаш - фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлимлар бўйича назарий машғулотлар ўтилгандан сўнг ўқувчиларнинг билимлари, муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

Якуний баҳолаш – фан ўтиб бўлингандан сўнг ўқувчилар билими, малакаси ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида ўтказилинади.

Ўқувчи билимини баҳолаш тартиби: ҳар бир чоракда ўқувчи тўплаган балл 55 % дан юқори бўлса ўзлаштиради, кам бўлса ўзлаштира олмайди. Чорак давомида ўқувчи рейтинг низоми бўйича 86-100 балл тўпласа аъло баҳога, 71-86 балл тўпласа яхши баҳога, 55-70 балл тўпласа ўртача баҳога ўзлаштирган бўлади. Агар ўқувчи 55 балдан кам тўпласа қониқарсиз баҳо билан баҳоланади.



Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш турлари ва уларнинг афзалик ҳамда камчиликлари.

Баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида, ўқув мақсадларига эришганлик даражасини олдиндан белгилаб қўйилган мезонлар асосида белгилаш, ўлчаш, таҳлил қилиш жараёнидир.

баллик баҳолаш

Афзалиги

- таълим оловчи рағбатлантирилади;
- таълим оловчининг фаолиятини тезкор назорат қилиш имкониятини беради;
- таълим берувчи вақти тежалади;
- таълим оловчининг якуний билими баҳоларнинг сонига қараб эмас, сифатига қараб баҳоланади;
- баҳолаш Кўлай бўлади;
- расмийлаштириш хужжатлари кам бўлади.

Камчилиги

- баҳолашнинг нисбийлиги;
- ёзма нутқда хатоларни тўғрилаш имкониятининг камайиши;
- баҳолашнинг субъективлиги.

Баҳолашнинг рейтинг тизими

Афзалиги

- хаққоний баҳоланиши;
- ёзма нутқнинг ўсиши;
- ёзма нутқда хато ва камчиликларини - баҳолаш усуулларига қараб аниқлаш имкониятларининг мавжудлиги; таълим оловчи оғзаки нутқнинг пасайиши
- таълим оловчининг билимга бўлган иштиёқининг сезиларли даражада; ошиши;
- таълим оловчининг мунтазам шуғулланишига ундаши

Камчилиги

- таълим берувчи таълим оловчи билан ишланганда кўп вақт сарф қиласди;
- балларни ҳисоблаш кўп вақтни талаб қилувчи мураккаб жараёнлиги;
- ажратилган вақтнинг етарли эмаслиги;
- таълим оловчининг баҳолаш назоратининг мураккаблиги ва ноҚўлайлиги

Меъёрий (нормага асосланган) баҳолаш

Афзалиги

- ўқитувчи ортиқча вақт сарфланмайди;
- турли шарт – шароитга осон мослаштириш мумкин;
- баҳо бўйича кўрсаткичлар умумий тарзда олинади;
- муайян баҳоланувчилар гурухи ичida уларни ўзлаштириш имконини
- баҳолаш натижасида гурух ичидан маълум қисмини ажратиб олиш имконини беради.

Камчилиги

- баҳолашда билим билан хулқни баҳолаш аралаштириб юборилади;
- баъзан хулқни баҳолаш билимни баҳолашни чеклаб қўяди;
- баҳолар ўқитувчи томонидан субъектив белгиланиши мумкин;
- таълим оловчига нисбатан симпатия ҳам баҳони юқори қўйиб юборишга олиб келади;
- билимларни объектив ва ҳаққоний баҳолашнинг пасайишига имконият яратади.

20-Мавзу: Ўзлаштиришни ҳисобга олиш турлари

Режа

1. Ўзлаштиришни ҳисобга олиш турлари.

2. Ўзлаштиришни система усулида ҳисобга олишга қўйиладиган умумий талаблар; жорий, даврий, якуний ҳисобга олиш турлари.

3. Мехнат таълими мазмунининг мажбурий минимумлари.

Таянч сўз иборалар: Ўзлаштириш, жорий, даврий, якуний, мажбурий менумим.

Мехнат таълими бўйича ўзлаштиришни ҳисобга олиш ўқувчиларни меҳнат фаолияти жараёнида уларни билимлари, меҳнат кўникмалари ва малакалари даражасини текшириш ва баҳолашдан иборатdir. Меҳнат таълимининг хамма боскичларида ўқувчиларни ўзлаштиришини аниқлаш, яъни материални мустаҳкамлаш меҳнат топшириқларини, график ишларни уй вазифаларини бажариш вақтида ўқувчиларни меҳнат таълимига оид билимлари ҳамда кўникма ва малакалари текширилади ва баҳо қўйилади.

Ўқувчиларни ўқув – меҳнат фаолиятини мунтазам текшириб бориш ва баҳо қўйиш уларни берилган топшириқлари ўз вақтида ва пухта бажаришларини таъминлайди, билимларни, кўникма малакаларни астойдил эгаллашга ундейди.

Ўқув меҳнат фаолиятни текшириш ва унга баҳо қўйиш жараёнида меҳнат ўқитувчи, ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларида мавжуд бўлган камчиликларни сабабини аниқлайди ва уларни тузатиш йўлларини кўрсатиб беради.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчи, ўзининг педагогик фаолияти натижаларини ҳам баҳолашига яъни ўқувчи ўқув материалини қанчалик тушунарли қилиб баён қилаолиши ва меҳнат усусларини кўрсатиши, меҳнат таълимининг ташкилий формалари методларидан ҳам кўрсатмали кўлланмалардан самарали фойдаланишга, мустақил ишларни ташкил этиш уларни бажарилишига раҳбарлик қила олишга баҳо бериш имконини беради. Ўзлаштириш тўғрисида олинган маълумот ўқитувчига, ўқувчиларнинг билиш ва амалий фаолиятига самарали раҳбарлик қилиши имконини туғдиради. Ўқувчиларнинг билимларини, меҳнат кўникма ва малакаларини ҳар қандай текшириш асосида баҳо қўйиш (рағбатлантириш) ётади. Ўзлаштиришни система усулида ҳисобга олишда қуидаги талаблар қўйилади:

Жорий ҳисобга олиш- ўзлаштиришни ҳисобга олишни бу тури кундалик машғулотлар жараёнида амалга оширилади ва ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини текширишнинг энг муҳим усули. Жорий ҳисобга олишда ҳар бир ўқувчи учун баҳоларнинг тўпланишига эътибор бермоқ зарур. Тўпланган баҳоларга қараб ўқувчини ўзлаштиришини текшириш тўғрисида хulosча чиқариш мумкин. Агар якунловчи босқичда ўқувчи хатога йўл қўйб, ишини брак қилса, ўқувчига қониқарсиз баҳо қўйилади. Бу эса тўғри эмас, чунки у бошқа операцияларни тўғри бажарган. Меҳнат таълимида баҳолашда ҳар томонлама ёндошмоқ зарур. Ўқувчи ўзига қўйилган баҳони билиши керак.

Даврий ҳисобга олиш – ўқувчиларнинг билимларини, кўникма ва малакаларини текшириш формаларидан бири, уларни ўзлаштиришини ҳар чоракда, ярим йилда ва йилликда ҳисобга олишdir.

Чорак учун қўйилган баҳо жорий баҳолашнинг ўртача арифметик миқдоридан иборат бўлмаслиги керак. Баҳолар бир хил бўлмаганда чорак баҳоси энг кўпига мувофиқ равишда қўйилиши лозим.

Якуний ҳисобга олиш – ўзлаштиришни ҳисобга олишни бу тури, ўқув йилининг охирида синов тариқасидаги амалий ишларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Чорак баҳолари ва синов тариқасидаги амалий ишларни бажарганилиги учун олган баҳоси асосида уларга йиллик баҳо қўйилади. Шундай қилиб ўқувчиларнинг меҳнат таълими бўйича ўзлаштиришларини тўғри ҳисобга олиш, уларнинг билимларини, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, уларнинг ўқишига бўлган маъсулиятларини кучайтиради.

“Технология ва дизайн”, “Сервис хизмат” йўналишлари бўйича ташкил қилинган таълим жараёнида ўқувчилар турли материалларнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларга **Меҳнат таълими мазмунини мажбурий минимумларига** эга бўладилар, уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши ишлаши дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар машина элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар тузиш ва ишлаш, меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари тўғрисида назарий билимларга эга бўлишлари лозим.

Ёғочга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар ёғочнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларни, уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ва электр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машина элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ҳамда фойдаланиш ҳавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўнікмаларни; дизайн талаблари даражасидаги рўзғорбоп ва харидоргир буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар; халқ хунарманчилигининг этник, тарихий, маҳаллий, географик хусусиятлари, тадбиркорлик, ижодкорлик асослари; ёғочга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Металга ишлов бериш технологияси бўлими бўйича: ўқувчилар металларнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимлар, режалаш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ҳамда электр асбобларини тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машина элементлари, янги техника, илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ҳамда фойдаланиш ҳавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида билим ва амалий кўнікмаларни; дизайн талаблари даражасидаги рўзғорбоп ва харидоргир буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллайдилар; металга ишлов беришга оид халқ хунарманчилиги соҳалари; металга ишлов беришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Электротехника ишлари бўлими бўйича: ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш; изоляциялаш ишлари; электр асбоблари; электр ўтказиш симларини монтаж қилиш ҳамда иш асбоблари билан ишлаш усуулларини ўрганиш; битта хонани ёритиш занжир схемасини тузиш; майший электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф муҳит ва инсон соғлигига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усууллари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш, иш ўрнини ташкил қилиш; кавшарлашда симлар, кавҳар флюслар турлари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш, иш асбоблари ҳамда иш усууллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усууллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлаш; Электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш асбобларини электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўнікма ва малакаларга эга бўладилар.

Үй-рўзгор буюмларини таъмирлаш бўлими бўйича: ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг локланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ҳамда кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишида иссиқликни сақлаш усууллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-хунар турлари: пол қопламалари ва мебелларнинг локланган ҳамда қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усууллари: юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерери ва жиҳозлаш дизайнни; соҳага оид юртимизда таркиб топган анаъналар ҳамда замонавий тараққиёт йўналишлари; хоналар, фан бўйича ўқув кабинетларида мебел ва қўшимча жиҳозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда эскизларини тайёрлаш; таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жиҳозлаш; шаҳар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти тизими ҳамда ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хоналарни таъмирлаш ишларининг асосий турлари;

таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хоналарни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, винтил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

“Сервис хизмати” йўналиши бўйича:

Газламага ишлов бериш технологияси бўлими бўйича: ўқувчилар газлама турлари, хусусиятлари, уларга ишлов бериш, бичиш-тикиш асосларини ўрганадилар; кийимлар турлари, аҳамияти, тикув, йигириув асбоб ускуналари ва машиналари, уларнинг турлари, тузилиши ва ишлаши билан танишадилар; газламага ишлов бериш технологияси халқ ҳунармандчилиги тармоқлари; каштачилик, дўппидўзлик, зардўзлик, куроқчилик, попопчилик, миллий ўйинчоклар тайёрлаш ва бошқа йўналишлари асосларини эгалладилар; газламага ишлов бўришга оид халқ ҳунармандчилиги соҳалари: газламага ишлов бўришга оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Пазандачилик асослари бўлими бўйича: ўқувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, ошпазлик ва қандолатчилик асослари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда таомларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари, овқатланиш меъёри ва тартиби, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, ташиб ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш йўлларини ўрганадилар; ошхоналарнинг жиҳозланиши; озиқ-овқат саноати санитария гигиена ҳамда меҳнат ҳавфсизлик техника қоидаларини; уй-рўзгор юритиш ва жиҳозлардан унумли фойдаланиш, оила жамғармаси, уни сарфлаш маданияти, озиқ-овқат енгил саноат соҳаларидағи кенг тарқалган касблар, уларнинг таснифлари ҳақидаги тушунчаларга ҳамда пазандачиликка оид касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Буюмларни таъмирлаш бўлими бўйича: Турли чокидан сўқилган буюмларни таъмирлаш. Буюмларни сақлаш ва тузатиш усууллари. Истеъмолдан чиқсан буюм ўлчамига караб, болалар кийимининг андозасини тайёрлаш ва тикиш.

Қишлоқ хўжалиги асослари бўлими бўйича: ўқувчилар қишлоқ хўжалиги соҳалари; деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари; агрономия асослари, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация асослари; фермерлик ва мулқдорлик бошқа турлари; қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик; маҳсулотлар бозори ҳақида тушунчалар; маданий экинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, ўсиши ва ривожланиши; тупроқнинг тузилиши, унумдорлиги; ерга ишлов бериш ва бунда қўлланиладиган меҳнат қуроллари машина, мосламалар ва уларнинг умумий тузилиши ҳамда ишлаш жараёнлари, уларга қўйиладиган агротехник талаблар; ўғит турлари, ўғитлаш муддати ва унда ишлатиладиган машиналар; уруғларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш; уруг ва кўчат экиш усууллари ҳамда машиналари; ғалла, дон, дуккакли, туганакли ва илдиз-мевали экинлар; сабзавот, полиз, мева, мойли, толали ва зиравор экинлар этиштиришда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва машиналар мажмуаси; ёпик жойларда (иссиқхоналарда) экин этиштиришнинг аҳамияти, истиқболи, хусусиятлари ва уларда ишлатиладиган кичик ўлчамли машиналар; этиштирилган ҳосилни йиғиб териб олиш, бирламчи ишлов бериш ва сақлашга оид билимлар ва амалий қўникмалар; чорвачилик биологияси; чорва моллари, чорвачиликда наслчилик озуқабоп экинлар; чорвачиликда санитария гигиена талаблари, зоотехника, зооветеринария чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш усууллари; қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

8-9 синф ўқувчилари учун: “Технология ва дизайн” йўналишида:

Ишлаб чиқариш асослари бўлими :

Ўқувчилар Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги; технологик жараёнлар, янги техника, илғор технологиялар; меҳнат предметига механик таъсир этиш орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар ишлаб чиқаришдаги кимёвий ва физик-технологик жараёнлар; фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболи; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришни

тайёрлашга оид технологик хужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиялари; кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари; мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; олинадиган даромат ва уни тақсимлаш қоидалари; меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; меҳнатни илмий ташкил этиш; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

Халқ ҳунармандчилиги технологияси бўлими: ўқувчилар ёғочга, металга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилиги технологиялари; ҳунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истиқболлари; ҳунармандчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, халқ ҳунармандчилигига фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар; ҳунармандчилик маҳсулотларини ташки шакли узвийлиги яхлитлиги таъминланишига кўра баҳолаш; композицион яхлитлик; халқ ҳунармандчилигига оид танланган касб-хунар турлари; халқ ҳунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларига эга бўладилар.

“Касбга йўналтириш асослари”бўлими:

Ўқувчилар касблар таснифи, касбларда меҳнат турларини тарихи; кўл меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган касблар; касб-хунар эгаллашда инсон саломатлигига қўйиладиган талаблар; Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг йўналишлари, уларнинг бир-биридан фарқини билиш. Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизими; касб танлашга доир режа тузиш; касб танлашдаги хатолар, қийинчиликларнинг асосий хусусиятлари; касб танлашда шахс қизиқиш ва мойилликлари, қобилиятларини эътиборга олиш; касб танлашда онглилик ва мустақиллик; ўз-ўзини тарбиялаш, касб танлашнинг моҳияти; касбларнинг мураккаблик омилларини таҳлил қилиш; ўзи хоҳлаган касбга яроқли эканлигини аниқлаш, ўз руҳиятидаги касбга мойилликни тарбиялаш усуллари; касб эгаллаш ва ишга жойлашишга доир шахсий режа ишлаб чиқиши бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

“Сервис хизмати” йўналишида

Ишлаб чиқариш асослари бўлими: ўқувчилар Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги; технологик жараёнлар, янги техника, илғор технологиялар; меҳнат предметига механик таъсир этиш орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар ишлаб чиқаришдаги кимёвий ва физик-технологик жараёнлар; фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболи; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиялари; кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишлари, тартиби ва стандартлари; мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; олинадиган даромат ва уни тақсимлаш қоидалари; меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; меҳнатни илмий ташкил этиш; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

“Қишлоқ хўжалиги асослари”йўналишида:

Ишлаб чиқариш асослари бўлими: Ўзбекистон халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш турлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига моддий ишлаб чиқариш асослари ва унинг таркиби, ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги. Дехқончилик ва чорвачилик соҳасидаги бозор муносабатларига асосланган фаолият турлари ва уларнинг истиқболлари. технологик жараён хақида асосий тушунча. Янги техника ва илғор технология, унинг ифодаланиши. Агротехника,

механизация, ярим автоматлар ва х.к. орқали амалга ошириладиган технологик жараёнлар. Ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган кимёвий ва физик-технологик жараёнлар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболи. Экин етиштириладиган иссиқхоналар тузилиши, уларда етиштириладиган экин турлари. Иссиқхоналарда экин етиштириш технологияси. Мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятини ривожланиши.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги. Қишлоқ хўжалик асослари йўналишида ишлаб чиқариш технологияси ва унинг моҳияти. Дехқончилик ва чорвачилик йўналишлари бўйича экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг интенсиф ва экстенсиф йўналишлари. Маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологияси. Олинадиган даромат ва уни таксимлаш қоидалари. Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари. Меҳнатни илмий ташкил этиш. Табиатни муҳофоза қилиш ва ишлаб чиқариш. Дехқончилик ва чорвачилик йўналишларига оид танланган битта касб-хунар турини тавсифлаш.

21-Мавзу: Меҳнат таълими, Касб танлашга йўллашга оид методик ишлар Режа

1. Умумий ўрта таълим тизимида меҳнат таълими фани бўйича методик хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш тизими.
2. Методик ишларни ташкил қилиш методлари, шакллари, мазмуни ва воситалари.
3. Методик ишларни бошқариш тизими.

Таянч сўз ва иборалар: методика, дастур, методист.

Меҳнат таълими ўқитувчилар билан олиб бориладиган методик ишларнинг асосий вазифаларидан бири уларнинг методик-педагогик маҳоратини оширишдир. Меҳнатга оид ишларнинг методик жихатдан тўғри йўлга қўйилиши меҳнат таълими ўқитувчиларнинг фаоллигини ва ижодий мустақиллигини ривожлантиришга, уларнинг методик маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Методик машғулотларнинг мақсади меҳнат таълими ўқитувчиларида устахонада машғулот ўтказиш ватида ҳам, дарсдан ташқари вақтларда ҳам методик-педагогик талабларнинг умумий бўлишига эришишдан иборатdir.

Методик бирлашмани ишига хафтада 1 кун ажратилади. Методик бирлашма ишида барча меҳнат ўқитувчиларининг қатнашиши мажбурийдир. Мактаб дректори меҳнат ўқитувчиларининг метод бирлашмасининг самарали ишлаши учун нормал шароит яратиб бериш керак.

Метод бирлашманинг азолари ўқув йилининг бошида мактаб директорининг буйруғи билан белгиланади ва унинг раҳбари тайинланади. Метод бирлашманинг иш режаларини тузади бирлашма йиғилишида мухокама қиласи ва мактаб директори томонидан тасдиқланади. Меҳнат бўйича методик бирлашманинг иш режаси туман метод бирлашмасининг иш режаси билан мувофиқлаштирилади, шунда масалалар тақоррланмайди. Мактаб метод бирлашмаси таълим жараёнидаги ўзгаришларни кузатиб боради ва меҳнат таълими ўқитувчиларини ўз вақтида огохлантиради. Метод бирлашмага мактаб жамоаси ишидан илғор, тажрибали ўқитувчилардан бирини методист сифатида бошлиқ қилиб белгилаб қўйилади.

Методистнинг фаолияти:

- Таълим тизими ходимларининг касбий ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларни ўрганади ва маниторингини олиб боради;
- Таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялар асосида ўқувчи- ёшларга таълим-тарбия бераётган ижодкор, ташаббускор ўқитувчи (тарбиячи)лар ҳақида ахборотлар банкини ташкил этади;
- Таълим муассасаларидағи методик ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини аниқлайди;

- Таълим жараёнида педагогларнинг дидактик ва методик эҳтиёжларини ўрганади;
- Таълим муассасалари ва педагогларнинг мониторинг натижаларини тахлил қилади. Таълим олувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш ва тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва унинг амалиётдаги ижросини таминлайди;

Методистнинг ахборот фаолияти:

- Педагогик ахборот банкини ташкил этади (меъёрий, хукукий, илмий-методик, методик ва бошқалар);
- Раҳбар ва педагогларни педагогика, психология, методикага оид янгиликлар билан танишириб боради (электрон ҳамда қоғоз шаклида);
- Таълим муассасалари ва педагогларни инновацион фаолият билан танишириб боради;
- Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим дастурлари мазмуни, янги дарсликлар, ўқув-методик тўпламлар, виодиматериаллар, тавсияномалар, меъёрий хужжатлар билан таълим муассасаси, педагогларни хабардор қилади;
- Замонавий ўқув материалларидан медиатека ва ахборот-библиографик фаолиятни ташкил этади;

Методистнинг ташкилий методик фаолияти:

- Давлат таълим стандартларини ижросини амалга оширишда методик ёрдам кўрсатади ва таълим сифатини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда бажарилишни таъминлайди;
- Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Методис – таълим тизимидағи энг сунги янгиликлар, инновациялар, илғор педагогик тажрибаларни ўқитувчиларга етказиб, улар фаолиятида учрайдиган методик эҳтиёжларини аниқлаш ва бўшлиқларни тўлдиришдек вазифаларга масъул шахс. Унинг самарали фаолияти туфайли энг яхши педагогик фоялар асосида ўқитувчилар харакати жонланади, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ҳисси янада ортади.



Қайд этиш керакки, методист ўз фаолиятини ушбу йўналишлар асосида ташкил этса, иш сифатининг ошиши, самарадорликка эришиши таъминланади. Бу жараённинг натижавийлигига тахлил, хулоса, режа, самарали фаолият асосий мезон вазифасини ўтайди.

Амалий машғулотлар

1-мавзу. “Технология ва дизайн” йўналишининг мазмуни. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим кўникма ва малакалар мажмуаси.

1.“Технология ва дизайн” йўналишининг мазмуни ва ДТС бўйича ўқувчиларни тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар. (Технология ва дизайн” йўналиши 5-9 синфлар учун)

2.ДТС бўйича ўқувчилар эга бўлиши лозим бўлган билим кўникма ва малакалар (5-9 синф).

1.Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфларида “Технология ва дизайн” йўналиши ўтилади ва қуйидаги бўлимлар: ёгоч ва металга ишлов бериш технологияси, электротехника ишлари ва уй рўзгор буюмларини таймирлаш бу йўналиш таркибига киради.

2. ДТС ва ўқув дастури бўйича “Технология ва дизайн” йўналишида қуйидаги билимлар берилади ва амалий кўникма ва малакалар шакллантирилади.

а. Ёгоч ва металга ишлов бериш технологияси бўлими:

3. ДТС бўйича ўқувчиларни тайёргарлик даражасига (ўқитиладиган хар бир бўлимлар бўйича) қуйидаги зарурий талаблар қўйилади:

а. Ёгоч ва металга ишлов бериш технологияси бўлими: ўқувчилар ёгоч ва металнинг хусусиятлари тўгрисида бўлган билимларни эгаллашлари, уларни режалаш, йўниш, арралаш ташиб, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ва электр асблобарининг тузилиши, ишлаши, дастгохлар янги техника ва илгор технология асослари, технологик хараталар, уларни тузиш, фойдаланиш, хавфсиз техника қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўгрисида билим ва амалий кўникмаларни: дизайн талаблари даражасидаги рўзгорбоб ва харидоргир буюмларни тайёрлаш малакаларини эгаллашлари” тадбиркорликни, ижодкорликни, халқ ҳунармандчилигини ва ишларга доир касб-хунар турлари тўгрисида маълумотларга эга бўлиши.

б. **Электро техника ишлари бўлими;**

электромантаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш:электр ўтказувчи симларнинг турлари ва монтаж қилиш,изоляциялаш ишлари,иш асблобари ва улар билан ишлаш,битта хонани ёритиш занжири схемасини тузиш,кавшарлаш,ва касблар тўгрисида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлар лозим.

в. **Уй- рўзгор буюмларини таймирлаш бўлими:**

Ўқувчилар хонадонларда мавжуд жихозлар ва пол қопламаларини сақлашни ва уларга хизмат кўрсатишни, дераза эшик ромларига хизмат кўрсатиш ва кичик таъмирлаш ишларини бажариш кўникмасига эга бўлиш; қишида хонадаги иссиқликни сақлаш усуулларини, газ, сув, электр энергиясидан тежали фойдаланишни хамда улардаги кичик таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишлари тўгрисида кўникма ва малакага эга бўлиши лозим. Хизмат кўрсатиш касб-хунарлари тўгрисида бошланғич маълумотларга эга бўлишлари керак.

- билим –метал ва ёгочга ишлов бериш технологияси хусусиятлари, ишлатиш соҳалари, метал ва ёгочга ишлов берадиган асбоб ускуналар, уларни турлари, тузилиши, ишлатилиши, машина-механизмлар, станоклар ва мосламалар,уларни бажарадиган ишлари.

- ишлаб чиқариш асослари—махсулотлар ишлаб чиқариш технологияси, халқ ҳунармандчилиги ва касблар, тўгрисида бошланғич маълумотларга эга бўлиш.

- кўникма—метал ва ёгочларни хусусиятлари ва уларни ишлатиш соҳаларини, ахамиятини. Уларга ишлов берадиган асбоб ва ускуналар, машина ва механизмларни ишлатиш, буюм тайёрлаш ишлари кўникмаларига эга бўлиш.

- малака-метал ва ёгоч материалларини хусусиятларини ишлатиш соҳасини, ахамиятини билиш малакасига эга бўлиши ва зарур бўлганда амалиётда қўллай олиш малакасига эга бўлишлари лозим.

Мустақил иш саволлари:

1. Ўқувчиларнинг билими, кўникмаси ва малакаси деганда нимани тушинасиз?
2. Билими йўқ, кўникма ва малакаларга эга эмас ибораларини тушинтиринг.
3. Ёғоч ва металлар тўғрисидаги умумий маълумотларни тушунтириш.
4. Ўқувчилар касб ҳунарга қандай йўналтирилади?
5. Йўналиш бўйича ўқувчилар эга бўлиши лозим булган билим кўникма ва малакалар.

2-мавзу. Сервис хизмати йўналиши мазмуни.

Ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

1. Сервис хизмати йўналиши мазмуни ва ДТС бўйича ўқувчиларни тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар.

2. ДТС бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.

-ДТС бўйича сервис хизмат йўналиши бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйидаги зарурий талаблар қўйилади:

а. Газламаларга ишлов бериш технологияси бўлими бўйича:

Ўқувчилар газлама турлари, хусусиятлари, уларга ишлов бериш, бичиш-тикиш асосларини ўрганадилар; кийим турлари, ахамияти, тикув, йигирав, асбоб-ускуналари, машиналари, уларнинг турлари, тузилиши ва ишлаши билан танишадилар:

Газламага ишлов бериш технологияси, халқ ҳунармандчилиги тармоқлари: каштачилик, дупчилик, қуроқчилик, зардўзлик, попопчилик, миллий ўйинчоқлар тайёрлаш ва бошқа йўналишлар асосларини эгаллайдилар: газламага ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилиги ва касб ҳунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

б. Пазандачилик асослари бўлими бўйича:

Ўқувчилар озиқ-овқат махсулотларига ишлов бериш; ошпазлик ва қандолатчилик асослари: озиқ-овқат махсулотлари ҳамда таомларини ишсон саломатлигидаги ўрни, хусусиятлари, туйимлилиги, турлари, овқатланиш меъёри ва тартиби, озиқ-овқат махсулотларини сақлаш, ташиб ва уларга дастлабки асосий ишлов бериш йўлларини ўрганадилар. Ошхона жиҳозлари, озиқ-овқат саноати, санитария – гигиена ҳамда хавфсизлик техника қоидалари: уй-рўзгор юритиш жиҳозларидан унумли фойдаланиш, оила жамғармаси уни сақлаш маданияти ва озиқ-овқат билан ишлайдиган касб-ҳунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

в. Буюмларни таъмирлаш бўлими бўйича:

Ўқувчилар чокидан сўқилган буюмларни таъмирлайди, кийимларни сақлаш ва тузатиш усусларини ўрганадилар. Исътемолдан чиққан буюмлар ўлчамига қараб, болалар учун кийимлар андозасини тайёрлайдилар

2. ДТС бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Билим - ўқувчилар пазандачилик асослари бўйича ошхона жиҳозлари ва улардан фойдаланиш усусларини, овқат турлари ва уларни тайёрлашни, дастурхон безашни, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориши қоидалари, хар хил енгил газаклар тайёрлаш қоидалари, усуслари тўғрисида ва пазандачиликдаги касб-ҳунарлар турлари тўғрисида билишлари керак.

Газламалар тўғрисидаги барча маълумотларни ва улардан фойдаланиш қоидалари, уларга ишлов берадиган асбоб-ускуналар, уларни ишлата билиш, халқ ҳунармандчилиги ва ишлаб чиқариш асослари, касб танлашга йўллаш тўғрисида билимга эга бўлишлари зарур.

Кўникма- ошхона жиҳозларидан фойдаланиб енгил овқатларни тайёрлаш ва кийимларни енгил таъмирлаш ишларини бажара олиш кўникмасига эга бўлиши зарур.

Малака – пазандачилик асослари бўйича дастлабки билим ва кўникмалари асосида енгил овқат ва газакларни тайёрлай олиш малакасига эга бўлишлари зарур, кийимларни

енгил таъмиrlаш, сақлаш ва улардан қандай фойдаланиш усуллари тўғрисидаги малакага эга бўлишлари керак.

Мустақил иш учун саволлар.

1. Ўқувчиларга сервис хизмати йўналишида нималар ўргатилади?
2. Ўзбек миллий ошхонасини европа ошхоналаридан афзаллигини тушунтириш.
3. Миллий таомлардан 1-2тасини тайёрлаш кетма-кетлигини изоҳлаб беринг.
4. Кийимлар, озиқ-овқатлар инсон саломатлиги учун ахамиятини тушинтиринг.

Зарарини хам.

3-мавзу: Қишлоқ хўжалиги асослари йўналишининг мазмuni. Ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

1. ДТС бўйича қишлоқ хўжалиги асослари йўналишининг мазмuni ва ўқувчилар тайёргарлик даражасига қўйиладиган зарурий талаблар.
2. ДТС бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Қишлоқ хўжалиги асослари бўлими:

Ўқувчилар қишлоқ хўжалиги соҳалари; дехқончилик ва чорвачиликни ривожланиш истиқболлари; агрономия асослари, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва мелиорация асослари; фермерлик ва мулқдорликни бошқа турлари; қишлоқ хўжаликда тадбиркорлик маҳсулотлар бозори хақида тушунчалар; маданий экинларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ўсиш ва ривожланиши; тупроқнинг тузилиши, унумдорлиги, ерга ишлов бериш ва қўлланиладиган агротехник талаблар: ўғит турлари, ўғитлаш муддати ва ишлатиладиган машиналар; уруғларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш; уруғ ва кўчкат экиш усуллари ва машиналари; ғалла, дон, дуккакли, тугунакли ва илдиз мевали экинлар; сабзавот, полиз, мева, мойли, толали ва зираор экинлар етиштириш ва ишлатиладиган, меҳнат қуроллари ва машиналар мажмуаси; ёпиқ жойларда экин етиштиришни аҳамияти, истиқболли хусусиятлари ва уларда ишлатиладиган кичик ўлчамли машиналар; етиштирилган ҳосилни йигиб-териб олиш бирламчи ишлов бериш ва сақлашга оид билимлар ва амалий кўникмалар; чорвачилик биологияси; чорва моллари, парандачилик ва бошқалар; чорвачиликда наслчилик; озуқабоп экинлар, чорвачиликда санитария - гигиена талаблари, зоотехника, зооветенария асослари; чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш йўллари; қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича касб-хунар турлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлари зарур.

Электротехника ишлари бўлими ва уй-рўзгор буюмларини таъмиrlаш бўлимида ўқувчилар билиши зарур бўлган маълумотлар “Технология ва дизайн” йўналишида берилган.

2. а) Билимга ўқувчилар маҳаллий худудларда етиштириледиган экин турлари, навлари, ҳосилдорлиги, уруғ ва кўчкат тайёрлаш ва экиш парвариш қилиш, тупроқ тўғрисидаги барча билимларга экинларда учрайдиган касалликлар, заараркунандалар ва уларга қарши қурашиб, қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган қўл асбоблари, машиналар, механизмлар тўғрисидаги бўлимга, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш турларини уларни бозор муносабати билан ўзвийлиги ва қишлоқ хўжалигидаги касблари тўғрисидаги умумий билимларга эга бўлишлари керак.

б) кўникмага _____ ..., бошланғич кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

в) малакага _____ бошланғич малакаларга эга бўлишлари керак.

Мустақил иш учун саволлар

1. Худудда етиштириледиган экинлар рўйхатини тузинг, уларни уруғ ва кўчкатларини тайёрлаш, экиш парвариш қилишни изоҳланг.
2. Қишлоқ хўжалигига ишлатилинадиган қўл асбоб-ускуналари машина ва механизмлар, уларни ишлатиш ҳақида тушунча беринг.
3. Ерга қандай ишлов берилади?
4. Экинлар касалликлари ва заараркунандаларга қарши қандай ишлар амалга оширилади.

4-мавзу. Мехнат таълими дастури билан таништириш.

Ўқув дастури умумий ўрта таълим мактабларида ДТС асосида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мазмун моҳиятини, мақсад ва вазифаларини белгилайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанининг ўқитишнинг мақсади.

-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникма, малакаларини, меҳнатга қизиқиши, меҳнатсаварилкни шакллантириш уларни меҳнат ва касбларни қадрлашга, аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади:

Таълимий вазифа – ўқувчиларни баркамол авлод бўлиб шаклланнишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касб асосларини ўргатиш ва касб танлаш билан уйғунлаштириш орқали касбгача тайёргарлигига замин яратиш билан эгаллаган билимларини узвий ривожлантириш асосида меҳнат куроллари, воситалари, жараёнлари, худудий ишлаб чиқаришнинг асосларини ўргатиш; техника ва технологиялар асосларини ўргатиш; техника ва технологиялар асосида эгалланётган касб-хунар соҳаси хусусиятлари, шу соҳанинг илгор вакиллари фаолияти билан таништириш.

Тарбиявий вазифа- ўқувчиларнинг умуммехнат кўникмаларни шакллантириш жараёнида маънавий–ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, ватанпарварлик инсонпарварлик ва тадбиркорлик сифатларини шакллантириб бориши.

Ривожлантирувчи вазифа- ўқувчиларни касбгача тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат таълими мазмунини такомиллаштириш орқали баркамол шахс бўлиб етишишларига ёрдам бериш.

Ижодий вазифа- меҳнат таълими жараёнида касб-хунар асосларига оид билим, кўникма ва малакаларини замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш учун, ўқувчиларнинг мустақил равишда ижодий фаолият юрита олиши.

Амалий вазифа- буюм, нарса, наъмуналар асосида зарурий буюртмаларни амалда бажара олиш.

Мактабда меҳнат таълимидан ўтказиладиган машгулотлар қўйидаги вазифаларни амалга оширишини назарда тутади:

Ўқувчиларда дастлабки назарий ва амалий меҳнат тажрибаларини хосил қилиш, замонавий техника борасидаги билимлари доирасини янада кенгайтириш, уларни кишилар меҳнати ва меҳнат жараёнига нисбатан ижобий муносабатда бўлишга тайёрлаш.

Ўзига топширилган хар қандай ишни уddyалай билиш, меҳнатнинг ўзига хос хусусияти ва унинг назарий асосларини эгаллаш, ўз ишини ва ўртоқларини ишларини режалаштириш ҳамда ташкил эта олишга ўргатиш.

Ўқувчиларни меҳнат таълими машгулотлари жараёнида ақилли, одобли, яхши ахлоқий сифатлар шаклланган дид-фаросатли, жисмонан соглом қилиб тарбиялашни амалга ошириш.

Меҳнат таълими мазмунида шартли равишда 5-9 синфларда ўқувчилар камида 3 йўналиш бўйича тайёргарлик кўришлари назарда тутилган. Масалан: қиз ва ўғил болалар алохида алохида ҳамда улар учун умумлаштирилган йўналишлар танланиши мумкин. Ушбу йўналишлардан тегишлиси мактаб атрофидаги корхона, ташкилот ва касб-хунар коллежларида кенг тарқалган соҳаларга мувофиқ танлаб олинади. Хар бир мактабда меҳнат таълимининг қўйидаги йўналишларидан тегишли асос қилиб олинади:

Технология ва дизайн

Сервис хизмати

Қишлоқ хўжалиги асослари

Ушбу таълим йўналишлари мазмунан 5-7 синфларда электротехника асослари, буюмларини таъмиrlаш ишлари билан 8-9 синфларда эса халқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари, касб танлашга йўллаш ишлари билан уйғунлаштирилган холда амалга оширилади.

Мехнат таълими бўйича машгулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш кетлиги махалий шароит ва имкониятларини хисобга олиган ҳолда таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Мазкур йуналишларда қуидаги билимлар бўйича билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади;

1- 4-синфлар учун:

- Қозоқ ва картон билан ишлаш
- Газмол ва толали материаллар билан ишлаш
- Пластилин ва лой билан ишлаш
- Турли материаллар билан ишлаш
- Бадий қуриш ва ясаш ишлари

5-7 синфлар учун

- Ёғочга ишлов бериш технологияси
- Металга ишлов бериш технологияси
- Уй- рўзғор буюмларини таъмирлаш
- Электротехника ишлари
- Пазандачилик асослари
- Газламаларга ишлов бериш технологияси
- буюмларни таъмирлаш технологияси
- қишлоқ хўжалик асослари (ўсимлиқшунослик ва чорвачилик)

8-9- синфлар учун

- ҳалқ ҳунармандчилиги технологияси
- ишлаб чиқариш асослари
- касбга йўналтириш асослари

Ҳар бир дарсда хавфизлик техникаси қоидаларига риоя қилинади. Ўқувчиларга меҳнат таълими йўналишлари бўйича касблар турлари ҳақида ахборот берилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфларида ўқув сони шаҳар мактабларидаги 25 ва ундан ошиқ бўлса, моддий техник ва кадрлар етарли бўлса, меҳнат таълими дарслари шу синфларда, ўқувчиларни 2 гурухга бўлган ҳолда олиб борилади. Меҳнат таълим мининг барча йўналишлари бўйича 5-6 синфларда 6 кун (24 соат), 7-синфда 10 кун (40 соат), 8- синфда 16 кун (96 соат), жами 160 соат амалиёт ўтказилиши режалаштирилган.

Амалиётниң мақсади – ўқувчиларга ўргатилган билим, кўникма ва малакаларни бевосита унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараённида қатнашиш орқали мустаҳкамлашни бозор муносабатилари қоидалари асосида ташкил қилишдан иборат. Амалиёт таълим муассасаси ёки ишлаб чиқариш корхонаси имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, ўқув йилида кўзда тутилган таътил вақтида ўтказилинади.

Мустақил иш учун саволлар:

1. Умумий ўрта таълим мактабларидаги меҳнат таълими фанини мақсади.
2. Бу мақсадни амалга ошириш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар.
3. Меҳнат таълими машғулотларининг асосий мақсади қайсилар.
4. Меҳнат таълими йўналишлари ва бу йўналишлардаги бўлиmlар мазмунини синflар бўйича тақсимотини тушинтиринг.

5.Мехнат таълимотидан ўтказиладиган амалиётни синflар бўйича кунлари ва соатлари, қаерда қаочон ўтказилиши, имкониятлари ва ахамиятини изохланг.

5-мавзуу. Тақвимий мавзуули режани ишлаб чиқиши.

Мехнат таълим мини режалаш ўқув режаси ва дастурини бажарилишини, ўқув обьектларини тўгри танлашни, бошка фанлар билан алоқани, ўқув-моддий базадан оқилона фойдаланишни, асбоб-ускуналар билан таъминлашни, кўргазмали куроллар, ўқув қўлланмалар билан таъминлашни, меҳнат илмий ташкил этиш талабларига мувофиқ равишда йўлга қўйишни таъминлашни ўз ичига олади. Мехнат таълим мини режалаштириш

хужжатларидан бири–тақвимий мавзули режадир. Бу режа ўқув йилига, ўқув йилининг ярмига ёки хар бир чорак учун (алоҳида) тузилади ва мактаб рахбарлари томонидан тасдиқланади.

5-синф учун меҳнат таълими фанидан тақвимий-мавзули режа.

1. Умумий мавзулар
2. Кичик мавзулар
3. Ажратилган соат.
4. Ўтиш вақти
5. Фойдаланиш учун асбоблар.
6. Кўргазмали қуроллар.
7. Адабиётлар.
8. Техник воситалар.
9. Касблар
10. Изоҳ(эслатма).

Умумий мавзу: Ёгочга ишлов бериш-48 соат

Кичик мавзулар: умумий тушунчалар-6с

I.Умумий мавзуларга-металларга ишлов бериш технологияси-18соат

Кичик мавзуларга:-

Умумий тушунчалар-2 соат

*асбоб ускуналар ва улардан фойдаланиш -4 соат

- 1.
 - 2.
 - 3.
 - 4.
 - 5.
- *машина,механизм, станоклар ва улардан фойдаланиш-2 соат**
***машгулотларни ишлаб чиқариш технологияси-10 соат**

II.Умумий мавзу –ёгочга ишлов бериш технологияси -42 соат

Кичик мавзулар:

***умумий тушунчалар-6 соат.**

- 1.
- 2.
- 3.

***асбоб-ускуналар,мосламалар ва улардан фойдаланиш-20соат**

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.
- 8.
- 9.
- 10.

***машина,механизм,станоклар ва улардан фойдаланиш-2 соат**

***маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси-14 соат**

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

5.
6.
7.

III Умумий мавзу: электротехника ишлари -4 соат;

- кичик мавзуга : 1.
2.

IV. Үй-рўзғор буюмларини таъмирлаш – 4 соат;

- Кичик мавзуга: 1.
2.

Ёзги амалиёт -6 кун (24 соат) жами: 92 соат.

Мұстақил иш учун саволлар.

- 1. Мехнат таълимини режалаштириш нима учун зарур.
- 2. Тавқимий- мавзули режа қандай тузилади.

6-мавзу. Дарс режа конспектини ишлаб чиқиши.

Меҳнат таълими дарсларида электротехника ишларини ўргатиши

5-синфда меҳнат таълими ўкув фанидан ёгочга ишлов бериш технологияси йўналиши ўкув дастурида электротехника ишларини ўрганиш учун 6 соат вақт ажратилган бўлиб, бунда “Бир лампали электр занжири ҳосил қилиш” (2 соат), “Лампаларни кетма-кет улаш ” (2 соат). “Лампаларни параллел улаш” (2 соат) мавзуларини ўтиш режалаштирилган.

1 – мавзу. Бир лампали электр занжири ҳосил қилиши.

Дарснинг мақсади:

а) *Таълимий* – ўкувчиларга электр занжири ва унинг қўлланилиши ҳақида умумий маълумот бериш.

б) *Тарбиявий* – ўкувчиларни эҳтиёдкорлик ва тежамкорлик руҳида тарбиялаш.

в) *Ривожлантирувчи* – ўкувчиларни электр ва электротехникага оид билимларни бир тизимга келтириш, кенгайтириш, касб- хунарга йўналтириш.

г) *Ижодий* – ўкувчиларни касб-хунарлар асосига оид билим, кўнишка ва малакаларини замонавий талаблар даражасида бўлиши учун, уларни мустақил равишда ижодий фаолият юрита олишга ўргатиши.

д) Амалий- тайёр схемага қараб бир лампали электр занжирини тузা олишга эришиш

*жихоз: электр занжирига оид турли наъмуналар

*дарс усули: хикоя, тушинтириш, сухбат, намойиш

*дарс шакли: оммавий (фронтал).

*дарс типи: кириш дарси.

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм-саломлашиш, давоматни аниқлаш, дунё янгиликларидан сўраш, спорт янгиликлари.

2. Ўтилган мавзулар бўйича сўраш.

3. Янги мавзу баёни.

А. Назарий маълумот. Табиат бир қатор жисмлардан иборат. Жисмлар моддалардан, моддалар эса кўзга кўринмас майда заррачалар, яъни молекулалардан тузилган. Молекулалар хам ўз навбатида янада кичик бўлган заррачалар – атомлардан иборат. Атомлар эса электрон ва протондан иборат. Бу майда заррачалар зарядланган бўлади. Масалан: электронлар (қаҳроба ёки эбонет) манфий зарядга эга бўлади ва улар метал ўтказгичлар ичига харакатлана олади. Зарядланган зарраларни бир томонга йўналган оқими-электр токи дейилади. Агар хонада ёқиб ўчиргич тутмани боссак электр лампочка ёнади. Тутмани босганимизда ўтказгичлар уланади, ўтказгичлар орқали эса лампочка томон шитоб билан электронлар оқими йўналади. Лампочкани ичига ингичка сим оёқларга метал вольфрамдан тайёрланган спирал осилган. Бу спирал алоҳида хусусиятга эга: электронларнинг ундан ўтиши жуда қийин. Спирал орқали электронлар оқими ўтказилганда, улар тола металнинг атомларини у ёни –бу ёнини туртиб боради, натижада тола зумда қизиб, нурлана

бошлайди. Электронлар оқими қанча кучли бўлса, лампочка толаси хам шунча кучли қизиб, равшанроқ ёнади. Йўғонроқ симлардан тайёрланган худди шундай спираллар электр дазмол ва плиталарни қиздиради. Бу ходисани электр энергиясини, иссиқлик энергиясига айлантириш дейиш мумкин. Вакт ўтиши билан электр энергиясидан бошқа соҳаларда хам фойдалана бошланди. Электр энергиясини эса трубина билан генератор ротори биргаликда харакатланади. Сув оқими айлантирган трубина гидравлик трубина дейилади. Электр станциялар эса г+с деб аталади. Иссиқлик электр станциялари (47с) хам бор. Электр станциялари ток манбаи хисобланади. Бундан ташқари ток манбаи аккумулятор. Батарейкалар хам мавжуд.

Ток манбаи, калит истемолчилар, ўтказгич орқали ўзаро уланиш билан электр занжир хосил бўлади. Электр токи фақат берк занжирда хосил бўлади. Зарядланган заррачаларни тартибли харакатига электр токи дейилади. Энг оддий бир лампали электр занжири тузамиз: бунинг учун занжир қисмларини (элементларини) шартли белгилар билан кўрсатамиз.

А. ток манбаи

- Б.----- батарея элеметлари
- В.----- ўтказгич (симлар)
- Г.----- лампочка
- Д.----- штебсил разеткаси
- Е.----- калит(узгич-улагич)
- Ж.----- электр қўнгироқ
- З.----- кнопка.

Мана шу шартли белгилар асосида бир лампали электр занжирнинг схемасини тузамиз.

Б. Амалий иш. Ўқувчи бир лампали занжирнинг расмини чизиб, унинг электр схемасини ўқувчиларга тушинтириб бўлгандан сўнг, амалий машгулотга ўтилади. Бунда ўқитувчи ўқувчилар ёрдами билан бир лампали электр занжири ясашга киришади. Амалий машгулотга керак бўладиган барча жихозлар ва элементлар тайёрлаб қўйилади.

Ўқитувчи электр схемага қараб ишни тартиб билан бошлайди. Бунда биринчи навбатда ўқитувчи ўқувчиларга электр билан ишлашда хавфсизлик қоидаси хақида маълумот беради. Шундан сўнг занжирни тузишга киришилади.

Иш столи устига аккумулятор батарейкаси қўйилади. Уни мусбат ва манфий томонларига ўтказгичлар симлар уланади. Манфий томонга калит ўрнатилади, мусбат томонига эса лампочка уланади. Тайёр бўлган занжирни улаш учун калитни улаймиз, лампочка ёнади. Бу занжирни тузишда пичоқ, омбур ва отвёрка керак бўлади. Машгулот давомида ўқитувчи ўқувчиларни бажараётган ишларини кузатиб камчиликларини тузатиб боради, ўқувчилар ўзлари мустақил ясаган турли хил электр занжирларини ўқитувчига кўрсатади ва уларни фаолияти баҳоланиб борилади.

4. Мустахкамлаш. Мавзуга оид савол ва топшириклар берилади.

5. Уйга вазифа. Энг содда электр қурилмаларини электр схемаси ёки занжирини тузиб келиш. Ўқувчиларни бажарган ишлари баҳоланади, ютуклари айтилади, камчиликлари кўрсатилади ва бартараф этиш йўллари тушинтирилади. Дарс якунланади. Навбатчилар хонани тартибга келтиради.

7-мавзу. Табиий-илмий циклдаги фанлар ўзаро боғланиш режасини ишлаб чиқиши (мехнат таълими фани мисолида)

Таълимда фанлараро боғланишлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай фан ўзига келади ва улар билан биргаликда ривожланади. Шунинг учун мактабларда, билим юрти ва олий даргоҳларда фанларни ўқитиш – ўргатиш ишларида фанлараро боғланиш ва алоқалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мехнат таълими дарсларини хам бошқа фанларга боғлаб ўтиш самарали натижалар беради, дарс самараదорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мехнат таълимидаги боҳланишларни 2 хил

кўринишга бўлиш, уларни шартли равища ички ва ташқи фанлараро боғланишлар деб аташ мумкин. Булар ички ва ташқи боғланишлар. Ички боғланиш деганда шу соҳага оид фанлардаги мавзуларнинг ўзаро боғланиш, алоқадорликлари тушинилади. Ташқи боғланиш эса меҳнат таълими дарсларини бошқа фанлар билан бўладиган боғланишларини билдиради.

Кўриниб турибдики, меҳнат таълимининг бундай кетма-кетликда ўқитилиши бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар бир-бирини мустаҳкамлаб ва тўлдириб боради. Агар 1-4 синфларда тайёрлов кўринишдаги ўкув машғулотлари ўтилса, 5-6 синфларда улар такомиллаштирилиб, саноат ва қишлоқ хўжалигига оид кенгроқ билимлар берилади. 8-9 синфларда эса маълум бир ихтисосликлар бўйича касбларга ўзаро ўзвий боғланиб, оддийдан мураккабга, осондан қийинга бориш тамойили асосида олиб борилади. Меҳнат ўқитувчисининг вазифаси шу тамойилга амал қилган ҳолда янги материални олдин ўтган материал билан боғлаб олиб боришдир. Бу ишлар фанлараро боғланишларнинг маълум бўлган уч тури яъни, янги мавзууни ўтишдан олдин, янги мавзууни ўтиш давомида ва янги мавзууни ўтиб бўлгандан сўнг боғлаш усулларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Меҳнат таълимидағи ташқи боғланишлар эса унинг бошқа соҳалар ва фанлар билан боғлиқ бўлган ўзаро алокасини билдиради. Меҳнат таълими дарсларини мактабда ўтиладиган барча фанлар билдан боғлаш мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими фани ўқитувчи барча фанлардан маълум даражадаги билимга эга бўлиши лозим.

Меҳнат таълими дарсларида фанлараро боғланишларнинг схемаси.

Меҳнат таълими дарслари		
Ички боғланиш	Ташқи боғланиш	Фанларга оид тушунча ва маълумотлар

1-4- синфлардаги меҳнат таълими дарслари	Расм ва чизмачилик	
5-7-синфлардаги меҳнат таълими дарслари	Физика, математика	
1. Ёрочга ишлов бериш технологияси	Информатика	
2. Металга ишлов бериш технологияси	Жисмоний тарбия ва спорт	
3.Газламага ишлов бериш технологияси	Кимё Биология	
4. Пазандачилик асослари	География	
5. Қишлоқ хўжалиги асослари	Экология	
8-9- синфлардаги меҳнат таълими дарслари	Она тили, адабиёт, тарих	

Мустақил иш учун саволлар (топширқлар)

1. Фанларга оид тушунча ва маълумотлар графасини тўлдиринг ва изоҳлаб беринг.

8-мавзу. Дарс технологик харитасини тусиши.
Мавзу. “Даста бет” дурадгорлик бирикмасини ҳосил қилиш учун технологик карта

Т/р	Иш кетма-кетлиги	Иш эскизи	Асбоблар		Мосламалар
			ўлчаш	иш	
Бирикма мос ёғоч танланади ва берилган ўлчамларга келтириб, рандаланади ҳамда қирқилади. Шундан сўнг қўйидаги кетма-кетлиқда ишлар бажарилади.					
1	Ккертмакларни режалаш (2та)		Ленейка, гўния, қалам	-	Режалаш столи ёки дастгоҳ
2	Кертмакларни ҳосил қилиш			Тилувчи қиркувчи Арра исканда	Дастгоҳ
3	Бирикма ҳосил қилиш			Мих, болға бурاما мих, отвёрка	Дастгоҳ

Жиҳозлар: appa, ранда, эгов, жилвир қоғоз, ўлчов ва режалаш асбоблари

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Иш эскизи графасини тўлдиринг.

Технологик харита

Мавзу: Ёғочни режалаш, арралаш, рандалаш ва ўйиш ишларини бажариш.

Жиҳозлар: Тўқмоқлар, исканалар, ўлчаш ва режалаш асбоблари

т/р	Эскиз	Ишнинг мазмуни	Меҳнат қуроли
1		Хом ашёни танлаш, ўлчам олиш рандалаш, арралаш	Ленейка, қалам, appa, ранда

1		Хом ашёни танлаш, ўлчам олиш рандалаш, арралаш	Ленейка, қалам, appa, ранда
2		ўлчам олиш рандалаш, арралаш	Ленейка, қалам, appa, ранда
3		ўлчам олиш рандалаш, арралаш	Ленейка, қалам, appa, ранда
4		ўлчам олиш рандалаш, арралаш, ўйиш	Ёғоч тўқмоқ, исказа
5		Буюмларни жилвирлаш, пардозлаш	Жилвир қоғоз, синка, лак

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Эскиз графасини тўлдиринг.

9. Мавзу. Дарсни таҳлили ва унинг мазмуни.

Дарс-ўкув жараённинг энг муҳим бўғини бўлиб таълим –тарбия масаларини ҳал қилишининг амалий ва қўлай шакли ҳисобланади.

Мутахассис сифатида ўқитувчининг дарсини кузатиб уни таҳлил этишда, дарс таҳлилининг қўйидаги асосий таркибий қисмлари эътибор бериш зарур:

1. *Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганлиги.*

Ўқитувчидаги дарсни ўқув режаси ва мавзу бўйича турли ишланмаларни борлиги, тарқатма материаллар ва қўргазмали кўролларнинг тайёрлиги.

2. *Дарсни мақсад ва вазифаларини қўйилиши.* Ўқитувчи дарсга аниқ мақсад кўйганми? Вазифалар белгиланганми?
 3. *Ташкилий ишлар таҳлили.* Хонани дарсга тайёргани, ўқувчилар кайфияти ва соғлиги, давоматни аникланганлиги, ўқитувчининг дарсга ҳозирлиги унинг ташки қиёфаси.
 4. *Таълимий таҳлил.* Мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга йўналиш, кўргазмалилиги, берилаётган билимни илмийлиги ва хаётийлиги тилни жонли ва равонлиги.
 5. *Услубий таҳлил.* Бунда ўқитувчи фаолиятини икки томонга эътибор берилади:
 - 1.Мавзуни дастурга мослиги, қандай усулда ўтилади, ўқувчилар ёши ва психологик хусусиятга мос келадими, уларни ўйлашга, фикрлашга шароит яратилганми?
 - 2.Ўқитувчи тажрибасига ижодкорлигига ва маҳоратига эътибор берилади.
 6. *Методологик таҳлил.* Дарсда давлат қарорлари, талаблар давлат тили, миллий рух, маданиятнинг гўзал дурдоналари, аллома ва олимларнинг ишлари фикрлари, республикадаги охирги ўзгаришлардан фойдаланиш даражаси.
 7. *Психологик таҳлил.* Бу таҳлилда ўқувчиларни кайфияти, соғлом мухит, хушёрик, фанга бўлган қизиқиш, ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини кенглигига эътибор берилади.
 8. *Педагогик таҳлил.* Бунда ўқитувчининг ташки қиёфаси, ўқувчи билан тил топа олиш маҳорати, маданияти, одоби, тарбия бера олиш ва нутқ маданияти кўзда тутилади.. Шу билан бирга дарсни тарбиявий таъсирининг самараси ҳам эътиборга олинади.
 9. *Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси.*
 - ўқувчиларни фикрлашга ўргатиши
 - мурлоҳаза юритиши, фикр билдириши
 - ўқувчиларни излашга, қидириб топишга ўргатиши
 - ўқувчиларни мустақил фикрга эга бўлиши.
 10. *Якуний таҳлил.* (хулоса) Ўқитувчининг қандай мутахассиси эканлиги бўйича фикрлар ва турли таклифлар, йўл йўриқлар баён этилади.
- Дарсни таҳлил этиш жараёнида аввал машғулот олиб борган ўқитувчи гапиради, сўнгра дарс таҳлилида иштирок этган ўқитувчилар гапиради.
- Ўқитувчининг фаолиятига битта дарс таҳлили бўйича хулоса чиқариб бўлмайди.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Дарс таҳлилини аҳамиятини изоҳланг?
2. Ўқитувчи дарсини таҳлил қилишдан мақсад нимада?
3. Дарс таҳлилида асосан нималарга эътибор берилади?

10- Мавзу. Ўқув устахоналарида ясаладиган буюмлар рўйҳати.

Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фани маҳсус ажаритилган устахоналарда олиб борилади. Ўғил болалар учун Металга ишлов бериш устахонаси ва пазандачилик асослари, газламаларга ишлов бериш учун ажратилган маҳсус хоналар.

Устахона ва маҳсус хоналарда ўқитувчи учун алоҳида ва ҳар бир ўқувчи учун алоҳида иш ўринлари ташкил этилиши лозим. Иш ўрнида ўтирадиган ўтиргич бўлиши зараур. Ҳар бир устахона ва ажратилган маҳсус хоналарда ҳар бир ўқувчи учун етарли даражада асбоб – ускуналар, мосламалар бўлиши лозим, акс ҳолда ўқувчилар дарсдан совиб кетадилар. Меҳнат таълими дарсларида ҳар бир ўқувчи маҳсус кийим кийиши ва хавфсизлик техника қоидалари, санитария-гигиена талабларини билиши ва уларга риоя қилиш шарт.

Устахонада бир ўқув йили давомида ўтиладиган мавзуларни қамраб олган буюмлар рўйҳати ўқитучи томонидан тузилиб осиб қўйилади. Бундан ташқари ўқув йили давомида буюртма ишлар бўлиши мумкин. Бу буюрмалар меҳнат таълими дастурида бажарилиши лозим бўлган ишлар билан уйғунлашган бўлиши керак.

Ясаладиган ёки тайёрланадиган буюмлар рўйхати шундай тузилиши керакки, бунда ҳар бир синфдаги, ҳар бир чоракда ўтиладиган мавзулар мазмунига мос келиши керак.

Масалан:

1. “Технология ва дизайн” йўналишида металга, ёғочга ишлов бериш;
2. “Сервис хизмати” йўналишида пазандачилик асослари газламаларга ишлов бериш;
3. “Қишлоқ хўжалик асослари” йўналишида кетмон ва белкурак, теша ясаш уларни ишга тайёрлаш яъни дасталаш, чархлаш ва ҳакозо ишларни бажариш асбоб – ускуналарни сақлаш.

Ясаладиган буюмлар рўйхати ҳар бир синф учун (5-7) алоҳида тузилади ва ўқувчиларга кўринадиган жойга осиб қўйилади.

Мисол тарқасида:

1. Металга ишлов бериш технологияси йўналишида:

- 1.1 Хакондоз ясаш (мактаб фаррошлари учун)
- 1.2 Оташкурак ясаш (макет бўлса ҳам)
- 1.3 Отвёрка ясаш ва ҳакозолар.

2. Ёғочга ишлов бериш технологияси йўналишида:

- 2.1.Курак ясаш (кор кураш учун)
- 2.2.Кўрсаткич тайёрлаш
- 2.3.Болалар боғчаси учун стулча ясаш ва ҳакозолар

3. Сервис хизмат йўналишида:

- 3.1. Миллий суюқ ва қуюқ овқатлар тайёрлаш (ош, чучвара, шурва, мошхўрда)
- 3.2. Фартук тайёрлаш
- 3.3. Рўмол тикиш ва ҳакозолар.

Натижада ўқувчиларда тадбиркорлик ишларини дастлабки тушунчаларини ҳосил қилиш мумкин, шу билан бирга қасблар ҳақида маълумотлар берилади.

Мустақил иш учун саволлар

1. Мактаб ўқув устахоналарининг аҳамияти нимада?
2. ўқув устахоналарида ўқувчилар қандай билим оладилар?
3. Ўқувчилар қасбга қандай йўналтирилади?

Семинар машғулотлари:

- 1.Умумий ўрта таълим мактаби ислохати асосида 1-9-синфларда меҳнат таълими фанларини мақсад ва вазифалари. Дастур мазмуни ва йўналишлари.
2. Мехнат таълими фанининг тарихий тараққиёти ва Ўрта Осиё зиёлиларининг педагогик қарашлари.
- 3.Мехнат таълимида дидактик тушунчалар.
4. Мехнат таълимида йўналишлар бўйича ўқув устахонасига қўйиладиган талаблар.

Талабалар мустақил ишлари мавзулари.

1. 1-9 синфларда меҳнат таълими, қасб танлашга йўллашнинг мазмуни Меҳнат таълимини дидактик тамойиллари.
2. “Технология дизайн” йўналиши мазмуни. ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.
3. “Сервис хизмат” йўналиши мазмуни. ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.
4. “Қишлоқ хўжалиги” йўналиши мазмуни. ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.
5. Мехнат таълимини, қасб танлашга йўллашни ўқитиши шакллари.
6. Мехнат таълими, қасб танлашга йўллашни режалаштириш.

Информацион методик таъминот

Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати Асосий адабиётлар.

1.Н.А.Муслимов ва бошқалар. Мехнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. Тошкент-2014й. 452бет

Қўшимча адабиётлар

1.Узвийлаштирилган давлат таълим стандарти ва ўқув дастури (мехнат таълими) Тошкент -2010й

2.И.Каримов.ва бошқалар Мехнат таълимини ташкил этиш (5-9 синфлар. технология дизайн, сервис хизмати йўналишлари учун) Тошкент -2013й.

ГЛОССАРИЙ

Академия - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юритидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Академик лицей - ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлиарини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш қўнимларини шакллантирувчи усул.

Аномалия (юонча – *anomal*) - меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланиш.

Ахлоқ (лотинча «*moralis*» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

Ахлоқий онг – шахга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият қўнимларни ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Бакалавриат - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.

Баҳо – таълим оловчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир қўрсатиш воситаси.

Билим – шахснинг онгига тушунчалар, схемалар, маълум образлар қўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият қўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориши жараёни.

Билиш - объектив борлиқнинг инсон онгига акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Ватанпарварлик (лотинча «*patriotes*» – ватандош, «*patris*» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғуурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

Гносеология (юон тилидан *gnosis* – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Гулдўзи - гулларни тикмоқ

Давлат таълим стандарти – 1) таълим олиш шаклидан қатъий назар бити्रувчилар эришишлари зарур бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат; 2) ўқув фани бўйича таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат; 3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, бити्रувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талаблар.

Дарс - бевосита ўқитувчи раҳбарлигига муайян ўқувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Дарслік – муайян фан бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофик белгиланган илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба.

Дидактика (таълим назарияси) – (юонча «didaktikos» “ўргатувчи”, «didasko» – “ўрганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни ўрганувчи фан.

Дидактика тамойиллари (лотин тилидан «principium» - ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) –таълимни ташкил этишга қўйилган меъёрий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофик унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

Дидактик ташҳис мақсади – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Дидактик тизим (юонча «systema» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнинг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган обьект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Дунёқараш - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологияк_хусусиятлар.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йифилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гурух каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гурух.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жорий назорат – таълим жараёнida ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, қўнишка ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Жизза - Кубик қилиб қирқилган думба ёғини қизартириб олингани

Зардўзи – заминдўзи – ёппасига зар тикиш

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнida фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуслари.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равиша мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориши, ижтимоий муносабатлар жараёнida фаол иштирок этиши натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ходисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.

Илмий қараш (юонча «idea» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йигиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш қўнишка ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик

муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилувчи таълим босқичи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» - «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ҳамда таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мазмунини белгилаб берувчи юридик хужжат.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа Унинг таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

Комбайн - ҳосилни йиғиш машиналари

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан – юкори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Иш харакати - ишчининг бирор технологик ўтишни бажариши учун, масалан болға билан зубилани уришкаби меҳнат харакатлари мажмуасидир

Иш усули - ишчининг технологик оператцияда айрим технологик ўтишларни бажаришида хараклари мажмуаси

Ихтисос - шахс томонидан мукаммал эгаллаб олинган тор меҳнат фаолияти

Касб-хунар коллежи - ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Касб - инсоннинг доимий тақрорланиб ишлаб чиқариш фаолияти

Кўнишка – инсонни ўзидағи билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олиши

Кўргазмали методлар - предмет, ходиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намойиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланиувчи усуллар.

Лицей (колледжа) маъруза – ўқув материалини ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштириш услублари билан биргалиқда давомли оғзаки баён этиш (80-90 минут), берилётган материалнинг схематик моделини тузиш (асосий фикрни тезис ёки лойиҳа кўринишида ёзиб олиш) ва бошқалар.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим.

Маданият («cultura» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Мактабдан ташқари таълим - маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим босқичи.

Малака – муайян харакат ёки фаолиятини бажаришнинг автоматлаштирилган шакли. Онгли равишда бажариладиган ишнинг кўп марта такрорланиши, кишининг касб маҳоратини ва ҳунарни эгаллаш даражаси

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўкув материали моҳиятини озғаки (хикоя, тушунтириш, мактаб маъруzasи каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари – муайян машқёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ мөъёrlари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маъруза – йирик ҳажмдаги ўкув материалини оғзаки баён қилиш шакли.

Менежмент – мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш учун шахс (ходим) ёки гурухга таъсир ўтказиш асосида уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, шакллари, методлари ва усуллари.

Метод - юононча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида) – хусусий фанларни ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Мехнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англалиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали харакат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Меҳнат харакати – ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариш.

Маркер - Рангли қалин фламастер

Назорат (таълим жараёнида) – таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёни.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гурухи.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Олий таълим - ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этиладиган ҳамда мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим босқичи.

Олий ўкув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манбаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот

муассасалариди аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга ошириладиган таълим босқичи.

Оралиқ назорат – ўқувчилар томонидан ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Педагогик талаб - турли хатти-харакатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-автор меъёрлари.

Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагог кадрлар таркиби – ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусика, бадиий ижодиёт, радиотехника, спорт ва бошка йўналишларда фаолият кўрсатувчи тўгаракларнинг раҳбарларидан иборат мутахассислар.

Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Педагогик талаб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-автор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули. бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

Рағбатлантириш - тарбияланувчининг хатти-харакати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Рейтинг (баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) - муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

Синф - ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган, маълум ўқувчилар грухи.

Сухбат – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи.

Тамоил (юонча «principium») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-автори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти

.Тарбия методи (юонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онга тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).

Ташҳис – дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

Таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим ва тарбия мазмуни – шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқарashi, одоби, хулқи, ижтимоий хаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

Таълим воситалари – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитафон, видеомагнитафон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва

субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар.

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Таълимнинг синф-дарс тизими - дарс шаклида муайян ўқувчилар гурухи билан ўқув режасига мувофиқ тузилган аниқ жадвал бўйича олиб бориладиган таълим жараёни.

Таълим тизими – давлат сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида фаолият юритувчи барча турдаги таълим муассасалари мажмуи.

Таълим шакли – таълим жараёнининг ташкилий тузилмаси.

Тизим (мустакил тушунча сифатида) - ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитлик.

Тест - аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Топшириқ - ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўнилмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

Тушунтириш - ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.

Тўгарак - ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синфдан ёки мактабдан ташқари шароитда уюштирилувчи қўшимча таълим шакли.

Технологик жараён - ишлаб чиқаришнинг бир қисми

Технологик оператция- технологик жараённи бир ёки бир неча ишчилар охиргача бажарадиган қисм

Тиски - буюмни қисиб ушлаб турувчи мослама

Усул - муайян ўқув материалини ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалиқ, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Шахс - психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажralиб турувчи, муайян хулқ-автор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аззоси.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик онг - табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофaza этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия - ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўнима ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Экологик таълим - ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равища назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

Экологик фаолият - экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Эстетик тарбия - ўқувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Якуний назорат – таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўнима ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Ўз-ўзини баҳолаш - мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-авторини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари - ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллар.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулк-авторини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш – шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеристидаги зарарли сифатларни йўқотиши, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни.

Ўзлаштириш –таълим жараёнида устувор ўрин тутувчи ижтимоий талабларга мувофиқ шахс томонидан муайян хатти-харакат ва хулқ усулларининг эгалланиши.

Ўргатиши - тарбияланувчилар ижтимоий хулк-автор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли харакатлар, амалий ишлар.

Ўқитувчи (педагог) –педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтнинг мавзуларни ўрганилиши бўйича тақсимланиши, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув режаси – таълим муассасида ўқитиладиган ўқув фанларининг тартиби, уларнинг ўқув иили бўйича тақсимланиши, ҳар бир ўқув фанига ажратиладиган ҳафталик ва йиллик ўқув соатлари, шунингдек, ўқув иили тузилишини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув фани – таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манба.

Ўқувчилар жамоаси – ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жиспешсан ўқувчилар бирлашмаси, гурухи.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши - ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини уюштириш ва бошқаришдаги фаол иштироклари.

Ўқув қўлланмаси – 1) маълум ўқув фанлари бўйича методик материаллар, тушунтиришлар, тавсияларни ёритувчи ҳамда ўқитувчи ёки ўқувчилар учун мўлжалланган манба; 2) муайян фан бўйича тайёрланган ҳамда методик жиҳатидан ўқув-тарбиявий жараёнда бевосита фойдаланиш имконини берувчи қўшимча ўқув материаллари.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

Ҳисобга олиш – таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш.

Иловалар

Фан бўйича назорат саволлари (ёзма, оғзаки, тест.)

1. Мехнат таълими дидактив тамойиллари.
2. Мехнат таълимида ўқитиши шакиллари.
3. Мехнат таълимида ўқитиши методлари.
4. Мехнат таълимини ўқитиши методикаси фани ва уни вазифаси.
5. Мактаб ўқув режасида мехнат таълимини қуйилиши, унинг тарихий тарақиёти.
6. 1-9-синфларда мехнат таълими мазмуни.
7. “Технология ва дизайн” йўналиши ва мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, куникма ва малакалар.
8. “Сервис хизмати” йўналиши ва мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, куникма ва малакалар.
9. “Кишлоқ хужалик асослари” йўналиши ва мазмуни, ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, куникма ва малакалар.

10. Мехнат таълими дарсларини режалаштириш.
11. Мехнат таълими ўкув жараённда таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси.
12. Мехнат жараённинг тахлили ва дидактик тушунчалари.
13. Мехнат таълимини ташкил қилишнинг дидактик тизимлари.
14. Мехнат таълими амалий дарсларини ташкил қилиш методикаси.
15. Халқ ҳунармандчилиги технологиясини ўқитиш методикаси.
16. Йўналишлар бўйича материалшунослик бўлимини ўқитиш методикаси.
17. Мехнат таълими ўқитувчисининг дарсга ва ўкув йилига тайёргарлиги.
18. Ўкув устахонасини ташкил этиш ва жихозлаш.
19. Мехнат таълимида баҳолаш мезонлари.
20. Ўзлаштиришни хисобга олиш турлари.
21. Мехнат таълимига оид методик ишлар.